

О. Аюпов О
М. Маманова

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Гулистан давлат университети

*Халқаро муносабатлар ва
Дипломатия тарихи курси
бўйича ўкув-услубий маъжмуа
(ўқув қўлланма)*

Гулистан – 2006

**АЮПОВ О., МАМАНОВА М. «Халқаро муносабатлар ва дипломати тарихи»
курси бўйича ўқув–услубий мажмуа (ўқув қўлланма).
Гулистан – 2006, 83 бет.**

Ушбу ўқув - услубий мажмуа 5220200-тариҳ таълим йўналишида тахсил олаётган талабаларга мўлжалланган. Мажмуада Замонавий педагогик технология тизимиға асосланган ҳолда ўқув мақсадлари аниқланган, мавзу бўйича муаммолар, муҳокама учун саволлар, назорат саволлари, мустақил иш топшириқлари тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати берилган.

Мажмуада Қадимий Шарқ, Фарб, илк ўрта асрлар, XI – XVIII асрлар, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари, ҳозирги замон ҳамда Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари ва дипломатияси ёритилган.

Мажмуа Гулистан давлат университети УМК томонидан (2006 йил 26 октябрь 2-сон баённома) нашрга тавсия этилган.

**Маъсул мухаррир: доц. Т.Омонжулов.
Тақризчи: проф Хидоятов Г.А. (ЖИДУ)**

This educational-and-methodical collection is intended for the students on the speciality 5220200 of History faculty.

The methodical guidance based on modern pedagogical technology. Each of the themes includes educational aims, problems on themes, tasks on self-independent work and a list of literature is also recommended.

The methodical collection contains questions of ancient East and West, early middle ages, the ages of XI – XVIII, the First and the second world wars, present and also Independent Uzbekistan's international coloberation.

This collection has been recommended by the educational-methodical council of Gulistan State University (pr № 2 October 26.2006)

Настоящий учебно-методический комплекс предназначен для студентов обучающихся по специальности 5220200-история. В комплексе, основанном на современных педагогических технологиях, определены учебные цели, проблема по темам, задания по самостоятельному обучению, а также представлен список рекомендованной литературы.

Освещен вопрос международного сотрудничества Древнего Востока, Запада, раннего средневековья, XI-XVIII веков, первого и второго мировых войн, современности а также независимого Узбекистана.

Комплекс рекомендован к печати учебно-методическим Советом Гулистанского государственного университета (протокол №2 26 октября, 2006 года)

© Университет

II. «ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ДИПЛОМАТИЯ ТАРИХИ» бүйича ишчи дастур.

№	Мавзулар номи	Мавзууда ёритиладиган масалалар	Маър уза соати	Адабиётлар рўйхати
1	Халқаро муносабатлар ва дипломатия қадимги Шарқ, Греция ва Римда	-Қадимги Шарқда халқаро муносабатлар ва дипломатияга доир хужжатлар ва аснодлар -Қадимги Греция: Элчи ва элчиликлар. Грек – форс урушлари. Македония. -Қадимги Рим: Дипломатик органлар. Рим ва Карфаген муносабатлари	4	<p>1. Авдиев В. История древнего востока. М., 1970; Всемирная история. М., 1955-56, I-IIг; История дипломатии. М., 1959. Т. I; Межгосударственное отношения и дипломатия на Древнем востоке. М., 1984; Струве В. История Древнего Востока. М., Л.. 1940; Бонгард – Левин Г., Ильин Г. Индия в древности. М., 1985; Крюков М. и др. Древние китайцы в эпоху централизованнých империи. М.. 1983;</p> <p>2. Античная Греция. М., 1983 I-II Т; Античная цивилизация. М., 1973; Бокшанин А. История международных отношений и дипломатии в древнем мире. М., 1948; Гафуров Б., Цибукидис Д. Александр Македонский и Восток. М., 1980;</p> <p>3. История Древнего Рима. М. 1981; Ковалев С. История Рима. Л. 1986; Утченко Древний Рим. События, люди, идеи. М., 1969;</p>
2	Халқаро муносабатлар ва дипломатия ўрта асрларда	Рим папаларининг дипломатияси Араблар дипломатияси Қадимги Русь Карл империясини барбод бўлиши Европанинг феодал тарқоқлиги	2	Бартольд В. Мусульманский мир. П., 1922; Васильев А. Византия и арабы. 1925; Сказкин С. История международных отношений и дипломатии в средние века. М., 1948; Шейнман М. Карткие очерки истории папства. М., 1952 История средних веков. М., 1990. Т.І; Турский Г. История франков. М. 1987 Международные связи стран Центральной, Восточной и Юго – Восточной Европы и славяно – германские отношения. М., 1956; Григорий Турский. История франков. М.. 1987;
3	Халқаро муносабатлар ва дипломатия XI-XV асрларда	Ғарбий Европа ва Шарқ мамлакатлари. Салиб юришлари. Халқаро хуқуқ илмини бошланиши	2	Басовская Н. Столетняя война. 1337-1453 гг. М. 1985; Заборов М., История крестовых походов в документах и материалах М., 1977; Робер де Клари. Завоевание Константинополя. М., 1986; Гробарь В.Вселенские соборы западно – христианской церкви и светские конгресссы XV века. В кн.: «Средние века». Вўп.2., 1946, стр. 253-277;
4	Халқаро муносабатлар ва дипломатия XVI –	Халқаро муносабатларнинг ўзига	2	Алексеев В. Тридцатилетняя война. Л., 1961; Ивонин Ю. У истоков европейской дипломатии нового времени, Минск. 1984; История дипломатии М., 1959

	XVII асрларда	хослиги. Дипломатик хизмат. Сиёсий ва ҳарбий түқнашувлар. Ўттиз йиллик уруш		T-1; история средних веков М.. 1991 т.2; Гроций Г. О.праве войнў и мира. М.. 1956;
5	Халқаро муносабатлар ва дипломатия XVII – XVIII асрларда	Халқаро муносабатлар-нинг асосий муаммолари. Мустамлакачилик сиёсати. XVIII асрнинг охирида халқаро муносабатлар.	2	История дипломатии. М.. 1959. Т. Новая История Европў и Америки. М., 1986; Коробков Н. Семилетняя война., 1940; Тарле Е. Очерки истории колониальной политики западноевропейских государств (конец XV – начало XIX вв); Война за независимость и образование США. М., 1976; Александров П. Северная система. М., 1914; Кафенгауз Б. Внешняя политика России при Петре I. М.. 1942; Тарле Е. Северная война и шведское нашествие на Россию. М., 1958;
6	Халқаро муносабатлар XIX асрнинг 20-60 йилларида	«Вена тизими» ни барбод бўлиши, Колониал сиёсат: ҳарактери ва услубидаги ўзгаришлар.	2	Новая история стран Европў и Америки: первый период. М., 1986; История дипломатии. М., 1959, Т.1.; Болховитинов Н. Доктрина Монро М., 1959; Болховитинов Н. Русско – американские отношения 1815-1832 гг. М., 1975; Дулина Н. Османская империя в международнўх отношениях (30-40годў XIXв)М., 1980; Тарле Е. Крўмская война. Соч. В 12 т.М., 1957-1962. т: 8-9; Тарле Е. Талейран. М., 1957; Фадеев А. Россия и восточный кризис 20-х гг. XIX века М., 1958; Ревуненков В. Польское восстание 1863 г. и европейская дипломатия Л., 1957; Дементьев Ю. Колониальная политика Франции в Китае и Индокитае 1844 – 1862 М., 1958;
7	Халқаро муносабатлар 1871-1914 йилларда	Халқаро муносабатлар XIX асрнинг охирида. ҳарбий-сиёсий блокларнинг пайдо бўлиши ва улар ўртасидаги кураш. Биринчи жаҳон уруши айёмида халқаро муносабатлар.	2	Астафьев И. Русско–Германские дипломатические отношения М. 1972; Жогов П. Дипломатия Германии, Австро–Венгрии и первая Балканская война 1912–1913гг. М., 1969; Ротштейн Ф. Международнўе отношения в конце XIX века М-Л. 1960; Новая история: Второй период М., 1984; История дипломатии М., 1963. Т.2» Дебидур А. Дипломатическая история Европў. От Венского до Берлинского конгресса (1814-1878) М.. 1947;
8	Биринчи жаҳон уруши (1914-1918)	Урушнинг сабаблари ва ҳарактери урушни бошланиши ва жараёни. Урушни	2	Бовўкин В. Из истории возникновения первой мировой войнў. Отношения Россия и Франции в 1912-1914 гг. М., 1961; Готлиб В. Тайная дипломатия во время первой мировой войнў. Пер.с англ. М., 1960; История первой мировой войнў. 1914-1918гг. В 2-х т. М., 1984; Каверин И. За қулисами английской блокадў (из истории первой мировой войнў) М., 1955

		тугаши.		г;
9	Иккинчи жаҳон уруши (1939-1945)	Урушнинг бошланиши. «ғалати уруш». Германияни собиқ СССРга ҳамласи. Антигитлер каолициясини барпо этилиши. Ҳарбий жараён. Урушни тугаши ва натижалари.	2	Бержеков В. Страницы дипломатической истории. М., 1987; Вторая мировая война. Краткая история. М., 1984; История войн на Тихом океане. В. 5.т.М., 1957-1958; Антигитлеровская коалиция (1941-1945). М., 1964; Кулиш В. История открытия второго фронта. М., 1956; История внешней политики СССР. М., 1986; Деборин Г. Международные отношения в годы Великой отечественной войны. 1941-1945 М.,Л. 1948; Земсков И. Дипломатическая история второго фронта в Европе. М., 1982; История дипломатии 2-е изд. 1975 Т.4 ; Эйзенхауэр Д. Крестовый поход в Европу. Воен. Мемуары пер. с англ. М., 1980;
10	Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро муносабатлар (1945-1990 йиллар) нчи	Урушдан кейинги муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш. «Совуқ уруш» сиёсати. Халқаро муносабатлар 80-90 нчи йилларда.	2	Анисимов Л., Мазуров В. Европа: Проблемы безопасности и сотрудничества Минск. 1982; Арбатов А. Военно – стратегический паритет и политика США. М., 1984; Борисов Р. США: ближневосточная политика в 70-е годы М., 1982; Галкин А. Мельников Д. СССР, западные державы и германский вопрос, 1945-1965 гг. М., 1966; История дипломатии. Т., в 2-х кн. М., 1974 – 1979; Колядин А. Проблема запрещения испытаний и распространения ядерного оружия М., 1976; Кошлев Ю. Разрядка в Европе: от Хельсинки к Мадриду. М., 1980; Международные отношения на Ближнем и Среднем Востоке после второй мировой войны, 40-50 гг. сб статей. М., 1962-1965; Международные отношения после второй мировой войны. Т., 1-3 М., 1962-1965; Подлесной П. Проблемы мирного сосуществования в 70-80-е гг., 1982; Рохин А. Послевоенное урегулирование в Европе. М., 1989; Аллен Дж. Атомная энергия и общество: пер. с англ. М., 1950; Андри К. План Маршалла. М., 1950;
11	Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати.	Мустақиллик-нинг қўлга киритилиши. Ташқи сиёсатнинг асосий тамојиллари. Жаҳон давлатлари ҳамжамоаси томонидан эътироф этилиши. Дунё мамлакталари билан сиёсий, иқтисодий,	2	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.Т., 2003 йил; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахбаротномаси, 1992 – 2006 йиллар; Каримов И.А. Асалар тўплами 1-13 жиллар. Т., 1996-2006 й.; Аҳмедов Э., Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома. Т., 1998й; Тюриков В., Шогуломов Р. Мустақил Ўзбекистон Республикаси. Воқеалар ва саналар. 1991-1996.Т., 1997-98й; Интернет. Ўзбекистон Республикаси Президенти Портали. 2005 – 2006 йиллар; Ўзбекистоннинг даврий матбуоти. 1991-2006 йиллар; Гуломов Х., Холлиев А. Международные связи Республики Узбекистан с Великобританией и США. Т., 2002;

		маданий алоқаларни ўрнатиш. Халқаро ташкилотлар ва Ўзбекистон. Ташқи ишлар тизимни ва дипломатияни шаклланиши, ҳамда ривожланиши.		Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т., 1-12 жилдлар, 2000-2006 й; Мустақил Ўзбекистон тарихи. З-китоб. Т., 2000 й ; Касўмов А., Васькин А. Основные направления внешней политики республики Узбекистан. Т., 1994; Истиқлол - мустақил сиёсат демак! Халқ сўзи. 2005 йил., 24 август; Хидоятов Г., Гуламов Х. Всемирная история. Новейший период. Европа и США после второй мировой войны (1945-1995 гг) Т. 1999 г; Аюпов О. Дунё. Сиёсат. Жамият. Гулистон 2006 й.
12	Амалий дипломатия	Дипломатия тушунчаси. Дипломатия тарихидан. Дипломатик хизмати. Дипломатик унвонлар ва мартабалар. Дипломатик протокол ва этикет.	4	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахбаротномаси. 1992-2006 йиллар; Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. 1-12 жилдлар. 2000-2006й., Интернет. Ўзбекистон республикаси Президенти Портали. 2005 – 2006 йиллар; www. yilnomat.uz; Аюпов О. Дунё. Сиёсат. Жамият. Гулистон 2006 й; Дипломатический словарь. 1-3 т. М., 1985-1986 гг; Ўзбекистоннинг даврий матбуоти. 1991-2006 йиллар (ОАВ); Аюпов О. Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи бўйича қўшимча маълумотлар. Гулистон. 2006 й ; Бобўлев Г. Основы консульской службы. М., 1986; Венская конвенция о дипломатических сношениях. 1961. М., 1991; Вуд Дж., Серре Ж. Дипломатический церемониал и протокол. М., 1976; Дипкурьер. М., 1973; Зорин В. Основы дипломатической службы. М., 1977; Ковалев А. Азбука дипломатии М., 1985; Феодоров Л. Дипломат и консул. М. 1985; Фиёсов Б. Ўзбекистон дипломатияси: илк одимлар. Гулистон Т., 1996, 5-6 бетлар

2.2. Семинар машғулотлари мавзулари рўйхати:

1-семинар. Халқаро муносабатлар ва дипломатия Қадимги Шарқ, Греция ва Римда.

2-семинар машғулот: Халқаро муносабатлар ва дипломатия ўрта асрларда.

3-семинар машғулот: Халқаро муносабатлар ва дипломатия XI-XV асрларда.

4-семинар машғулот: Халқаро муносабатлар ва дипломатия XVI-XVII асрларда

5-семинар машғулот: Халқаро муносабатлар ва дипломатия XVII – XVIII асрларда

6-семинар машғулот: Халқаро муносабатлар XIX асрнинг 20-60-нчи йилларида

7-семинар машғулот: 1871 – 1914 йилларда халқаро муносабатлар.

8-семинар машғулот: Биринчи жаҳон уруши.

9-семинар машғулот: Иккинчи жаҳон уруши.

10-семинар машғулот: Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро муносабатлар.

11-семинар машғулот: Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати (1991-2000йиллар).

12-семинар машғулот: Дипломатия хизмати ва амалий дипломатия.

2.3. Мустақил иш топшириқлари рўйхати:

1. Наполеон урушлари:

2. Франко-Пруссия уруши. (1870-1871гг)
3. Халқаро муносабатлар ва дипломатия биринчи жағон урушидан кейин.
4. Халқаро муносабатлар ва дипломатия 2- жағон уруши араfasида.

**III. «Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи» курси бүйича
рейтинг ишланмаси.**

T-p	Назорат турлари	сони	балл	жами балл
I	ЖБ 1.1. Амалий машғулот 1.2. Ёзма топшириқ 1.3. ТМИ уйга вазифа (ёзма)	12 2 3	2,5 5 5	30 10 15
II	ОБ 2.1. Оралиқ баҳолаш ёзма иш 2.2. ТМИ муаммоли саволларга жавоб ёзиш 2.3. Реферат тайёрлаш	2 1 1	5 10 10	10 10 10
III	ЯБ 3.1 Якуний баҳолаш 3.2. Ёзма иш (5 та савол) 3.3. Тест сұрови (25 савол)	1 1 1	15 (10) (5)	15
ЖАМИ				100

**«Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи» курсидан
баҳолаш мезони**

- 1.1. Фан бүйича ЖБ амалий машғулотларини тұла бажарған талабага 1 балл берилади, агар тұла бўлмаса 0,5 – 07 балл берилади.
- 1.2. Уйга вазифа қилиб берилган топшириқларнинг бажарилишини хажми ва сифатига қараб 1 дан 3 баллгача берилади.
- 2.1. Оралиқ баҳолаш ёзма ёки оғзаки ўтказилиб 5 та савол берилади. Ҳар бир иш ёки жавобға 10 балл берилади.
- 2.2. Курс бүйича тематикалар асосида реферат тайёрлайди ва мавзуни тахлил қилишга алоҳида эътибор берилади.
 - тұла тахлил ва хулоса қилған бўлса 9-10 балл
 - мавзу моҳиятини тұла очиб беришга эришган бўлса 6-8 балл
 - ташқи сиёсат тамойилларини моҳиятини билишга ҳаракат қилған бўлса 5 балл
- 3.1. Якуний баҳолашда талаба 5 та саволға ёзма ва 25 та тест саволига жавоб бериши лозим.
 - ҳар бир ёзма саволға максимал 2 балл берилади.
 - жавоб тұла, танқидий бўлса 1,8-2 балл

- саволнинг моҳиятини очишга ҳаракат бўлган бўлса 1,5- 1,7 балл

- жавобда камчиликлар бўлса 1,0 – 1,4 балл берилади.

Эслатма: тест саволи 0,2 балл тизимида баҳоланади.

IV. ЛЕКЦИЯЛАР КУРСИ

1-мавзу: Халқаро муносабатлар ва дипломатия

Қадимги Шарқ, Греция ва Римда.

Ажратилган вақт – 4 соат

Асосий саволлар:

1. Халқаро муносабатлар ва дипломатия Қадимги Шарқда
2. Халқаро муносабатлар ва дипломатия Қадимги Грецияда
3. Халқаро муносабатлар ва дипломатия Қадимги Римда

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Қадимги Шарқ, Қадимги Греция, Қадимги Рим, Миср, Эль – амарн ёзишмалари, Ману қонунлари (I аср м.а.), Чандрагупта, Селевк, Страбон, «буюк ипак йўли», «проксения», «амфиктионлар», «иеромения», «симмахиялар», спарта, грек – форс урушлари, полислар, Филипп II, Александр Македонский, Пуни урушлари, «варварлар», Юстиниан, «логофет дромо».

Мавзуга оид муаммолар:

Қадимги Шарқда шаклана бошлаган халқаро муносабатларга сизни баҳонгиз?

Қадимги Грециядаги дипломатик протоколларга муносабатингиз қандай?

Қадимги Римдаги халқаро алоқаларнинг шаклиги муносабатингиз қандай?

Биринчи савол: Халқаро муносабатлар ва дипломатия Қадимги Шарқда.

1-савол юзасидан дарс мақсади:

Қадимги Шарқда шаклана бошлаган халқаро муносабатлар ва дипломатия тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1.Қадимги Шарқдаги халқаро ҳолатни кўрсатади.

1.2.Қадимги Ҳиндистондаги дипломатик хизматини тахлил қиласида ва шархлайди.

1.3.Қадимги Хитойдаги дипломатияга баҳо беради.

1-саволнинг баёни*

Қадимги Шарқ тарихи биз учун айрим миқдорда хужжатларни, яъни дипломатик мактублар, шартномалар ва бошқа халқаро аснодларни сақлаб қолди-ки, улар қадимий шарқ подшоликлари ўртасида жадал алоқалар мавжуд бўлганидан далолат беради.

Милоддан аввалги 3 мингликни ўзида мисрликлар қўшни мамлакатлар билан муносабатлар ўрнатишга уринганлар. VI – нчи авлод подшолар даврида (XXV аср м.а.) мисрликлар пуни мамлакатига (Қизил денгизнинг жанубий соҳили) элчилик экспедиясини юборганлар.

2-нчи минг йилликнинг (м.а.) бошларига келиб Мисрни қўшни давлатлар билан алоқалари жадаллашиб боради. Подшоҳ саройида, ўзга элларга элчи сифатида юбориладиган маҳсус хизматчилар тоифаси пайдо бўлди.

XVIII авлод даврида (м.а. 2 минг йилликнинг ўртасида) Миср, Қадимий Шарқнинг халқаро ҳаётида биринчилар ролини ўйнади. Мисрликлар Митания, Вавилон, Ассирия, Хеттлар давлати, Крит подшолиги, Эгей ороллари ҳамда Сурия ва Фаластин князлари билан алоқаларни ўрнатди. Мисрда, дипломатик ёзишмалар билан ташки ишлар бўйича тузилган маҳсус давлат маҳкамаси шуғулланар эди.

Қадимий Шарқ дипломатиясига оид хужжатлар орасида Миср Фиравни Рамес II нинг Хеттлар подшоси Хаттусил III билан 1296 йилдаги (м.а.) Аль – амарн ёзишмаси ва тузилган шартномаси алоҳида дикқатга сазовор. 1887 – 1888 йилларда Амарна деб номланган жойда (Ўрта Мисрнинг, ўнг соҳили) XVIII авлод Фиравнлари Аменхотеп III нчи ва унинг ўғли Аменхотеп IV инчига (2-нчи минг йиллик ўртаси, XV – XIV аср м.а.) қарашли дипломатик ёзишмалари архиви топилди.

*Холлиев А., Татубоев А. ларнинг «История международных отношений и дипломатии (учебно –методическое пособие)» Ташкент. 2002 г. Таржима килиниб фойдаланлган.

Аль-амарн архивининг аксарият қисмини фиравнга қарам бўлган Сурия ва Фаластин князларининг мактублари ташкил этади. Мактубларнинг асосий мазмуни: ўзаро салом – аликлар, илтифотлар, қуда – андачилик тўғрисида музокаралар, ҳарбий ёрдам, олтин ва совға-соломлар юбориш борасида илтимослар, шикоятлар ва ҳоказолар. Мактубларда карvonлар юборилганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд.

Аль – амарн архивида Вавилон ва Миттан подшоларининг Аменхотеп III-нчи ва Аменхотеп IV-нчи номларига юборилган дипломатик мактублар ҳам сақланиб қолинган.

Мисрни Вавилон ва Миттан билан яқинлашувига милоддан аввалги XIV асрда қудратли давлатга айланган Хетт подшолари томонидан таҳдид мажбур қилди.

Милоддан аввалги XIV – XIII асрлар Хеттлар ва Миср ўртасида бўлиб ўтган урушлар билан тўла. Ушбу урушлар ҳар иккала тарафни ҳам заифлаштиради. Умумий заифланиш ва ассирияликларни ҳамла эҳтимоли, уруш ҳолатида бўлган тарафларни 1296 йил милоддан аввалги дўстона келишувга имзо чекишига мажбур қилди. Ушбу тинчлик келишуви XIX авлод Фиравни Рамес II ва Хеттлар подшоси Хаттусил III томонидан имзоланди. Келишув З хил ёзув кўринишида сақланиб қолган – иккита Миср таҳририда Карнак ва Рамсей шаҳарларида) ва биттаси Богаз – Кё деган жойда топилган Хетт таҳрири. Нафақат келишувнинг матни, келишувдан олдин бўлиб ўтган музокаралар тўғрисидаги хабарлар ҳам сақланиб қолинган.

Дипломатик мактублар ва элчихоналар билан айрибошлиш юқорида эсга олинган шартномалардан кейин ҳам давом этган. Ёзишмалар нафақат подшолар балки маликалар ўртасида ҳам амалга оширилган.

Қадимий Шарқ дипломатияси ва халқаро хуқуқ намуналаридан бири Ману (I аср м.к.) қонунлари ҳисобланади.

Хинд ривоятларига кўра, Ману қонунлари – илоҳий кучга эга ва орийларнинг аждодлари сифатида танилган афсонавий Ману даврига тўғри келади. Ўзининг хусусиятига кўра Ману қонунлари тижорат ва ҳарбий иш, сиёsat, халқаро хуқуқга доир Қадимий Хинд қарорларидан иборат. Ушбу қоидалар милоддан аввалги 1 минг йил давомида шаклланган.

Хинд ҳукмдорлари, нафақат турли қадимий Хинд давлатлари подшолари билан, балки Хинд ярим оролидан ташқарида жойлашган ҳамсоя давлатлари билан ҳам олиб борган музокараларини ўз ичига олган фаол ташки сиёsatини олиб борганлар. Масалан, қудратли қадимий Хинд мамлакати Маурьянинг асосчиси Чандрагупта Александр Македонскийнинг авлодларидан бири Селевк билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатган.

Маурья давлатининг ҳукмдорлари ва эллинистик давлатлари подшоҳлари ўртасидаги халқаро муносабатлар милоддан аввалги III асргача давом этган. Чандрагупта невараси – подшоҳ Ашок даврида Хинд элчилари нафақат Селевклар давлатига сафарга борганлар, айrim ҳолларда Македониягача ҳам борганлар.

I-II асрларда Кушон подшолигининг Хинд ҳукмдорлари номидан эльчиликлар то Рим империясигача борганлар.

Император Августу хузурига Хинд элчиларининг келишини машхур географ Страбон ҳам эслайди. Император Троян даврида (тахминан 100-нчи йил х.м.) Рим империясига хинд элчисининг ташрифи тарихга маълум.

Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида (м.а. II минг йилликнинг бошидан – то XII аср м.а.) пайдо бўлган биринчи давлатлар ягона улкан подшоликка бирлашдилар. 1-нчи мингийллиқда ягона қадимий Хитой давлати бир қатор йирик ва майда подшоликларга бўлиниб кетди ва улар VIII асрдан бошлаб (м.а.) мустақил давлатларга айландилар. Ушбу давлатлар ўзаро гоҳ зиддиятда бўлиб, гоҳ дўстона музокаралар олиб бориб ва иттифоқлар тузиб, яқин муносабатларда эдилар.

Қадимий Хитой давлатлари кўчманчи қабилалар хуннлар томонидан бир неча бор ишғол қилиндилар. Бу тажаввузлардан сақланиб қолиш мақсадида қадимий Хитой давлатлари хукмдорлари иттифоқка бирлашишга мажбур бўлдилар.

Милоддан аввалги III аср ўртасида Цинь подшолиги хукмдори Чжэн, Хуанхэ ва Янцзў дарёларининг оқими бўйлаб жойлашган ҳозирги Хитой худудининг марказий қисмини ўз хокимияти остида бирлаштириди. Цинь – Ши – Хуанди номини олган Чжэн, қўшни қабилалар ва халқларни қўл остига олиш мақсадида қатор экспедицияларни ташкил этди.

Хань сулоласи подшолари даврида (м.а. 206-220 йил м.к.) қудратли марказлашган давлат ташкил топди. Ушбу замонда, Хитой идораларида ички ва ташқи сиёсий ҳаётнинг муҳим воқеалари ёзib борилар эди. Хитой элчихоналарининг раҳбарлари уларга юклangan вазифаларни бажарилганликлари тўғрисида, ёзма равишида тўла ҳисобот беришга мажбур эдилар ва тарихчилар талқинидаги ушбу ахборотлар ҳозирги замонга қадар сақланиб қолган.

Император У-ди (м.а. 140-87 йиллар) ниҳоятда фаол ташки сиёсат олиб борган. Милоддан аввалги 138 йили у ҳарбий қўмондон Чжань Цан бошчилигидаги дипломатик миссияни олис бўлган «ғарбий» ерларга юборди. Ўзининг сафари давомида элчи Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг ижтимоий ва давлат тизими тўғрисида ахборот йиғди; уларнинг ҳарбий қудратлари, шаҳарлари ва савдо йўллари борасида ҳам ахборот йиғди. Кўп йиллик саргузаштлардан сўнг милоддан аввалги 126 йили Чжань Цань ватанига қайтиб келди.

Хитой элчилари жанубий давлатларга ҳам борар эдилар ва уларни Хитойга бўйсундириш борасида ҳаракат қилдилар. Ва милоддан аввалги 111 йилда Хитой элчилари ҳаракати туфайли, деярли қаршиликсиз Нан – Нюэ давлати бўйсундирилди.

Милоддан аввалги I асрда Парфян подшоларининг элчилари бир неча бор Хитойга ташриф буюрдилар, ва «буюк ипак йўли» да ҳаракат қилган Парфия савдогарлари тижорат ишларини амалга оширидилар.

Милоднинг I асрининг охирида хуннларни мағлубиятга учратиб, уларни узил – кесил Хитой сарҳадидан узоқлаштирган Хитой саркардаси ва дипломати Бан Чао халқаро муносабатларда ниҳоятда фаоллик кўрсатди. Милоднинг 90-нчи йилларида Бан Чао Ўрта Осиёнинг аксаият қисмини Хитой императорига бўйсундирди ва Мервгача етиб борди. Бан Чао Ғарбий Рим империяси билан ҳам дипломатик алоқалар ўрнатишга уринди. Лекин, парфянларни римликлар ва хитойликлар ўртасида иттифоқ тузишга қаршилиги туфайли буни уддасидан чиқа олмади.

Назорат учун саволлар: (ёзма ёки оғзаки назорат учун)

1. Мисрнинг қўшни давлатлар билан алоқаларини таҳлил қилинг.
2. Хинdistоннинг ташқ алоқалари қайси йўналишларда ривожланди?
3. Хитой дипломатиясининг асосий мақсадлари нималардан иборат?
4. Қадимги Шарқ дипломатиясини шархлаб беринг.
5. Хинdistон ва Хитой дипломатларининг фаоллигига қандай сабаблар бор?

Иккинчи савол: Халқаро муносабатлар ва дипломатия Қадимги Грецияда.

2-савол юзасидан дарс мақсади:

Қадимги Грециянинг халқаро муносабатлари ва дипломатияси борасида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Қадимги Грециядаги халқаро холатни күрсатади.
2. Қадимги Грециядаги дипломатик хизматни тахлил қиласы да шархлайди.
3. Қадимги Грециядаги дипломатияга баҳо беради.

2-саволнинг баёни:

Қадимги Грецияда халқаро алоқаларнинг ва халқаро ҳукуқнинг энг қадимий шакли «проксения», яъни меҳмондўстлик эди. Проксения айрим шахслар, қабилалар, қавмлар ва бутун бир давлатлар ўртасида ҳам амалда эди. Проксенлар шу амал билан шуғулланувчилар воситасида дипломатик музокаралар олиб борилар эди; ва шаҳарга ташриф буюрган элчихона вакиллари аввалан ўзининг проксенига мурожаат қиласы да.

Проксения институти, кейинчалик бўлиб ўтадиган Қадимги Греция дунёсидаги барча халқаро алоқаларнинг асосига айланди.

Шунга ўхшаш қадимий халқаро алоқаларнинг яна бир шакли бу **«амфекционлар»** эди. Ўта муҳим ва ардоғда бўлган «худолар» қароргоҳлари қошида пайдо бўлган диний иттифоқлар шундай номланар эди. Ушбу иттифоқларга, қавму - қариндошлигидан қаттий назар, қароргоҳлар, яъни амфекционлар – (-атрофида истиқомат қилувчилар) атрофидагилар аъзо бўлардилар.

Қабилалар йиғилиб байрамларни нишонлайдиган вақтда урушлар ман этиларди ва «илоҳий сулҳ» (**«иероменія»**) эълон қилинар эди.

Шундай килиб, амфекционлар халқаро хусусиятга эга бўлган диний – сиёсий институтга айланар эди.

Қадимий Грецияда бир неча амфекционлар мавжуд эди. Уларнинг ичида энг қадимий ва кудратлиси дельфий – Фермопиль амфекцион эди. У икки амфекционлардан иборат эди: Дельфаҳдаги Апполон храми қошидаги ва Диметр храми қошидаги Фермопиль амфекционлар. Дельфий – Фермопиль амфекционига 12 та қабила аъзо эди.

Дельфий – Фермопиль амфекционларнинг асосий мақсади: Апполоннинг Дельфий храмини, унинг ерларини, бойликларини қўриқлашдан иборат эди. Шунинг билан биргаликда, амфекционларнинг барча иштирокчилари томонидан хурмат қилиш керак бўлган греклараро халқаро қоидаларни ўрнатишга уриндилар.

Грецияда яна бир халқаро алоқаларнинг шакли – бу ҳарбий – сиёсий иттифоқлар, яъни **«симмахлар»** тўғрисидаги шартномалар. Уларнинг ичида энг эътиборлилари Лакедемон ва Афина (Делосс) симмахиялари эди.

Лакедемон симмахияси милоддан аввалги VI асрда Пелопоннес ва шаҳарлар иттифоқи сифатида пайдо бўлди. Унинг бошида Спарта туради.

Эллин шаҳарларининг яна бир йирик иттифоқи афина бошқарган Афина ва Делосс иттифоқи эди ва у Персларга қарши уруш жараённида пайдо бўлган. Вакт ўтиб Делосс симмахияси Афина давлатига (архэ) айланди.

Икки симмахия ўртасидаги муносабатлар мураккаб эди. Ва натижада, бу холат милоддан аввалги V асрнинг иккинчи ярмида, бутун Грецияни ўз ичига олган Пелопоннес урушига олиб келди (милоддан аввалги 431-404 йиллар). Пелопоннес уруши жараённида, Афинани 404 йилдаги мағлубиятидан сўнг, Афина симмахияси барбод қилинди. Бироқ, бироз вақтдан кейин, милоддан аввалги 355 йилда барбод бўлган иккинчи Афина денгиз иттифоқини туздилар.

Милоддан аввалги IV асрда Фива ва Эталия қишлоқ жамоалари иттифоқи бошчилигига биотий шаҳарлар альянси ташкил топди ва милоддан аввалги III аср бошларида ахей шаҳарлари иттифоқи тузилди. Олдинги симмахиялардан фарқли ўлароқ Этали ва Ахей иттифоқлари битта жамоа томонидан бошқарилмас эди: унинг таркибига кирган қишлоқлар ва полислар (шаҳарлар) умумиттифоқ ҳукуматни сайлар эдилар.

Жамоалар ва полислар ўртасида пайдо бўлган низолар махсус вакиллар ёки элчилар томонидан хал қилинар эди; улар милоддан аввалги XVII – VIII асрларда **вестниклар (керюкс, ангелос)**, ва VIII – IV асрларда эса – оқсоқоллар (пресбейс) деб номланар эди.

Элчихоналар аъзолари сони ҳар хил бўлар эди: у жараён шароити билан белгиланар эди.

Элтихона мақсади, элчиларга топшириладиган йўриқномада белгиланган эди. Йўриқнома белгиланган шаклда расмийлаштирилар эди: ёрлиқ иккита тахланган тахтачадан (дипломата) изборат эди. «Дипломатия» атамаси ҳам шундан олинган.

Қадимий Грек тарихининг муҳим саҳифаларидан бири грек – форс урушлари эди.

Милоддан аввалги VI асрнинг охирларида кескин ижтимоий – сиёсий жараёнлар билан кузатилган грек полисларининг шакланиши якун топди.

Лекин, милоддан аввалги VI асрнинг охирига келиб грек полисларига қўшни Ахмонийлар буюк давлати томонидан хатар пайдо бўлди.

Кичик Осиёда жойлашган грек шаҳарларини ва Эгей денгизининг шарқий қисмидағи оролларни қўлга киритиб, Эрон хукмдорлари Болқон Грецияси полисларини ҳам забт этиш мақсадида эдилар.

Грек полислари аҳолиси зич, юкори маданиятли ва саноати ҳамда тижорати ривожланган шаҳарларга айланган эди, шунинг учун ҳам форс хазинасига катта фойда олиб келиши мумкин эди. Бунга қўшимча, стратегик маънода Болқон Грециясини қўлга олиш жуда муҳим эди, чунки буюк подшоҳ қўлига Шарқий Ўртаер денгизини топширади.

Болқон полислари учун форс хавфи уларнинг ўзлари учун ўта хавфли эди. Грек–форс урушлари жараёнида грек полисларининг тақдирни хал бўлар эди.

Милоддан аввалги 500-449 йиллардаги грек – форс урушлари жаҳон тарихида энг давомли ҳарбий тўқнашувларидан бўлди. Грек – форс урушидаги ҳарбий ҳаракатлар узлуксиз олиб борилмади, улар бир қатор ҳарбий компанияларга бўлиниб кетди. Ниҳоятда кучли душман устидан қозонган ғалаба Қадимий грекларнинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг ҳамма жабҳаларини ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди, ва милоддан аввалги V – IV асрларда қадимий Грек цивилизациясининг гуллаб – яшнашига восита ролини ўйнади.

Милоддан аввалги IV аср Македониянинг юксалиши билан белгиланади. Македонияни юксалишида, унинг грек оламида энг кучли давлатга айланишида машхур сиёсатчи, дипломат, македон подшоси Филипп II (359-336 й.м.а.) ниҳоятда катта роль ўйнади.

Филипп II бир қатор реформаларни амалга ошириб Македонияни нафакат грек дунёсидаги энг кучли давлатга, балки форс давлатининг рақиби ҳам айлантириди.

Филипп II нинг дипломатик ва ҳарбий амаллари натижасида Грецияда Македония гегемонияси ўрнатилди, унинг юридик тасдиқи милоддан аввалги 337 йили Коринфда бўлиб ўтган умумгрек конгрессида ўз тасдиқини топди.

Коринф конгрессининг энг муҳим қарорларидан бири – бу Форс монархиясига қарши муқаддас урушни эълон қилиш эди. 336 йили Филипп II Кичик Осиёга ўн минглик армияни юборди, аммо кўп вақт ўтмай у сарой амалдорларининг бири томонидан ўлдирилди. Македония подшоси деб унинг ўғли Александр эълон қилинди ва у айни вақтда Эллинитифоқининг гегемони ҳам бўлди. Александр Македонский номи ва фаолияти Форс монархиясининг барбод бўлиши ва буюк давлатни барпо этилиши билан боғлиқ ва айнан Александр Македонскийнинг ҳарбий юришлари билан эллинизм номини олган грек тарихининг янги даври бошланади.

Назорат топшириклари (ёзма ёки оғзаки назорат учун)

Грек дипломатиясининг шаклларида фарқ борми?

Македониянинг юксалишига қандай омиллар сабаб бўлди?

Проксения, амфиктион, иеромения атамаларини шарҳлаб беринг.

Симмах, пресбейс атамаларини тахлил қилиб беринг.

Грек полисларининг ролини ёритиб беринг.

Учинчи савол: Халқаро муносабатлар ва дипломатия Қадимги Римда.

З-савол бўйича дарс мақсади:

Қадимги Римнинг халқаро алоқалари ва дипломатиясини ёритиб, талабаларда мустаҳкам тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 3.1.Дипломатиянинг илк кўринишларини ифодалайди.
- 3.2.Рим – Карфаген муносабатларини кўрсатади.
- 3.3.Пуни урушларини шархлаб беради.

З-саволнинг баёни:

Қадимги замонлардан Римда грек проксениясига ўхшаш меҳмондўстлик ҳуқуки мавжуд эди. Қабилалар ва қабилалар иттифоқлари ўртасидаги бахслар ва низоларни ҳал қиласидиган коҳинлар ҳайати (**фециаллар**) бор эди. Фециаллар рухсатисиз бирорта мухим ташки сиёсий тадбир бошланмас эди ёки тугатилмас эди. Уларнинг ваколат доирасига: ҳалқаро шартномаларни назорат қилиш, уруш эълон қилиш тадбири ва сулх эълон қилиш кирап эди.

Рим жамоаси ва унинг айрим фуқаролари номидан ўзга қабилалар билан алоқа олиб борувчи лавозимли шахсларга **рекуператор** лар (recuperatores) кирап эди.

Булар овоз олиш йўли билан сайланадиган 3-5 кишидан иборат махсус хакамлар эди ва улар римликлар ҳамда ҳамсоя шаҳар ва қабилалар ўртасидаги моддий эътиrozларни ҳал қиласидиган эдилар. Кейинчалик милоддан аввалги II – I асрларда рекуператор махкамалари Рим вилоятлари аҳолисининг амалдорлар устидан ариза ва шикоятларни ҳам кўриб чиқарди.

Ҳалқаро алоқаларнинг ривожланишига кўра Римда ҳалқаро ҳуқуқнинг ибтидоий кўринишлари ҳам пайдо бўлди.

Иқтисодий ҳаётни мукаммаллаши ва ҳамсоялар билан тинчлик алоқаларининг ривожланишига кўра фақат рим фуқораларига нисбатан ишлатиладиган қадимий **«фуқаролар ҳуқуки»** (jus civile) билан бир қаторда римликлар ва чет элликлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи **«ҳалқлар ҳуқуки»** (jus gentium) пайдо бўлди.

Антик Рим дипломатик органларининг ташкилий ва таркибий кўриниши унинг сиёсий тизимини ифодалайди. Римнинг класик даврида ҳалқ мажлиси фақат уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш масалаларини ҳал қиласидиган эди, лекин ташки сиёсатнинг умумий раҳбари – бу Сенат эди.

Рим тарихининг энг қадимий (подшохлик) даврида элчилик миссиясини юбориш факат подшоҳ ваколатига кирап эди. Элчилар эса фециаллардан коҳинлар – жрецлар ташкил топарди. Республика даврида бу ҳуқуқ Сенатга ўтди. Элчилар **легатлар** ва **ораторлар** деб номланардилар. Элчи шахсияти одат ва қонун билан муҳофазаланган эди.

Элчихонанинг мақсади турличи бўлиши мумкин эди: уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш, шартномаларни имзолаш, босиб олинган вилоятларда тартиб ўрнатиш, низо ва диний бахсларда қозилик қилиш ва хоказо. Сенат ваколатига нафакат элчихоналарни юбориш, уларни қабул қилиш ҳам кирап эди. Римга келган чет эллик элчихоналар икки тоифага бўлинарди:

- 1.Душманлик муносабатларда бўлган давлатлар элчихоналари;
- 2.Дўстлик муносабатларда бўлган давлатлар элчихоналари.

Ҳалқаро муносабатлар тизимининг антик даври хусусиятлари – бу **ички дипломатия**нинг мавжудлиги. Ўзининг ривожланишидаги энг юқори чўққига ички дипломатия, Рим империяси даврида эришди. Рим империясининг айрим худудлари ва марказ ўртасидаги муносабатларнинг ноаниқлиги унинг ички ва ташки сиёсати ҳамда дипломатияси ўртасидаги аниқ фарқни аниқлаш қийин.

Рим давлат ҳуқуки нуқтаи – назаридан ҳар бир шаҳар (**муниципий**) ва ундан ҳам кичик бўлган маъмурий бўлинма мустақил сиёсий субъект, яъни давлат ичидағи давлат сифатида қабул қилинар эди. Ана шу мустақилликнинг ифодаси сифатида **элчихона ҳуқуки** (jus legations) намоён бўлар эди.

Юқорида номлари келтирилган ҳар бир ташкилот (вилоят, муниципия, иттифоқ, корпорация) марказга элчихона юбориш, ҳамсоялар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга эди ва бир сўз билан айтганда мустақил, юридик субъект сифатида иш юритишга ҳақли эди.

Империя даврида давлатнинг тўла бошқарув тизими император қўлига ўтди. Сенат ҳам фаолият кўрсатар эди, лекин республика давридаги раҳбар органидан император қошидаги кенгаш вазифасини бажарувчи органга айланниб қолди.

Шу тартибда ташқи сиёсат ва дипломатияни бошқариш ҳам ўзгарди. Императорлик даврида барча ташқи сиёсат масалалари император (принцепс) ваколатига киради.

Дипломатия, император маъмурларининг функциясига айланди. Империя даврида элчилар барча маъмурлар сингари сайланмас эдилар аксинча тайинланар эдилар. Клавдий давридан бошлиб (I аср ўрталари) элчихона ишлари билан император котиби бошчилигидаги императорнинг шахсий идораси машғул эди. Шу билан биргаликда ушбу идора империянинг энг олий маъмурий органи ҳисобланар эди.

Хорижий давлатлар элчиларига нисбатан ҳуқуқий ҳолат империя даврида ҳам республика давридагидай сақланиб қолган эди.

Қадимий Римнинг халқаро муносабатлари тарихида энг мушкул давр – бу унинг Карфаген билан рақобатлик даври эди.

Милоддан аввалги 264 йилга қадар Рим ва Карфаген тинчлик муносабатларда эди. Тижорат ва денгиз ҳаракатлари маҳсус шартномалар асосида тартибга солинган эди. Милоддан аввалги 280 нчи йилдаги шартнома Рим ва Карфаген ўртасидаги нафақат савдо балки сиёсий муносабатларни ҳам ўз ичига олар эди. То Рим Аппенин ярим оролини, Карфаген Шимолий Африкани забт этиши билан банд даврида уларнинг манфаатлари тўқнашмас эди. Лекин, римликларни Жанубий Италияга кириб бориши билан ахвол ўзгарди. Рим республикаси нафақат Аппенин ярим оролига, кўшни худудларга ва биринчи навбатда Ўртаер денгизидаги катта оролларга, хусусан бой Сицилияга даъвогар қудратли давлатга айланди. Ушбу даъволар Римни қудратли саросимага тушган Карфаген билан тўқнашувларга олиб келар эди.

Таъсир доираси учун кураш Пуни номини олган қонли ва давомли урушларга олиб келди. Уч Пуни урушлари натижасида (1-нчиси м.а.264-241 йиллар, 2-нчиси м.а. 218-201 йиллар, 3-нчиси м.а. 149-146 йиллар) – Карфаген мағлуб ва тўла барбод бўлди.

Пуни урушларидаги ғалаба жуда катта халқаро аҳамият касб этди. Ғарбий Ўртаер денгизида ҳукмдор бўлиб, Рим Ўртаер денгиз худуди, ўша даврнинг энг кучли давлатига айланди. Аппенин ярим оролидан ташқарида Рим жуда кўп янги худудларга эга бўлди: Сицилия, Сардиния ва Корсика, римликлар Испания деб қайта номланган Карфагеннинг Иберия ўлкалари, Шимолий Италия ва бошқалар.

Назорат топшириклари: (ёзма ёки оғзаки назорат учун)

- 1.Қадимги Римда халқаро алоқалар шаклларини ифодалаб беринг.
- 2.Қадимги Римда дипломатик органларни кўрсатинг.
- 3.Қадимги Римда «ички дипломатия» тушунчасини шархлаб беринг.
- 4.Рим империяси даврида (I-V асрлар) дипломатия.
- 5.Рим – Карфаген муносабатларини очиб беринг.
- 6.Пуни урушлари. Давларини кўрсатинг ва натижаларини шархланг.
7. Ички дипломатия тушунчасини изоҳлаб беринг.
8. Империя ва Республика давларида дипломатик алоқалар устидан бошқарувнинг фарқини очиб беринг.
9. Рим ва Карфаген ўртасидаги муносабатларни қандай шархлайсиз.

Мавзу бўйича ўз ечимини кутаётган илмий муаммолар:

Қадимги даврда Шарқ ва Ғарб дипломатиясида принципial фарқни аниқлаб тахлил қилиш.

Тест топшириклари

- 1.Миср, қайси подшолик авлоди даврида қадимги Шарқ халқаро муносабатларида етакчи ролини ўйнади?
A. XVI авлод
B. XVII авлод
C. XVIII авлод
D. XIX авлод

2.1887 – 1888 йиллари Амарнада топилган дипломатик ёзишмалар қайси даврга мансуб?

- А.м.а.XIII – XII асрлар
- В.м.а.XV – XIV асрлар
- С.м.а.XIV – XIII асрлар
- Д.м.а.XVII-XVI асрлар

3.М.а. 206-м.к. 220 йилларда қайси сулола даврида Хитой қудратли марказлашган давлатта айланди?

- А. Бан ЧАО
- В. У-ди
- С.Чжэн
- Д.Хань

4.«Иеромения» қандай маънони англатади?

- А. «Яхши муносабатлар»
- В. «Меҳмондўстлик»
- С. «Илоҳий сулҳ»
- Д. «Атрофдагилар»

5.Пелопоннес уруши йилларини аниқланг

- А. М.а. 431-404 йиллар
- В. М.а. 441-414 йиллар
- С. М.а. 514-489 йиллар
- Д. М.а. 489-471 йиллар

6.Македония гегемониясининг юридик тасдиқи қачон ва қайси конгрессда ўз ифодасини топди?

- А. Эллин конгрессида, м.а. 337 йили
- В. Афина конгрессида, м.а. 338 йили
- С.Эгей конгрессида, м.а. 437 йили
- Д. Коринф конгрессида, м.а. 337 йили

7.Қадимий Рим тарихининг подшолик даврида элчилар қандай номланар ва улар ким томонидан тайинланар эди?

- А. Рекуператор, сенат
- В. Фециал, подшоҳ
- С. Легат, подшоҳ
- Д. Оратор, сенат

8.Рим ва Карфаген ўртасидаги сиёсий муносабатлар қайси йилдаги шартномада белгиланган?

- А. м.а. 260 йилги
- В. м.а. 270 йилги
- С. м.а. 280 йилги
- Д. м.а. 290 йилги

9.Пуни урушлари йилларини аниқланг.

- А. 262-239, 216-199, 147-144 йиллар
- В. 263-240, 217-200, 148-145 йиллар
- С. 264-241, 218-201, 149-146 йиллар
- Д. 265-242, 219-202, 150-147 йиллар

Мавзу бўйича асосий якунлар:

1. Қадимий Шарқнинг халқаро муносабатларида дипломатиянинг илк кўринишлари намоён бўлди (кўшни худудларни босиб олишда куч ишлатиш ҳамда тинчлик йўли билан бўйсндириш усуллари).
2. Ҳарбий – сиёсий иттифоқларни ташкил топиш, «симмахия» лар ва дипломатия
3. Грек – форс урушлари. Грек тарихида эллинизм даври.
4. Қадимги Римда халқаро ҳуқуқнинг илк нормалари ишлаб чиқилди. Дипломатия император маъмуритининг фаолиятига айланди. Пуни урушлари ва Карфагенни йўқ қилиниши.

2-мавзу: Халқаро муносабатлар ва дипломатия ўрта асрларда

Ажратилган вақт – 2 соат

Асосий саволлар:

Византия ва «варварлар» («вахшийлар») давлатлари.
Илк ўрта асрларда халқаро муносабатлар ва дипломатия
Феодал тарқоқлик даврида халқаро муносабатлар ва дипломатия

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар

«Варварлар» («вахшийлар»), Икки Рим империялари, Ғарбий Рим империяси, Шарқий Рим (Византия) империяси, Юстиниан I, Юстиниан дипломатияси, Христианликни ёйилиши, «Логофет дрома», Папа дипломатияси, Апокризиарлар, Франк давлати, Буюк Карл, «Муқаддас жойлар», Араб халифаликлари, «Сиёсатнома», Русь дипломатияси, Сеньориялар, Черковларнинг бўлиниши.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Византия ва «варварлар» давлатларига муносабатингиз?
2. Илк ўрта асрлардаги халқаро муносабатлар ва дипломатияга муносабатингиз қандай?
3. Феодал тарқоқлик даврида халқаро муносабатлар ва дипломатия.

Биринчи савол: Византия ва «варварлар» (вахшийлар) давлатлари

1-савол юзасидан дарс мақсади:

«Варварлар» тушунчасига шарҳ бериб улар ва Византия ўртасидаги муносабатларни ёритиб бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

Рим империяси ва «варварлар» ўртасидаги муносабатларни ёритади.
Византия дипломатиясини шархлайди.
VI – X асрларда Византия элчилик хизматига баҳо беради.

1-саволнинг баёни:

IV асрнинг охиридан бошлаб, Рим империясининг чегарасидан ўтган герман қабилалари бирин – кетин вилоятларни босиб олар эди. Бу даврга келиб империя ички инқизозга юз тутган эди. Ғарбий империя вилоятларини бирма – бир қўлдан бой берар эди. Нисбатан кучли бўлган Шарқий империя жуда катта қийнчиликлар эвазига варварлар ҳамласини тўсиб турар эди.

V асрнинг бошларида вестготлар Шарқий Рим империясининг Болқон вилотларини барбод қилдилар, Италия ва Римни мағлубиятга учратдилар. Испанияда ва жанубий - ғарбий Галлияда вестготлар ўз қироллигини таъсис этдилар. Ваналлар, свевлар, бургундлар, ва франклар бирин – кетин империянинг вилоятларига эгалик қила бошладилар.

Хитойнинг шимолий сарҳадларидан бошлаб узоқ йўлни босиб ўтган кўчманчи – хуннлар IV-V асрларда Волгадан то Рейнгача бўлган жуда катта ерларни босиб олиб, буюк давлатни барпо этдилар.

Шарқий ва Фарбий Империя варварлар билан нафакат жанглар олиб борар эдилар, балки улар билан мураккаб сиёсий алоқаларни ҳам ўрнатар эдилар. Барпо этилган варвар қиролликлари ўртасидаги чегаралар белгиланган ва аниқ эмас эди. Низолар, нафакат қурол ёрдамида, балки музокаралар ёрдамида ҳам ҳал қилинар эди. Варвар қиролликлари барпо этилиши билан бир қаторда уларнинг дипломатияси ҳам пайдо бўлди. Варвар қиролликлари учун Шарқий Рим (Византия) империясининг дипломатик хизмати андоза ролини ўйнади. Эски Рим анъаналарини сақлаб қолиб, Византия дипломатияси бутун ўрта асрлар дипломатиясига жуда катта таъсир кўрсатди. Византия дипломатиясининг тамойиллари, ҳам ташки амаллари император Юстиниан I фаолияти даврида ёрқин намоён бўлди ва унинг подшолиги даврида Шарқий Рим империяси ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилди.

Юстинианнинг маҳоратли дипломатик ўйини, унинг империясини узоқ ғарбга кенгайтирган ҳарбий зарбалари билан уйғунлаштириди.

Византия дипломатиясининг асосий мақсади - варварларни таҳди迪 ўрнига империяга хизмат қилдиришдан иборат эди. Константинополда варварлар қабилалари ичидаги зиддиятларни қаттиқ назорат қилишар эдилар. Муҳими, уларни кучайишига йўл қўймасдан, бирини – иккинчисига гиж – гижлатиб уларни заифлаштириш эди.

Шахмат доналарини бошқаргандай, ҳамсоялар билан муносабатда бўлишлик Юстиниан дипломатиясининг хусусиятлари эди. Ўзаро гиж – гижлатишни у тизимга айлантириди.

Ундан ташкари, ўзга давлатларнинг ички ишларига ҳарбий аралашув Юстиниан сиёсатининг воситаларидан бирига айланди. Ушбу сиёsat, айниқса, вандаллар ва остготлар билан бўлган урушларда ёрқин намоён бўлди.

Дипломатия тижоратга хизмат қилди унинг ривожланиши эса ўз навбатида Византия учун дипломатиянинг энг кучли қуроли сифатида фойдаланилди.

Христианликни (насронийликни) тарқалиши ҳам Византия императорларининг энг муҳим дипломатик қуролиги айланди. Масалан, Христианликни Русга тарқалиши, Византиянинг катта дипломатик ғалабаси ҳисобланади.

Христианлик қабул қилинтирилган мамлакатларда Византия таъсири устунлик қилар эди. Византияга қарам бўлган рухонийлар саводхонликни ягона тарқатувчиси сифатида варварлар давлатларида жуда катта роль ўйнар эдилар.

Биринчи вазир (*Magister officiorum* «логофет дрома») бошқарувидаги ташки ишлар идораси жуда катта штатга, барча тиллар бўйича таржимонларга эга бўлиб, элчиларни қабул қилиш борасида мукаммал қоидаларни ишлаб чиқди.

Константинополь саройида элчилик иши бўйича маълум қоидалар ишлаб чиқилди. Элчи давлат бошлиғи вакили ҳисобланиб, фақат унга берилган ваколатлар доирасида музокаралар олиб боришига ҳақли эди. Ушбу қоидани бузганлиги учун элчига оғир жазо кўзда тутилган эди. Одатда, элчи этиб жуда юқори мартабали одамлар тайинланарди. Византияда, кўп холатларда агар улар юқори мартабага эга бўлмасалар, бундай мартабалар маҳсус берилар эди.

Византия элчиларига ўзга мамлакталарда юриш – туриш билан боғлиқ белгиланган қоидалар тавсия этиларди. Элчи хуш табиатли, очиқ қўл бўлиб, ўзга саройда кўрганларини шундай мақтасинки, бу холат византия қоидаларига зид келмаслиги лозим.

Расмиятчилик томондан давлатнинг ички ишига аралашмаслик талаб қилинарди, амалда эса бу холат ҳар галда ҳам бажарилмас эди. Элчилар томонидан имзоланган шартнома фақат император томонидан ратификация қилинганидан кейингина ҳақиқий деб ҳисобланарди.

Элчиларнинг даҳлсизлик тамойили варварлар томонидан олдиндан ўзлаштириб олинган эди. Лекин, шуни таъкидлаш керак – ки, варвар қироллари элчихоналарида византия одатларига зид хусусиятлар ҳам намоён бўларди. Варвар амалдорлари ичida музокараларнинг ёзма қисмини мустақил олиб борувчи саводли одамлар камчил эди. Шунинг учун қирол элчихоналарида, одатда, рухонийлар иштирок этардилар–ки, бундай хол византияликларда деярли учрамас эди.

Назорат учун саволлар: (ёзма ёки оғзаки назорат учун)

- 1.Римликлар ва варварлар орасида қандай фарқ бор?
- 2.Византия дипломатияси нимага асосланган эди?
- 3.Византиядаги әлчилик хизматига қандай баҳо берган бўлардингиз?
- 4.Византияни барбод бўлишидан олдинги ҳолатини ёритиб беринг.
- 5.Византия дипломатиясининг асосий мақсадларини очиб беринг
- 6.Юстиниан дипломатиясини таҳлил қилинг
- 7.VI – X асрларда Византиядаги әлчилик хизматини ёритиб беринг

2-нчи савол: Илк ўрта асрларда ҳалқаро муносабатлар ва дипломатия.

2-нчи савол юзасидан дарс мақсади:

Илк ўрта асрларда шакланаётган ҳалқаро муносабатлар ва дипломатия тўғрисида талабаларда тўла тасаввур ҳосил қилиш

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Рим папалари ва Буюк Карлнинг дипломатиясини ёритади
- 2.2. Араблар дипломатиясини шархлайди
- 2.3. Қадимги Русь дипломатиясига баҳо беради.

2-нчи саволнинг баёни:

Рим дипломатиясининг қоидаларини варвар қиролликлари орасида нафақат Византия томонидан, эски империя идораларининг қоида ва одатларини ўзида сақлаб қолган папа куриялари томонидан ҳам тарқатилди.

Папа дипломатиясининг таъсири ўрта асрлар сиёсий тарихида энг кучли кўринишлари билан ифодаланди.

Ғарбий Рим империясининг қулаши ва Италияда варварлар хокимиятини ўрнатилиши билан папаликнинг ҳалқаро ҳолати кескин мураккаблашди. Шунинг учун папалар Византия императорига жуда катта умидлар боғлашди. Константинополда папалар ўз ёnlарида **АПОКРИСИАРЛАР** деб номланган доимий резидентларни ушлаб турар эдилар. Фақат черков ишларидан ташқари апкорисиарларга Византия саройидаги сиёсий ҳолатни кузатиш вазифаси ҳам топширилар эди.

Италияни Юстиниан томонидан забт этилиши ва лангобардлар томонидан Аппенин ярим оролининг аксарят қисмини босиб олинишидан кейин, папалар расман Византия императорига буйсунган, лекин амалда мустақил Рим ҳукмдорларига айланиб қолдилар. Византияning таъсири аста – секин заифлашиб борди. Лекин, папалар ғарбда Византияга ва лангобардларга қарши ўzlарига суюнчиқ деб билган Франк давлати кучайиб борди.

VII асрдаги араб тажаввузларидан кейин ожизланган Византия, аста – секин Византиядан мустақилликка эришган ва мустақил ҳукмдорларга айланган Рим папалариға қаршилик кўрсатаолмас эди.

Лангобардлардан муҳофазаланиш учун папалар VIII асрнинг ўрталарида Италияга кириб бориб, лангобардларни тор – мор қилган франкларга мурожаат қилдилар.

754 йилги шартномасига кўра лангобард қироли нафақат Римни ўз холида қолдириш, балки папага Равенна, Римни, Урбино ва бошқа шахарларни бериш мажбуриятини олган эди. Лекин, лангобард қиролини ўз мажбуриятларини бажаришга мажбур қилиш учун яна бир ҳарбий экспедиция зарур бўлди. Шундай қилиб, папаларнинг дунёвий давлати Папа вилояти ташкил топди.

Франк қироли ва папа ўртасида әлчиҳоналар билан доимий айрибошлиш, ҳамда византия ва бошқа саройларга ўзаро әлчиларни юбориш билан ифодалangan яқин алоқа ўрнатилди. Барча ушбу әлчиҳоналарда папа әлчилари бўйсундирилган роль ўйнар эди. Папалар ташқи алоқаларда тўла мустақил эмас эдилар ва франк ҳукмдорларидан «маслаҳат» сўрашга мажбур эдилар. Папанинг қарамлиги айникса Буюк Карл (768-814) даврида кучайди.

Буюк Карл империяси Европада энг йирик кучга айланди. Карл дипломатиясида Византия билан алоқалари алоҳида ўрин эгалтайди. Византия қийинчиликлар билан араблар, болгарлар ва аварлардан ўзини муҳофазаси ва таъсири заифлашган бир пайтда Ғарбий империянинг обурий кескин ўсди, Карл Шарқда қатор имтиёзларга эга бўлди. Аввал, Византия императори қарамоғида бўлган Фаластиндаги «Муқаддас жойлар» энди Карл васийлигига ўтди. Карлнинг тож кийиш маросимида Иерусалим патриархи Иерусалим (Куддус) байроқлари ва қалитлари билан биргаликда «парвардигор қабрининг» қалитини ҳам инъом этди.

Карл ҳузурига, унинг пойтахти Ахенга Дания, Англия ва бошқа мамлакатлардан элчилар кела бошлади. Астурия кироли Альфонс II, шотландия кироллари ҳам ўз элчиларини юбордилар. Уларнинг ҳаммаси Ғарб императори билан иттифоқ тузиш ва дўстлик ўрнатиш хошишида эдилар. Буюк Карл Бағдод халифаси Харун – ар – Рашид билан ҳам элчилар айрбошлади.

Аср давомида, VII асрнинг 3-нчи йилларидан бошлаб, арабларнинг буюк мамлакати барпо этилди. Араб халифалигининг ташқи алоқалари Хитойдан то энг Узоқ Ғарбга қадар тарқалган эди. Уммавийлар қароргоҳи – Дамашқ дунёнинг энг йирик пойтахтларидан бири эди. Маданияти, бошқарув усуслари, ҳамда Уммавийлар давлати ташқи муносабатларининг қоидалари Византиянинг ва қисман Эроннинг жуда кучли анъанаари таъсири остида шаклланди.

Уммавийларнинг чексиз халифалиги VIII аср ўрталаридан бошлаб емирила бошланди. Араб мамлакатлари ўртасида Аббосийларнинг Эрон анъаналари таъсирида бўлган Бағдод халифалиги биринчи ўринни эгаллади. Аббосийлар халифалиги давлат бошқарувининг мураккаб тизимида ташқи алоқаларни, мактублар вазирлиги – «давон – ар - расаиль» назорат қилар эди. Ушбу идорада қоғозлар билан ишлаш ва маросимлар ўтказиш борасида айрим тажрибалар тўпланган эди.

Кейинроқ ёзилган манбалар XI асрга оид эсадилклар ва илмий асарлар Аббосийлар дипломатиясига ва ҳалқаро муносабатларига баҳо беришда фойдаланса бўлади.¹⁹ Йил давомида хизмат қилган Абул – Фазл Бейхақининг (995-1086 йиллар) эсадилклари X асрда ҳозирги Афғонистон ва Шимолий Ғарбий Ҳиндистон ҳудудида ташкил топган кучли мусулмон давлатининг ҳукмдорлари ғазнавий сultonларининг «девон-ар-расаайл»ида айниқса қизиқиш ўйғотди.

XI асрнинг бошқа бир манбъи – Сальжуқийлар давлатининг машҳур вазири Низом аль – Мулкнинг «сиёсатномаси» ҳисобланади. Ушбу асарда элчиҳоналарга мансуб маҳсус боблар мавжуд.

Умуман айтганда, Византия дипломатиясининг анъаналари ва унга яқин бўлган Эрон дипломатияси аъло даражада ривожланди.

IX асрда Днестрнинг олд қисмида ва унга яқин ҳудудларда қудратли қадимий Русь давлати шакллади. IX асрнинг охирига келиб, урушлар натижасида қадимий Русь давлати шундай қудратга эга бўлди-ки, ҳамсоя ҳалқларнинг у билан ҳисоблашмасдан иложий йўқ эди.

Қадимий Русь давлати мураккаб ҳалқаро муносабатларга жуда олдин кириб борди. Рус жанубда Византия ва дунай олди славянларининг Болгар давлати, Шарқда эса Хазар Каганати ва Волга Болгарияси ҳамда Шимолда Скандинавия билан алоқа қилар эди. Скандинавия билан Киев князларини қадимий суполалик муносабатлари боғлаб турар эди. Князлар у ердан кўнгилли ҳарбий кучларни олар эди. Хазарлар орқали Марказий Осиё мамлакатларига руслар куллар ва мўйна сотадиган тижорат йўли ўтар эди.

Шарқий славянларнинг тарихига, уларнинг Византия билан бўлган ҳамсоюлиги жуда катта таъсир кўрсатди.

Қадимий Русь учун Византия князлар ва дружиначилар муйна ва қуллар билан савдо қиласиган ва ўз навбатида у ердан зебу – зийнатлар харид қиласиган бозор ролида хизмат қиларди. Царьградда бутпастлик Русь Византияни юксак маданияти билан танишар эди. Царьграднинг бойлиги ва хашамлиги тажаввузкорлар учун ўзига жалб қилувчи ролини ўйнар эди. Византиянинг қораденгиз соҳиллари ва Константинопольнинг ўзига қилган русларнинг бир қатор тажаввузлари IX асрдан XI асрчага давом этади.

Византия, кучли Русьни ўзининг сиёсий тизимиға жалб қилишга уриниб кўрди: бу билан у биринчидан Русъдан чиқадиган хавфни заифлаштириш бўлса, иккинчидан Русьни ўз манфаатларини амалга оширишда жалб қилиш мақсади ётарди.

Русьни чўқинтирилишига Византия императорлари ва сиёсатчилари томонидан уни империяга нисбатан қарамлигини эътироф этувчи фактор сифатида қаралди.

Лекин, Византияниг Русъга нисбатан бу сиёсати муваффакият олиб келмади. Киев князлари ҳар доим ўзларининг ҳаракатида эркин эдилар.

Чўқинтирилишидан кейин Русънинг халқаро алоқалари эътиборли даражада кенгайди ва мустаҳкамланди. Қадимий Русь давлати, нафақат Византия билан, балки Европанинг католик мамлакатлари билан ҳам тенг ҳуқуқли иштирокчи сифтида алоқалар ўрнатди. Русънинг ташқи сиёсий алоқалари қўшни мамлакатлар билан чекланмади (Венгрия, Чехия, Болгария, Скандинавия давлатлари ва х), бу алоқалар Германия, Франция ва бошқа давлатлар билан боғланди.

Назорат топшириқлари (ёзма ёки оғзаки назорат учун)

1. Папаликнинг дипломатик фаолиятини ёритиб беринг.
2. Буюк Карлнинг дипломатияга қўшган хиссасини тахлил қилинг.
3. Араблар дипломатиясига шарх беринг (VII – XI асрлар)
4. Қадимий русь дипломатиясининг ривожланиши. Русь – Византия муносабатлари
5. Рим папаларининг дипломатик фаолиятини кўрсатиб беринг.
6. Буюк Карл ва унинг ташқи сиёсатини шархлаб беринг.
7. Араблар дипломатиясини ёритиб беринг.

Мавзу бўйича ўз ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1. Рим папалари дипломатиясининг ўша даврдаги протокол қисмини ёритиш.
2. Шарқ дипломатиясини ғарб дипломатиясига таъсири муаммолари.

Учинчи савол: Феодал тарқоқлик даврида халқаро муносабатлар ва дипломатия.

3-савол юзасидан дарс мақсади:

Феодал тарқоқлик давридаги халқаро муносабатлар ва дипломатиянинг асосий мазмунини ёритиб, талабаларга сингдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Буюк Карл империясининг барбод бўлишини кўрсатади.
- 1.2. Европани бўлиниш муаммолари
- 1.3. Хусусий уруш ҳуқуқининг моҳиятини очиб бериш

3-нчи саволнинг баёни:

Тажовузлар асосида пайдо бўлган варварлар давлатлари мустаҳкам эмас эди. Буюк Карл давлатининг умри биринчи императорнинг умридан узоқ бўлмади. Карл ҳаётининг охирги йилларида давлатнинг барбод бўлётгани сезиларди. Империяни барбод бўлиши айниқса унинг ўғли Людовик (814-840) даврида тезлашиб кетди. Людовик империяни ўғилларига бўлиб берди – ўзига олий ҳукмдорлик вазифасини қолдирди. Ўғиллар отасига қарши уруш бошладилар. Унинг вафотидан кейин (840) эса ўзаро уруш олиб бордилар. Карл ва Людовик немисли Страсбургда императорлик тожига эга бўлган катта акалари Лотарга қарши шартнома имзоладилар. Страсбург келишуви лотин ва грек тилларида эмас, балки немис ва француз тилларида тузилган биринчи дипломатик хужжат эди. Мағлуб бўлган Лотар чекинди ва 843 йили империяни уч оға – ини ўртасида тақсимлаш тўғрисида шартнома имзоланди. Расман империяни сақланиб қолиши тан олинган эди, аниқроғи Лотар зиммасига юкланган императорлик мансаб сақланиб қолиши тан олишган эди, императорлик мансаб сақланиб қолди. Лекин империя ҳудуди уч қисмга бўлинган эди. Империянинг ғарбий ерлари – «ғарбий франклар қироллиги», кейинчалик «Франция дебномланган – Карлга ўтди; шарқий қисми – «шарқий франклар қироллиги» - кейинчалик Германия

деб номланган Людовикга ўтди; Лотарга эса Карл ва Людовик ерларининг ўртаси Рейндан то Ронагача ва Италия ўтди.

Буюк Карл империяси бир қатор мустақил давлатларга бўлиниб кетди – Франция, Германия, Италия, Бургундия ёки Арлеатга. Лекин булар фақат номи билан давлат эди. IX – XI асрларда Ғарбий Европанинг барча ҳудудида сиёсий тарқоқлик хукм сурар эди. Ва айrim феодал ерлар ўртасидаги муносабатларни ўрнатишда куч хал қилувчи далилга айланар эди.

Ушбу холатда, давлат ва хусусий ерлар ўртасидаги, жамоа ва хусусий ҳуқуқда ҳамда ички ва ҳалқаро муносабатлар ўртасидаги чегара сезиларли даражада эмас эди.

Солик йифиш, бошқарув ва суд ҳуқуқига ҳамда, ҳарбий кучга эга бўлган ҳар бир кучли сенъор ўзини мустақил ҳукмдор деб хис қилас эди, хохлагани билан жанг олиб бориб хохлагани билан, сулҳ тузиш имконига эга эди. Ҳалқаро муносабатлар тушунчasi ҳам Европадаги феодал тарқоқлик холатида нисбий тушунча эди.

Аксарият ерларда хусусий урушлар ҳуқуқи ўрнатилган эди. Бундан келиб чиқиб хусусий дипломатия ҳам мавжуд эди. Масалан, икки феодал сенъорлар мустақил давлатлар бошлиқлари сифатида музокара олиб борар эдилар. Йирик сенъорлар ўзларини мустақил деб билар эдилар ва шу сифатда хорижий ва ўзларини қироллари билан алоқалар ўрната бошладилар.

Феодал анархиясидан (тартибсизлик) жафо чекаётган черков маълум бир тартиб ўрнатишга уринди. Айrim мамлакатларда қироллик хокимиятлари томонидан хусусий урушларга чек қўйиш ҳаракатлари бўлса – да, улар бутун ўрта асрлар жараёнида давом этиб турди. Феодал Европада шахарларни тарихий майдонга чиқиши айrim холларда хокимият тарқоқлигини яна мураккаблаштирас эди. Сиёсий мустақилликни қўлга киритаётган шаҳарлар, барча атрибутларидан то хусусий уруш ҳуқуқигача жамоа сенъорларига айланар эдилар.

Феодал тарқоқлик жараёнига франк монархиясини барбод бўлишини тўхтатмоқчи бўлган черков ҳам кириб қолди.

IX асрнинг ўрталарида бошланган ғарбий ва шарқий черковлар ўртасидаги айрилиш 1054 йилда черковларнинг бўлинишига олиб келид: католик ва праваславиега.

Назорат топшириқлари:

- 1.Страсбург шартномасининг моҳиятини очиб беринг.
- 2.Верден шартномасининг мазмуни нималардан иборат
- 3.«Хусусий уруш» ҳуқуқи моҳиятини ёритинг.
- 4.Христиан черковининг бўлиниш жарёнини очиб беринг.
- 5.Буюк Карл империясининг барбод бўлишига нималар сабаб бўлди?
- 6.Европада феодал тарқоқликнинг асл маъноси нимада?

Тест топшириқлари:

Ўрта аср дипломатиясига кимларни таъсири кучли бўлди?

- A. Римликларни
- B. Варварларни
- C. Хуннларни
- D. Христианларни

Византия императорларининг мухим дипломатик қуроли нималардан иборат эди?

- A. Христианликни ёйиш
- B. Рим анъаналарини саклаб қолиши
- C. Ғарбий империяни босиб олиш
- D. Шарқий империяни босиб олиш

Византияда элчи кимни номидан иш олиб борар эди?

- A. Рухонийлар
- B. Ташқи ишлар идораси
- C. Папа

Д. Император

«Муқаддас ерлар» қаерда жойлашган?

- A. Исройлда
- B. Дамашқда
- C. Фаластинда
- D. Римда

«Сиёсатнома» асарининг муаллифи ким?

- A. Низом аль – Мулк
- B. Абул – Фазл – Байхаки
- C. Салжуқий
- D. Харун – ар-Рашид

Құдратли қадимий Русь давлати қачон шаклланди?

- A. VI асрда
- B. VII асрда
- C. VIII асрда
- D. IX асрда

Папалар қачон Рим ҳукмдорларига айландилар?

- A. Италия Юстиниан томонидан босиб олингандан кейин
- B. Араб тажаввузларининг заифланишидан кейин
- C. 754 йилги шартномадан кейин
- D. Буюк Карл даврида

«Апокрисиарлар» кимлар?

- A. Папалар
- B. Идора бошлиқлари
- C. Императорлар
- D. Доимий вакиллар

9. Верден шартномаси қачон имзоланған?

- A. 841 йил
- B. 842 йил
- C. 843 йил
- D. 844 йил

10. Ғарбий франклар қироллигининг кейинги номи нима?

- A. Германия
- B. Испания
- C. Франция
- D. Италия

11. Буюк Карл империяси неча мустақил давлаттарга бўлинниб кетди.

- A. Икки
- B. Уч
- C. Тўрт
- D. Беш

12. Христианлик черкови Ғарбий ва Шарқий мазхабларга қачон бўлинди?

- A. 1052 йилда

- В. 1053 йилда
- С. 1054 йилда
- Д. 1055 йилда

Мавзу бўйича асосий якунлар:

- 1.Апокрисарилар. Карл империяси нафақат яқин давлатлар балки узоқдаги давлатлар билан ҳам элчилик алоқаларини ўрнатди.
- 2.Европани тарқоқлик холатига келиши

Мавзу бўйича ўз ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- 1.Католик ва провослав черковларининг бир – биридан узоқлашиши.
- 2.Чўқинтирилган Руснинг муаммолари.

3-мавзу: Халқаро муносабатлар ва дипломатия XI – XV асрларда
Ажратилган вақт – 2 соат

Асосий саволлар:

- 1.Халқаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари
- 2.Ғарбий Европа ва Шарқ мамлакатлари
- 3.Салиб юришлари
- 4.Вселен соборлари
- 5.Халқаро хукуқ илмини пайдо бўлиши

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Европани иқтисодий ривожланиши. Юз йиллик уруш. Салиб юришлари. Вселен соборлар. «Глоссаторлар», «Грациан Декрети».

Мавзуга оид муаммолар.

Европани ривожланиш сабабларини қандай изоҳлайсиз?
Салиб юришларининг асосий мақсадини қандай тушунасиз?

Мавзу бўйича дарс мақсади:

XI – XV аср халқаро муносабатлари мазмунини ёритиб талабаларда Ғарбий Европа ва Шарқ ўртасидаги алоқалар тўғрисидаги тушунчани шакллантириш.

Идентив ўқув мақсадлар:

- 1.1. Халқаро муносабатларнинг асосий хусусиятларини изоҳлаб беради.
- 1.2. Салиб юришларининг асл мақсадини шархлади.
- 1.3. Ўша даврдаги Вселен соборлар ва халқаро хукуқга баҳо беради.

Мавзунинг баёни:

XI – XV аср давомида Европада халқаро муносабатларнинг маълум бир тизими вужудга келди; аста – секин айрим дипломатик анъаналар ва андозалар шаклланади.

Лекин, бу даврнинг халқаро алоқалари доимий хусусиятга эга эмас эди: доимий фаолият кўрсатадиган элчилар ва ваколатхоналар йўқ эди, халқаро хукуқ шаклланмаган эди.

Ушбу давр халқаро муносабатларининг ривожланишига бир неча факторлар таъсир кўрсатди: ички ва ташқи савдони кенгайтириш, шаҳарларни пайдо бўлиши билан боғлиқ Европанинг иқтисодий ўсиши, иирик мамлакатлар хукмдорларининг бошқа давлатларни қарам қилиб олиш хоҳиши, элатларнинг шаклланиши жараёни ва давлатларни барпо этилиши ва бошқалар.

XI – XIII асрларда Европа ва Шарқ мамлакатлари ўртасида кўп тармоқли алоқалар кенгайди ва мустақамланди. Бунга салиб юришлари, Генуя, Пиза ва Венециядаги Италиянинг денгиз республикаларининг савдо фаолияти ҳамда Византиянинг воситачи роли сабаб бўлди.

XIII асрнинг 40-нчи йилларида Марказий Европа мўғил истилоси хавфи остида қолди. Мўғул – татар отрядлари Адриатикагача етиб борди. Салиб юришлари ва ички зиддиятлар билан заифлашган Фарбий Европа кучли хавф олдида муҳофазасиз эди. Лекин, мўғуллар Русларнинг қаршилик кўрсатишидан толиқкан ҳолда, Қораденгиз ва Волга орти чўлларига қараб ҳаракат бошладилар.

XIII асрнинг охири XIV асрнинг бошларига келиб, Муқаддас рим империяси халқаро сиёсатда етакчи ролни қўлдан бой берди. Папаликнинг ҳам сиёсий қудрати заифлашди. Халқаро сиёсатда асосий ўринларни Англия, Франция, Кастилия ва Арагон эгаллади.

Бу даврнинг энг йирик халқаро можароларидан Франция ва Англия ўртасидаги (1337-1453) юз йиллик уруши бўлди. Натижада, Франциянинг ғалабаси билан тугаган юз йиллик уруш муҳим халқаро асоратларни олиб келди: Франция Европа халқаро сиёсатига жуда катта таъсир кўрсатадиган бўлди.

XI – XIII аср халқаро муносабатларига салиб юришлари катта таъсир кўрсатди. Салиб юришлари 1096 йилдан то 1270 йилгача, қариб икки аср давом этган Фарбий Европа феодалларининг босқинчлилик уришига айланди. Уларни (урушларни) ташаббускори урушларга христианларни мусулмонларга қарши кураши рамзи мисолида диний тус берган Католик черкови эди.

Салиб юришлари, шарқдаги бой ерларни босиб олиш, ўз бойлик ва даромадларининг кўпайтириш мақсадида бўлган ғарбий Европа феодалларининг ўсиб борган тажаввузларидан келиб чиқкан. Салиб юришларидан шарқий ерларни бўйсиндириш йўли билан ўз таъсир доирасини кенгайтиришга уринган католик черкови манфаатдор эди. Салиб юришлари халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихида энг муҳим давр ҳисобланади.

Урушлар жараёнида Фарб халқлари Шарқнинг мусулмон мамлакатлари ва Византия билан тўқнашиб турар эди.

Шу билан биргаликда салиб юришлари Фарбий Европа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларга жуда катта таъсир кўрсатди.

Ўрта ер денгизда сиёсат юритиш учун Византия, Венеция, норманиларнинг жанубий – Италия давлатлари (Сицилия қироллиги), Франция, Англия, Муқаддас Рим империяси ўртасида давомли кураш олиб борилди. Фарб ва Шарқ давлатлари хар хил иттифоқлар ва каолицияларга аъзо бўлдилар. Шу билан биргаликда, феодал Фарб Византия ва Шарқ дипломатиясини ҳамда дипломатик қабуллар усусларини ўргана бошлади. Ундан ташқари, Шарқда салибчилар давлатининг ташкил топиши, дипломатик муносабатларнинг янги шаклларини ихтиро қилди, масалан, консуллик хизматини, чунки янги давлатларда айрим мамлакатларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш зарурияти туғилди.

XII – XIV асрларда халқаро сиёсатда Вселен соборларнинг таъсири кучайиб борди.

Папа томонидан чақириладиган Фарб Черковининг «Вселен собор» ларига олий мартабали рухонийлар ва кўп холларда барча Европа мамлакатларининг дунёвий элчилари ташриф буюрар эди.

Чунки, черков ишлари доимо сиёсий ва халқаро хусусиятларга эга бўлгани учун Вселен соборларини халқаро конгрессларининг олдинги кўриниши деб ҳисобласа ҳам бўлади.

Хуқук тўғрисидаги илм ўрта асрлар Европасида XI асрнинг иккинчи ярмида Юстиниан асарларида - (Corpus juris civilis) сақланиб қолган Рим ҳуқуқини шархлаган «глоссатор» лар таълимотида ривожланиб борди. Юстиниан асарлари хусусий, фуқаровий ва баъзи холлarda халқаро муносабатларга бағищланган эди. Глоссаторлар фуқаровий ҳуқуқни халқаро муносабатларда ҳам ишлатишга ҳаракат қиласи билан, шунинг учун ҳам уларда халқаро ҳуқуқ мустақил бир фан сифатида ажralиб чиқмаган эди.

Халқаро ҳуқуқ масалалари черков ҳукуқида, унинг энг муҳим мисоли бўлган, XII асрнинг ўрталарида тузилган «Грацион декрети» деб номланган тўпламда ҳам ўз ифодасини топган эди. Шу билан биргаликда черков ҳукуқи таълимотни ишлаб чиқкан «декретчилар» деб номланган ҳуқуқшунослар, глоссаторга нисбатан «Муқаддас ёзувларда» келтирилган илоҳий ҳуқуқ билан ўйғунлаштирилган «табиий ҳукуқдан» ёки «халқаро ҳукуқидан» кенгрок фойдаланганлар.

Халқаро ҳуқуқ илмини ривожланишига ҳуқуқшунос – назариётчиларнинг айни бир пайтда амалий ҳуқуқшунос бўлганлари ҳам туртки бўлди. Халқаро ҳуқуқ ҳуқуқшуносликнинг маҳсус

соҳаси сифатида биринчи мартаба Рим ҳуқуқи асосида иш кўрган «постглоссаторлар» ёки «комментаторлар» деб номланганларнинг тъаълимотида намоён бўлади.

Шундай қилиб, XIII асрнинг охирига келиб, постглоссаторлар таълимотида XVII асрда тизимли ривожланган халқаро ҳуқуқ илми шакллана бошланди.

Назорат топшириқлари: (ёзма ёки оғзаки назорат учун)

- 1.XI – XV асрларда халқаро муносабатлар хусусиятларини кўрсатиб беринг.
- 2.Салиб юришлар. Сабаб ва жараённи ёритиб беринг.
- 3.«Вселен соборлар» ва халқаро ҳуқуқнинг ilk кўринишларини тахлил қилинг.
- 4.«Глоссаторлар» тушунчасига шарх беринг.
5. Халқаро ҳуқуқнинг ривожланиш омиллари нимадан иборат.
6. Диний ва дунёвий ҳуқуқларнинг ўзаро таъсир йўналишлари нималардан иборат.

Тест топшириқлари:

1.Юз йиллик урушлари қайси давлатлар ўртасида бўлган?

- A. Франция ва Италия
- B. Муқаддас Рим ва Англия
- C. Англия ва Франция
- D. Византия ва Германия

2.Юз йиллик урушлари қайси йилларда бўлган?

- A. 1337-1453 йиллар
- B. 1437-1553 йиллар
- C. 1434–1552 йиллар
- D. 1543-1654 йиллар

3.Юз йиллик урушларнинг ташаббускори кимлар эди?

- A. Христианлар
- B. Католик черкови
- C. Мусулмонлар
- D. Дипломатлар

4.Консууллик хизматининг пайдо бўлиши нима билан боғлиқ бўлди? (XI – XV асрлар)

- A. Ташқи савдо билан
- B. Католик черкови билан
- C. Юз йиллик урушлар билан
- D. Салибчилар давлатининг пайдо бўлиши билан

Мавзу бўйича асосий якунлар:

- 1.Халқаро муносабатларда Муқаддас Рим империяси ва папалик ўз мавқеини йўқотди ва аренага Франция, Англия ва бошқалар чиқди.
- 2.Халқаро ҳуқуқга фан мақомини берилиши.

Мавзу бўйича ўз ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- 1.Дунёвий ва диний халқаро ҳуқуқ масалаларини қиёсий ўрганиш.
- 2.Халқаро муносабатлар ҳуқуқининг ilk кўринишлари муаммолари.

4-мавзу: Халқаро муносабатлар ва дипломатия XVI – XVII асрларда **Ажратилган вақт – 2 соат**

Асосий саволлар:

- 1.XVI асрда халқаро муносабатлар ва дипломатик хизмат.
- 2.Халқаро ҳуқуқ илми.

3. Сиёсий ва ҳарбий можаролар
4. Ўттиз йиллик уруш

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Географик кашфиётлар. Мутлақ монархиялар. Дипломатик церемониал (маросим). Дипломатик хукуқ. Гуго Горцио. «Тинчлик ва уруш хукуки». Халқаро зиддиятлар ўчоқлари. Ўттиз йиллик уруш.

Мавзуга оид муаммолар:

1. Дипломатик хукуқнинг пайдо бўлиш омиллари.
2. Халқаро зиддиятларнинг асосий сабаблари.

Асосий савол. XVI – XVII асрнинг биринчи ярмида халқаро муносабатлар ва дипломатия.

Савол бўйича дарс мақсади: XVI аср халқаро муносабатлари ва дипломатияси хусусиятларини очиб бериш ва мавзу бўйича талабаларда тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. XVI аср дипломатик хизматининг шаклини кўрсатади.
- 1.2. Сиёсий ва ҳарбий можароларнинг асосий сабабларини очиб беради.
- 1.3. Ўттиз йиллик уруш ва халқаро муносабатларни тахлил қиласди.

Саволнинг баёни:

XV асрнинг охирига келиб Европа халқаро муносабатларнинг янги даврига кириб борди. Бу вақтга келиб, бир қатор мамлакатларда ҳудудий бирлашиш якунланади ва мутлақ давлатларнинг ташкил топишига қулай шароитлар туғилади.

Ташкий географик кашфиётлар янги дунё ва Шарқни Европага яқинлаштирилар. Испания ва Португалияни Жанубий – Шарқий Осиёга олиб борувчи йўлларда жойлашган океанорти мустамлакалари ушбу давлатларни биринчи мустамлакаларга эга бўлган давлатлар сафига кўшди.

Яхлит давлатлар шаклланиши билан сиёсатнинг шакли ҳам ўзгариб бораверади. Сиёсатда ўлчовни белгилаб берувчи мезон сифатида «умумий фароғат» даражасига кўтарилиган «давлат манфаатлари» ҳисобланадиган бўлди.

Мутлақ монархияларнинг пайдо бўлиши билан биринчи ўринга ўрта ва майда мамлакатлар кўшилган йирик давлатлар (Англия, Франция, Испания, Португалия, Дания, Швеция) ўртасидаги зиддиятлар кўтарилиди.

XVI аср, янги давлатнинг ташки ишларига хизмат қиласидаги марказий ва маҳаллий идораларнинг дипломатик хизматининг шаклланиш даврига айланди.

Ўша даврда сирларнинг сири бўлган дипломатия бу ишлардан хабари бор танг доирадаги одамлар хизматида эди. Сиёсат ихтиро қилинадиган марказ бу қирол саройи эди. Мутлақ монархияда нафакат сулолалар ва қирол шахсияти манфаатлари балки, қиролга таъсир кўрсатишга эришган унинг арзандалари, жазманлари ва шунчаки содда фитначилар ҳам катта аҳамият касб этди.

Ушбу холат, давлат хокимиюти шакли кўринишидаги абсолютизм тизими билан белгиланар эди.

XVI – XVIII асрлар янги дипломатик маросимлари шаклланган давр эди. Ушбу маросимлар (церемониал) – одатлар тизими, халқаро муносабатлар нуқтаи – назарида муҳим роль ўйнар эди. Элчини мамлакатга ташрифи ва айниқса аудиенция вақтидаги (яъни қабул маросимида) ўзини тута билиши ҳамда уни қабул қилувчи давлатмадор шахс ёки вазирнинг жавоб амаллари давлатларнинг ўзаро алоқалари, уларнинг халқаро ҳаётдаги обрўси борасида дарак берувчи рамз ҳисобланади.

Йирик мамлакатларнинг пайдо бўлиши ва улар ўртасида дипломатик муносабатларнинг ривожланиши, ушбу ҳолатларга мос назарияни ҳаётга олиб келди. Дипломатик хукуқ ҳам ривожланиб борди. 1582 йили нидерландлик Балтозар Аайла «Уруш ва ҳарбий муассасаларнинг

хуқуки» деб номланган асарини чоп этди. Итальянлик Альберико Джентилининг «Элчихоналар тұғрисида» (1585) деб номланган иши кенг тарқалди.

Халқаро хуқуқ илмини тадқиқиот қилишда биринчилик Гуго Гроцияга (1583 - 1645) насиб этди. Голландиялик хуқуқшуноснинг тарихий аҳамияти мутлақ давлатлар үртасидаги урушлар асрида хусусий мулкнинг мулоғаза қилишни асослаб бериши шу билан биргаликда урушни хуқуқий доирага кириши назарий жиҳатдан асослаб беришдан иборат. Гроцияга шұхрат олиб келган асар – «Уруш ва тинчлик хуқуқи борасида» (1625). Гроций үзининг асрида элчининг хуқуқларига ҳам бутун бир бобни бағыллаган. Ушбу боб, XVII асрда элчилик хуқуқларыда шаклланган одатларни ёритғанлиги билан қизиқарлы.

XVII асрда, назарий билимларни бермайдиган, лекин, элчиларга, уларни үз вазифаларини бажаришда күл келадиган амалий маслаҳатлар берувчи асарлар пайдо бўлди.

Уруш, ўша давр давлатлари ташқи сиёсатининг асосий белгиларидан бири эди. Халқаро можароларни келтириб чиқадиган сабаблар ичиде чегаравий бахслар, сулолавий эътиrozлар, тижорат монополияси учун курашлар ва ҳоказолар бор эди.

XVI асрда Европада, урушга олиб келадиган учта асосий халқаро келишмовчиликлар шаклланди: 1) Испаниянинг савдо ва мустамлака манфаатларини тўқнашуви бир томондан бўлса, иккинчи тмомндан Франция ва Англиянинг XV асрнинг охирида XVI асрнинг биринчи ярмида Италия урушларига айланган ҳамда XVI асрнинг иккинчи ярмида Испания ва Англия үртасидаги урушга олиб келган тўқнашувлари эди; 2) Европа давлатларининг Усмон империяси билан үзаро муносабатлари; ва 3) Балтика худудида ҳукмронлик қилиш учун Шимолий Европа мамлакатлари үртасидаги кураш; XVII асрнинг бошларида Германияда аксил қайта қуриш кучларининг фаолияти кучайди. Протестантлар томонидан қўлга киритилган муваффақиятларни аста – секин бой берилиши, нафақат умум Германия, балки халқаро миқёсдаги шов – шувларга сабаб бўлди.

Германиядаги диний – сиёсий кескинлик нафақат ички сабаблар махсули эди: бундай холатни вужудга келишига XVIII аср бошларида Европа давлатлари тизимидағи мураккаб үзаро муносабатларнинг шаклланиши ҳамда халқаро муносабатларнинг таъсири мухим роль ўйнади.

Шимолий Германияга ўтган, кейинчалик Марказий Европанинг катта худудларини үз ичига олган Чехияда маҳаллий можародан бошланган уруш үз орбитасига жуда кўп давлатларни жалб қилган биринчи умумевропа андозасидаги урушга айланди. Ушбу уруш ўттилиз йил давом этди (1618-1648 йиллар).

1648 йили Вестфалия шаҳарларида имзоланган тинчлик шартномаси шартлари нафақат ўттилизийллик урушга, балки қайта қуриш кучлари ва уларнинг рақиблари орасидаги бир асрлик курашга сиёсий якун ясади. Тинчлик Европа давлатлари тизимиға ва Германиядаги жараёнга мухим ўзгартиришлар олиб келган мажбурланган келишувлар махсули бўлди.

Назорат топшириқлари (ёзма ёки оғзаки назорат учун)

XVI аср халқаро муносабатларнинг хусусиятларини таҳлил қилинг.

XVI аср сиёсий ва ҳарбий можароларининг моҳиятини ёритиб беринг

Ўттилизийллик уруш сабаб ва жараёнини шархлаб беринг.

XVI асрда Европада халқаро муносабатларга оид ёзилган илмий асарларни ёритиб беринг.

5. Сиёсий ва ҳарбий можароларнинг сабаблари нимада.

6. Ўттилизийллик урушнинг асосий мақсади нималардан иборат.

7. Халқаро можароларнинг асосий сабаблари.

Тест топшириқлари:

1.«Янги дунёни» ва Шарқни Европага яқинлашувига нималар сабаб бўлди?

A. Ўттилиз йиллик уруш

B. Мустамлака сиёсати

C. Ташқи географик қашфиётлар

D. Англия ва Франция ташаббуслари

2.XVI асрда халқаро сиёсатнинг Европадаги маркази қаер хисобланади?

- А. Давлатлар хукуматлари
- В. Шимолий Европа
- С. Қирол саройи
- Д. Марказий Европа

3.«Уруш ва ҳарбий муссасаларнинг ҳуқуқи борасида» асарнинг муаллифи ким?

- А. Альберико Джентили
- В. Гуго Гроция
- С. Балтозар Аайала
- Д. Юстиниан

4.XVI асрда Европрада неча йирик халқаро келишовчиликлар шаклланди?

- А. Тўртта
- В. Бешта
- С. Учта
- Д. Иккита

5.Ўттиз йиллик уруш қачон бўлган?

- А. 1618-1648 йиллар
- В. 1619-1649 йиллар
- С. 1617-1647 йиллар
- Д. 1615-1645 йиллар

Мавзу бўйича асосий якунлар:

- 1.Йирик давлатлар ўртасида зиддиятларни кескинлашиши ва дипломатик хизматни пайдо бўлиши.
- 2.Ўттиз йиллий уруш ва сиёсий ҳамда ҳарбий тўқнашувлар.

Мавзу бўйича ўз ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- 1.Халқаро муносабатларга оид ёзилган асарларнинг нусхаларини тахлил қилиш.
- 2.Ўттиз йиллик урушнинг Европа дипломатиясига таъсир муаммоси.

5-мавзу: Халқаро муносабатлар ва дипломатия XVII – XVIII асрларда **Ажратилган вақт – 2 соат**

Асосий саволлар:

- 1.XVII – XVIII аср иккинчи ярмида халқаро муносабатларнинг асосий муаммолари.
- 2.Мустамлакачилик сиёсати
- 3.XVIII аср охирида халқаро муносабатлар

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

«Испан ворислиги» учун урушлар. Шимол уруши. «Австрия ворислиги» учун уруш. Ўсмон (шарқ) масаласи. «Ёш» мустамлака давлатлар. Монополиялар. Мануфактура. «Тижорат» урушлари. «Еттийиллик уруш». «Шимолий тизим». Аксилфранцуз коалиция.

Мавзуга оид муаммолар:

- 1.Колониал сиёсатнинг салбий ва ижобий асоратларига қандай қарайсиз?
- 2.Собиқ колониал давлатларнинг бугунги ахволини қандай баҳолайсиз?

Идентив ўқув мақсадлари.

- 1.1. XVII – XVIII асрдаги халқаро муносабатлар хусусиятига шарх беради.

- 1.2. XVII – XVIII аср колониал (мустамлака) сиёсатини тахлил қилади.
- 1.3. XVII – XVIII асрлар урушларига таъриф беради.

Саволнинг баёни:

Монархларнинг дипломатик манфаатлари, ўзларининг давлатларига янги ерларни босиб ва кўшиб олишга интилишлари XVII – XVIII асрлар иккинчи ярмининг халқаро муносабатларига аввалгидай катта таъсир кўрсатар эди. Шунинг билан биргаликда янги бир омил – денгиз орти колониалар учун кураш, денгиз йўлларига эгалик қилиш, Европада ва ундан ташқарида хом ашё сотиш мақсадида бозорлар учун кураш кундан – кунга ўзини намоён қила бошлади.

Ушбу омилларнинг таъсири давлатлар ўртасидаги кучлар танасублигига ҳам сезиларли даражада ўзгартириш киритди. XVII асрнинг иккинчи ярми – XVIII асрнинг биринчи ярмида саҳнага аввалроқ марказлашган монархиялар ва умумдавлат манфаатларининг сулолавий манфаатларидан устун турган худудлардаги давлатлар чиқа бошлади.

Буларнинг ҳаммаси XVIII асрнинг биринчи ярмидаги учта йирик урушлар жараёнидаги кучлар балансига ҳам таъсир кўрсатади; «испан ворислиги» учун 1701 – 1714 йиллардаги; Шимолий 1700 – 1721 йиллардаги ва «Австрия ворислиги» учун 1740-1748 йиллрадаги урушлар; натижада буюк давлатлар қаторига Англия, Франция, Россия, Австрия ва Пруссия қўшилди, Испания, Португалия, Дания, Голландия, Швеция ва Речь Посполитая эса иккинчи ўринга мажбур бўлди. Ва айнан биринчи бешта давлат XVIII асрнинг ўртасидан то Буюк Француз революциясига қадар дунё халқаро муносабатлари тизимини белгилаб берадиган бўлди.

Халқаро аренада кучларни қайта тақсимланиши – халқаро муносабатлардаги йирик муаммо – Усмон (шарқий) масаласида тўғридан – тўғри намоён бўлди. Бу даврда кучларни қайта тақсимланиши Европа давлатлари ва Усмон империяси ўртасидаги ўзгаришлар хусусияти билан боғлиқ эди.

XVII – XVIII асрларда Европа мамлакатларининг халқаро муносабатлари географияси кўзга кўринарли даражада кенгайди. Ўз асосида евромарказлашган бўлса – да, халқаро муносабатлар ўз орбитасига айрим қитъалар ва худудларни жалб этди – янги дунё (Американи) Узоқ Шарқ (Хитой ва Японияни), Африканинг фарбий ва шарқий соҳилларини.

Колониал, ёки мустамлака муаммолари хом ашё манбалари ва савдо маконларини босиб оилш аста – секин янги замон халқаро муносабатлардаги бош муаммоларнинг бирига айланана бошлади.

XVII – XVIII асрда колониал муаммо халқаро муносабатларнинг муҳим масаласига айланди. «Эски» колониал мамлакатларга (Испания ва Португалия) қарши «янги» (Голландия ва Англия) колониал мамлакатлар чиқа бошлади. Тижорат соҳасида колониал рақобат жараёнига Франция ҳам кириб келди. Колониялар учун Янги дунёда, Жанубий – Шарқий Осиёда, Ҳиндистонда, Фарбий Африкада шиддатли кураш бошланиб кетди.

Колонияларни босиб олиш ва талаш метрополия мамлакатларида катта бойлик тўплашга, мануфактура ишлаб чиқаришини ўсишига сабаб бўлди. Шу вақтнинг ўзида колониал мамлакатларнинг халқлари мисли кўринмаган эксплуатацияга, оч қолиш ва қолоқликка муфтало бўлдилар.

Бу даврнинг асосий хусусиятлари – аксарият холларда, давлат паноҳида бўлган монопол савдо компанияларининг фаолияти тижорат капиталини ривожланиши билан боғлиқ бўлгани билан белгиланади.

XVII – XVIII асрлар колониал сиёсати сон – саноқсиз ҳарбий тўқнашувларга айланган – европа давлатлари ўртасида колониал ва савдо устунлиги учун «тижорат урушлари» нинг (англо – голланд, франко – голланд, англо – француз ва х) бешафқат рақобатлиқда кечиши билан белгиланади.

Савдо – колониал рақобат ушбу даврнинг барча йирик урушларида (хусусан, «испан ворислиги» учун ва Етти йиллик урушларда) муҳим роль ўйнари эди.

Тижорат урушлари жаҳоннинг турли жойларида олиб борилар эди, ва уруш жараёнида ҳар бир давлат колониал тижоратни ўз қўлига олишга ҳаракатда эди.

Айрим мамлакатлар колониал империясининг шаклланишига қатор сабаблар таъсир кўрсатар эди: метрополиянинг ижтимоий – иқтисодий ахволи, босиб олинган ерлардаги ривожланиш даражаси ва ахолининг зичлиги, шаклланаётган капиталнинг дунё бозоридаги ўрни ва ҳоказолар.

XVIII асрнинг охирги йигирма йилида асосий Европа давлатлари сиёсий кучларининг тақсимланишига эътиборли даражада ўзгартириш киритди. Бу ерда иккита муҳим омил янги эди. Шимолий Африкадаги урушда бандлиги боис континенталь Европа ишларига 1775-1783 йилларда Англия дикқатининг вақтинча заифлашгани бўлса ва иккинчиси – инқилоб ва чет эл тажаввузига қарши туриш билан боғлиқ бўлиб Францияни Шарқий Европадаги (1789-1794 йилларда) мамлакатлараро курашдан чиқиши бўлди.

Америка инқилоби «Шимолий тизимни» жиддий синовдан ўtkазди ва XVIII аср 80-нчи йилларининг бошларига келиб «тизимни» барбод бўлишига олиб келди.

Россияни халқаро майдондаги муваффақиятлари Англияни Шимолий Африкадаги уруш тугаши билан яна «шарқий тўсик» ғоясига қайтишга мажбур қилди.

Россия учун муваффақиятли бўлган рус – турк ва рус – швед урушларининг натижаси Буюк француз инқилоби бошланиши билан Европадаги халқаро вазиятни умумий ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ эди. У, яъни инқилоб Балтиkadаги кураш ва шарқий масалани вақтинча иккинчи ўринга суриб қўйди, лекин Марказий Европада Францияни Австрия ва Пруссия билан бўлган эски можаросини ҳамда Англия билан бўлган колониал бахсни ўта кескинлаштириди.

Франция билан кураш, аксија француз каолицияни ташкил қилувчи европа мамлакатлари кучини қайта тақсимлади.

1792 йилдан бошлаб халқаро муносабатлар янги даврга кириб борди – инқилобий ва наполеон урушлари ҳамда дунё ва европа сиёсий харитасини тубдан қайта ўзгариш даврига кириб борди.

Назорат топшириқлари: (ёзма ёки оғзаки назорат учун)

- 1.XVII – XVIII асрнинг иккинчи ярмидаги халқаро муносабатларнинг асосий муаммоларини ёритиб беринг.
- 2.XVII – XVIII аср колониал сиёсатини шархлаб беринг.
- 3.«Савдо урушлари» ни тахлил қилиб беринг.
- 4.«Янги Дунё» ва «Эски дунё» тушунчаларига изоҳ беринг.
- 5.Европада кучлар тақсимоти сабабларини кўрсатиб беринг?
- 6.Колониал сиёсатининг Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларга таъсирини қандай изоҳлайсиз?

Тест топшириқлари:

«Испан ворис» лиги учун уруш қачон бўлган?

- A. 1700 – 1713 йиллар
- B. 1701 – 1714 йиллар
- C. 1702 – 1715 йиллар
- D. 1703 – 1716 йиллар

XVIII асрда Шимолий уруш қачон бўлган?

- A. 1699-1720 йиллар
- B. 1700 – 1721 йиллар
- C. 1701 – 1722 йиллар
- D. 1702 – 1723 йиллар

XVII – XVIII асрларда қайси мамлакатлар «ёш колониал давлатлар» қаторига киради?

- A. Австрия ва Пруссия
- B. Испания ва Португалия
- C. Франция ва Англия
- D. Голландия ва Англия

Мавзу бўйича асосий якунлар:

1. Колониялар учун кураш ва димломатияни ушбу жараёнга бўйсундирилиши
2. «Тижорат» ёки «савдо» урушлари ва халқаро муносабатлар.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

1.XVII – XVIII асрларнинг иккинчи ярмида «Янги Дунё» ва «Эски Дунё» муносабатларидаги ўзига хос хусусиятлар.

6-мавзу: Халқаро муносабатлар XIX асрнинг 20-60 нчи йилларда.

Ажратилган вақт 2 соат

Асосий саволлар:

- 1.«Вена тизимини» барбод бўлиши.
- 2.XIX 50-60нчи йилларнинг иккинчи ярмида халқаро муносабатлар.
- 3.Колониал сиёсат: хусусият ва услубларидаги ўзгаришлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

«Вена тизими». «Муқаддас иттифок». Англия ва Россия рақобати. Лондон конференцияси. Польша масаласи. Таъсир доиралари.

Мавзуга оид муаммолар:

- 1.Колониал масаласида «Эски Дунё» ва «Янги Дунё» муносабатларини қандай кўрсатиб берасиз?

Асосий савол: XIX асрнинг 50-60 йилларида халқаро муносабатлар.

Савол бўйича дарс мақсади: «Вена тизимини» барбод бўлишини ҳамда ўша даврдаги колониал сиёсатини ёритиб талабаларда ушбу бўйича мустаҳкам тушунчани шакллантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. «Вена тизимини» барбод бўлиш сабабларини шархлаб беради.
- 1.2. Ўша давр халқаро муносабатларининг хусусиятларини кўрсатиб беради.
- 1.3. Колониал сиёсатининг хусусият ва усусларини тахлил қиласди.

Саволнинг баёни:

«Вена тизими» нинг мустаҳкам эмаслиги унинг ташкил топганидан сўнг дархол айён бўлди.

Муқаддас Иттифоқ иштирокчилари инқилобий жараёнларга самарали тўскин бўлаоладиган ва бахсли халқаро муаммоларни хал қиласди форумга айлантираолмадилар.

Тропау (опава) – Лейбах (Любляна) 1820 – 1821 йилларда ва Веронада (Шимолий Италия) 1822 йилдаги конгресслар жараёнида Муқаддас Иттифоқка аъзо бўлган мамлакатлар сиёсатида жиддий қарама - қаршиликлар намоён бўлди. Ушбу холат, Англияни анъанавий инглиз «озод қуллари» сиёсатига қайтишига ва Иттифоқ билан келишилган холда иш олиб борищдан аста – секин узоқлаштириб борди. Англияни келишилган амаллардан узоқлашиши Европани сепарат иттифоқларга ва каолицияларга парчаланиб кетишига олиб борди.

Франция ва Бельгияда 1830 йилда бирин – кетин амалга оширилган инқилоблар, ҳамда 1830-1831 йилги Польша ғалаёни 1815-1850 йиллардаги халқаро муносабатлардаги энг асосий зиддиятни – яъни Англия ва Россия ўртасидаги рақобатни янада чуқурлаштириди.

Буюк давлатлар элчиларининг 1830-1831 йил Лондон конференцияси ва Бельгия давлати мустақиллигини ва унинг доимий бетарафлигини эътироф этиш тўғрисидаги протоколни имзоланиши Вена чегаралари (1815) тизимидағи биринчи дарз кетиш бўлди.

«1815 йилги трактатларни» муҳофаза қилиш бўйича бешта буюк давлатларни келишилган холдаги амалларини қўзда тутган ва «инқилобий қучлар» билан курашни назарда тутган «Вена

конгресси» тамойилларига 1848 – 1849 йиллардаги инқилобий ҳаракатлар янги зарба бўлди. Англия эса ўзга мамлакатлар билан умумий бўлган сиёсатдан узоқлашди.

30-нчи йилларда Францияда шунга ўхаш сиёсатни Июль монархияси олиб борди. Пруссия ва Австрияга келсак, уларнинг ҳукмрон доиралари 1848 йилги инқилобий воқеалар туфайли тўла хасталик холатига тушиб қолган эди.

Шундан қилиб, XIX асрнинг ўрталарига келиб, 20,30,40-нчи йиллардаги инқилоблар «вена тизими» асосларини заифлаштириди ва 5-нчи йиларда шарқий масала билан боғлиқ зиддиятларни кескинлашувидан келиб чиқсан Муқаддас ва Тўртлик иттифоқларининг собиқ иштирокчиларининг ўртасидаги уруш уни тамоман барбод этди.

Шарқий масалани зиддиятлашуви ва ундан кейинги 1853 – 1856 йиллардаги Крим урушида Россияни мағлубиятга учрашгани «вена тизимини» барбод бўлганини ва Россияни европа ишларига таъсирини йўқотганлигидан далолат берар эди.

Кейинги йиллари, ўзининг обрўсига путур етказган 1856 йил 30 марта шартномаси шартларини бекор қилиш борасида рус дипломатиясининг изчил урушлари билан белгиланади.

«Вена тизими» нинг барбод бўлиши натижасида янги халқаро холат юзага келди. Крим уруши Европадаги кучларини қайта тақсимланишини кескин ўзгартириди. Россиянинг ташки сиёсий кучлари барбод қилинди. Австро – Рус Пруссия иттифоқи тарқалиб кетди. Франция «1815 йилги трактатни» дафн этишга интилар эди.

Франция колониал сиёсатини фаоллашуви туфайли анъанавий Франция – Англия зиддиятлари янада кескинлашди.

Германия ва Италиянинг бирлашуви даврида Пруссия ва Сардиния қироллигининг халқаро фаоллиги сезиларли дараҷада ўсади. Австриянинг таъсири эса бўшашиб кетди.

АҚШ да 60-нчи йиллардаги фуқаролар уруши туфайли Америкада Франция ва Англия сиёсатини фаоллашуви халқаро муносабатларнинг ривожланишида мухим омил бўлди. Бир вақтни ўзида Польша масаласи ҳам кескинлашди: 1863 йилги қўзғолон туфайли Англияни ва айниқса Францияни Польша ишларига аралашуви Россияни АҚШ билан яқинлашувига мажбур қилди.

Россияни АҚШга нисбатан хайрихохлик бетарафлиги **«шимолликларни»** дипломатик куршовдан чиқишга хизмат қилди.

Германия ва Италияда «Вена тизими» узил – кесил дафн этилди. Лекин, Германия (Жанубий герман князликлари) ва Италияни (Рим масаласи) бирлашиш жараёни 60-нчи йилларнинг охирида ҳали якунланмаган эди. Рим ва жанубий Германия масалаларида Италия ва Пруссиянинг асосий душмани Франция эди. Франко – Пруссия қарама - қаршилиги ва Италия – Франция ўртасидаги зиддият XIX аср 60-нчи йилларининг иккинчи ярмида халқаро муносабатлардаги асосий омилга айланди.

20-60 нчи йилларда европа давлатларининг колониал ҳукмронлиги усуллардан кескин фарқ қиласи эди.

Осиёнинг колониал экспансияга айлантирилган янги худудларида, европаликлар, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан заиф бўлса-да, лекин азал вақтлардан ўзининг давлатчилигига эга бўлган қадимий цивилизациялар билан (Хитой, Япония, Эрон ва б.д.) тўқнашишди. Шунинг учун, бу мамлакатларга кириб келиш, масалан классик колониал талончилик ва континентни бўлиб олиш сиёсати амалга оширилган янги дунёнинг мустамлакасидан фарқ қиласи эди.

XIX асрнинг 20-60-нчи йилларида бошқа усуллар устунлик қиласи: «таъсир доиралар» ни тақсимлаш (Хитой, Эрон, Ироқ), протекторатларни ўрнатиш (камбоджа) ва айниқса номигагина махаллий князлар ва монархларнинг хокимиятини сақлаб қолиш билан бирга иқтисодий босқинчилик.

Мустамлакаларнинг бошқариш принципи ўзгарди. Монопол савдо компаниялари воситасида уларни бошқариш ва колонияларни эксплуатация қилиш тизимини ўзи йўқ бўлди. Колонияларни бошқариш амаллари давлатга ўтар эди.

Колонияларни эксплуатация қилишнинг иқтисодий қоидаларида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Агар, илгари колонизаторлар олтин ва кумуш экзотик ўсимликлар ва илдизлар излаб ҳамда

қуллар савдосидан бойлик орттирган бўлсалар, энди эса асосий диққат, саноат учун хом ашё – пахта, қазилма бойликларга қаратилган эди.

Колонизаторлар мустамлакалардан метрополиялар саноат молларини сотиш учун бозор сифатида кенг фойдаланар эдилар, уларнинг хўжалик ҳаётига чуқурроқ кириб борардилар (колониялар худудларида темир йўллар, йўллар ва шахталар қурав эдилар).

Назорат топшириклари (Ёзма ёки оғзаки назорат учун)

- 1.Англия ва Россия ўртасида XIX аср II ярмида рақобатни кучайишига қандай омиллар сабаб бўлди?
- 2.«Вена тизими» ни барбод бўлиши натижасида Европа халқаро муносабатларида қандай ўзгаришлар рўй берди?
- 3.Европа давлатлар колониал сиёсатларида ўзгаришлар (20-60-нчи йиллар ва XVII-XVIII асрлар иккинчи ярмида)
- 4.Колониал босқинчиликнинг умумий усувларини шархлаб беринг?
5. «Вена тизимини» барбод бўлишига қандай омиллар сабаб бўлди?
- 6.XIX асрнинг II ярмига келиб колониал эксплуатациянинг усувлари қандай ўзгарди?

Тест топшириклари:

- 1.Веронадаги конгресс қачон бўлди?
 - A. 1821
 - B. 1822
 - C. 1823
 - D. 1824
- 2.Буюк давлатлар элчиларининг Лондон конференцияси қачон бўлди?
 - A. 1830-1831 йиллар
 - B. 1831-1832 йиллар
 - C. 1832-1833 йиллар
 - D. 1833-1834 йиллар
- 3.«Вена тизими» қачон барбод бўлди?
 - A. XIX асрнинг 50-нчи йилларида
 - B. XIX асрнинг 60-нчи йилларида
 - C. XIX асрнинг 70-нчи йилларида
 - D. XIX асрнинг 80-нчи йилларида
- 4.XIX аср 60-нчи йилларнинг иккинчи ярмида халқаро муносабатларнинг асосий омили нимадан иборат эди?
 - A. Колониал масала
 - B. «Таъсир доираларнинг» кенгайиши
 - C. «Вена тизими»
 - D. Франко-Пруссия ва Франко – Италия ўртасидаги қарама - қаршиликлар.

Мавзу бўйича асосий якунлар:

- 1.«Вена тизими» ни барбод бўлиши.
- 2.Колонияларни эксплуатация қилиш усувларини ўзгариши

7-мавзу: 1871-1914 йилларда халқаро муносабатлар.
Ажратилган вақт – 2соат

Асосий саволлар:

- 1.XIX аср охирида халқаро муносабатлар.
- 2.Ҳарбий – сиёсий блокларни пайдо бўлиши

3.Халқаро муносабатлар уруш араfasида

Мавзуга оид таянч түшүнча ва иборалар:

Франко-пруссия уруши. Германия империяси. Отто Фон Бисмарк. Уч императорлар Иттифоки. Учлик Иттифоки. Махфий ҳарбий конвенция. «Ёркін изоляция» сиёсати. Антанта. Болқон муаммоси.

Мавзуга оид муаммолар:

- 1.Франко-Пруссия урушини, асоратларини қандай баҳолайсиз?
- 2.Икки ва уч томонлама шартномаларга қандай баҳо берасиз?
- 3.Буюк давлат ўртасидаги рақобатни қандай шархлайсиз?

Мавзу бўйича дарс мақсади.

Европада биринчи жаҳон урушидан олдинги халқаро муносабатларни ёритиб талабаларда ушбу муаммо бўйича тасаввур ва түшүнча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. XIX аср охиридаги халқаро муносабатларининг ўзига хос томонларини кўрсатади.
- 1.2. Ҳарбий – сиёсий блокларнинг пайдо бўлиш сабабларини изоҳлайди.
- 1.3. Биринчи жаҳон уруши араfasидаги халқаро холатни таҳлил қилиб беради.

Саволнинг баёни:

Франко – Пруссия уруши XIX аср охиридаги халқаро муносабатлар тарихида янги сахифани очди. Европанинг сиёсий харитасида кучли ҳарбий ва саноат имкониятига эга бўлган қудратли Германия империяси пайдо бўлди.

Франко – Пруссия урушининг муҳим халқаро натижаси – бу Италияning бирлашиш жараёнини тутутилиши эди. Ушбу янги буюк давлат Францияning Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги рақибига айланди.

Ўз навбатида Австро-Венгрия Австро – Пруссия урушидаги мағлубияти учун ўч олишдан воз кечиб Германия билан яқинлашишга хулоса қилди.

Германия иқтисодий қудратининг кескин кучайиши ва унинг колониал талончилик аренасига чиқиши англо ва германия ўртасидаги зиддиятларни янада кескинлашувига олиб келди.

Шундай қилиб, Франко-Пруссия уруши ва Германия империясини ташкил топиши Европада кучларни қайта тақсимланишига ва халқаро муносабатларни кескинлашувига олиб келди.

Германия империясининг ташкилотчиси ва унинг биринчи канцлери Отто фон Бисмарк Францияни яқкалатиб қўйиш ва кейинчалик унга қарши янги уруш бошлаш учун яхши дипломатик холатни таъминлаш мақсадида Германия етакчилигига ҳарбий – сиёсий Иттифоқ тузишга интилар эди.

Канцлернинг ташқи сиёсатида аксил француз йўналиши 1873 йилда барпо этилган уч императорлар Иттифоқида намоён бўлди. Францияни Россия ва Австро – Венгрия билан иттифоқдош бўлишига тўсқинлик қилиш учун Бисмарк Европада «тартибни» мустаҳкамлаш учун монархияларнинг бирдамлик ғоясидан фойдаланди.

Уч императорлар Иттифоқи Австро – Россия ва Германо – Россия зиддиятлари янги куч билан намоён бўлганида, яъни 1887 йили барбод бўлди.

Россияни уч императорлар Иттифоқига аъзо бўлиб кириши германияни янги тажаввузи олдидан Францияни қўллаб - қувватлашдан воз кечиши эмас эди. Россия Францияни заифлашишида манфаатдор эмас эди.

Англия, «европа кучларини тенглашиш»сиёсатини қўллаб - қувватлаган холда Ғарбий Европада ягона давлатни (Германияни) гегемониясини ўрнатилишига қарши эди.

Айнан Россия ва Англиянинг позицияси Бисмаркка 1875 йили Францияга қарши янги урушни бошлашга имкон бермади.

1875 йилги Франция – Пруссия ўртасидаги ҳарбий хатарли холат билан деярли бир вактда яқин шарқ инқирози пайдо бўлди. Россияни рус – турк урушидаги (1877-1878й) муваффақиятлари Болқон халқлари учун жуда катта аҳамият касб этди. Улар умуман йўқ бўлиб кетишдан сақланиб қолдилар, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш имкониятига эга бўлдилар. Черногория, Сербия ва Руминияни мустақиллиги тан олинди.

Францияни яққалатиб қўйиш бўйича Бисмаркнинг кейинги фаолияти Германия, Италия ва Австро – Венгрия таркибидаги Учлик Иттифоқини бунёд этилишига олиб келди. 1882 йилги Учлик Иттифоқ тўғрисидаги Шартнома беш йил муддатга тузилиб. Кейинчалик бир неча бор узайтирилиб то 1915 йилгача амал қилди. Янги ҳарбий конвенция (шартнома) бир тифи билан Францияга бошқаси билан Россияга қарши қаратилган эди.

Шу билан биргаликда Франция билан яқинлашувига йўл қўймаслик мақсадида Россия билан дўстона муносабатларни сақлаб қолиш Бисмаркни аҳамиятли вазифаларидан бири эди.

1887 йили Россия ва Германия ўртасида ўзини сақлаб қолишга уриниш (перестраховка) тўғрисида шартнома имзоланди. Россия, Франция Германияга ҳамла қилган холатда дўстона бетарафлик сақлашни ўз зиммасига оларди ва жавобан агар Англия Яқин Шарқда зид амалларни олиб борса Германия томонидан Россияни қўллаб - қувватлаш тўғрисида ваъдасини олди.

Австро – Венгрия ва Англияни Болгар князлигига таъсирини кучайиши билан боғлиқ Россиянинг оғир халқаро аҳволи чор ҳукуматини ушбу шартномага имзо чекишига мажбур қилди. Ўзини сақлаб қолишга уриниш (перестраховка) шартномаси то 1890 йилгачча кучда эди.

Франция ва Россияга қарши қаратилган Австро – Германиянинг 1879 йилги иккилик Иттифоки, ҳамда шунга ўхшаш 1882 йилги Учлик Иттифоқи уч императорлар Иттифоқи ҳамда ўзини сақлаб қолишга уриниш Шартномасига қарама - қарши эди.

Умумий рақиб Германияни кучайиб бориши натижасида Россия ва Франция ўртасида яқинлашув кузатилар эди. Англия ва Италия билан чукур қарама - қаршиликда бўлган Франция, агарда Германия билан урушга кирадиган бўлса, фақатгина Россиядан амалий ёрдам олиши мумкин эди. Ундан ташқари, Россия билан яқинлашув Францияни ташқи сиёсий яққаланишдан фориғ қилди. Икки мамлакат ўртасида мустамлака сиёсати ёки Европа сиёсати бўйича бир оз бўлсада жиддий қарама - қаршилик мавжуд эмас эди. Бунга қўшимча, Бисмарк ҳукмронлигининг охирги йилларида Германия ва Россия ўртасида авжига чиққан «божхона урушлари» туфайли Франция Россияга қарз берадиган асосий давлатта айланди.

Франко – Россия яқинлашувига Бисмаркнинг Францияга қарши янги уруш бошлашга уринишлари билан боғлиқ 1887 йилги ҳарбий ваҳима муҳим омил бўлиб хизмат қилди. 1891 йили Учлик Иттифоқининг қайта тикланиши даврида Германия ва Англия ўртасида яқинлашиш аломатлари сезилди. Ва 1891 йили Россия ва Франция ўртасида консультатив Пакт ўрнатилди ва 1892 йили, 1893 йили ратификация қилинган (яъни тасдиқланган) махфий ҳарбий конвенция имзоланди. Бу холат Германия ва Италия билан ҳарбий тўқнашув бўладиган бўлса Франция Россияга ҳарбий ёрдам бериш имконини таъминлади ва континенталь босқинчилик учун эркинлик берилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Англияниң ташқи сиёсати учун «Ярқироқ яккалиқ» (изоляция) деб номланган сиёсат хос эди. Ушбу сисатнинг изчил татбиқчиси Лойд Солсбери қуйидагиларни тақрорлашни яхши кўрар эди: «Англияниң доимий иттифоқдошари ва доимий душманлари йўқ, факат доимий ва абадий манфаатлари мавжуд». Англияниң «ярқироқ яккалиқ» сиёсати, ҳеч бир узоқ муддатли иттифоқлар билан ўзини боғлаб қўйишга олиб бормойдиган саноат яккахонлиги ва денгиздаги қудратига асосланган эди. Ўз мақсадларига эришиш учун Англия дипломатияси континенталь давлатларнинг ўзаро можароларидан фойдаланар эди.

XIX асрнинг охири Англияниң колониал ҳудудларини ниҳоятда кенгайгани билан белгиланади. Германияниң «дунё сиёсатини» олиб бориши уринишлари Бисмарк ҳокимиятининг охирларида намоён бўла бошлади.

XIX асрнинг 90-нчи йилларида германия ҳукмдор доиралари «қуёш остида ҳудуд» учун уруш олиб бориши ғояларини ўта фаоллик билан тарғибот қилдилар. Айнан шу даврда бошқа икки иирик давлат – АҚШ ва Япония фаол колониал сиёсати майдонига чиқишиди. Шундай қилиб, бир

гурух йирик давлатлар дахшатли курашда кейинчалик қайта тақсимлаш ниятида дунёни бўлиш жараёнини якунлаши.

Шулар сабаб, дунёning барча жабҳаларида халқаро зиддиятлар ўчоқлари пайдо бўлди. XIX асрда энг кескин зиддият – бу Англо – Француз колониал қарама - қаршилик эди. Бошқа томондан эса ўзига хос хусусият, яъни ҳарбий – денгиз рақобат шаклини олган Англо – Германия қарама - қаршилик ҳам кучайиб борди.

Бундай рақобат натижасида, англияликларнинг денгиздаги собиқ устунлиги ҳам йўқقا чиқди.

XIX аср охиридан Англо – Германия қарама - қаршилигининг кескинлашуви Англияning ташқи сиёсий йўналишида кескин ўзгариш ясади. Саноат устунлигини ҳамда континенталь давлатларнинг зиддиятларидан фойдаланиш имкониятларини йўқотган Англия сиёсий яккаланиш холатидан чиқишга мажбур бўлди. Англияning ҳукмрон доираларида вужудга келган холатда мамлакат иттифоқдошларга муҳтож деган фикрлар пайдо бўлди.

1902 йилнинг 30 январида «Ярқироқ яккалик» сиёсатига чек қўйган Англия- Япония иттифоқ шартномасига имзо қўйилди.

1902 йилдан Англия дипломатияси Франция, ундан кейин Россия ҳамда Германияга қарши курашда иттифоқдош бўла оладиган мамлакатлар билан ўз муносабатларини яхшилаш йўналишига ўтди. Рус япон уруши ва Россияда 1905-1907 йиллардаги инқилоб кучларни қайта тақсимланишига таъсир кўрсатди. Россия Англия учун хатарли душман бўлмай қолди.

Англо – Германия муносабатлари ва Германия – Франция ўртасидаги ўсиб бораётган зиддиятлар 1904 йил 8 апрелда Лондонда имзоланган икки мамлакат ўртасидаги махфий келишув сабабли англо – француз яқинлашувни вужудга келтирди.

Англия ва Россия ўртасида колониал масалалар борасида келишув пайдо бўлиши билан 1907 йили Петербургда Англия ва Россия ўртасида шартнома имзоланди. Англо – Рус шартномаси имзоланиши билан Антантани ташкил топиши ниҳоясига етди.

Антантани ташкил топиши билан Германияга қаттиқ зарба берилди. Бундан ташқари, 1902 йили Италияни Учлик иттифоқдан узоқлашишидан дарак берувчи Италия ва Франция ўртасида бетарафлик тўғрисда янги махфий келишув имзоланди. Ушбу холат нафақат Адриатик денгизининг шарқий соҳили бўйича италия – австрия зиддиятларидан, балки Италияни француз сармоялари ва тижоратидан манфаатдорлигидан келиб чиқар эди.

Икки асосий ҳарбий– сиёсий блоклар ўртасидаги рақобатлик Болқон урушлардан ўз ифодасини топди: натижада, Сербия, Греция ва Черногориянинг худудлари анчагина кенгайди. Болқон иттифоқининг барбод бўлши австро – герман иттифоқининг ғолиблиги эди. Антанта эса Сербияда ўз таъсирини мустаҳкамлаб олди.

Урушдан олдинги ўн йилликдаги халқаро инқирозлар, Болқон урушлари англо – герман, франко – герман, рус – герман, рус – австрия зиддиятларини янада кескинлашишига сабаб бўлди. Антантада, иштиркочилар ўртасидаги қарама-қаршиликларга қарамай, кучлар жипсласиши жараёни кузатилар эди.

XX аср бошидан учлик иттифоқи, Италия ўзини четга тортганлиги сабаб иккилик иттифоқига айлана бошланди. Айни шу даврда уруш олди йилларида Туркияни ўз тарафига жалб қилганлиги Германиянинг жиддий дипломатик муваффақияти эди. Унинг, яъни Туркиянинг муҳим стратегик жойлашуви, келажакда Германияни Антанта билан бўладиган тўқнашувларида яхши келажакни бағишилар эди.

1914 йилнинг бошларига келиб, икки гурух давлатларда қурол – аслаҳа учун кураш юкори даражага кўтарилди. Европанинг йирик давлатлари орасида иқтисодий ривожланишда энг юкори суръатларга эришган Германия урушга бошқаларга нисбатан яхшироқ ва тезроқ тайёргарлик кўриб кўйди.

Назорат топшириклари: (ёзма ёки оғзаки назорат учун)

XIX аср охирида халқаро муносабатларда Германиянинг мақсадларини шархлаб беринг.

Уч императорлар иттифоқини тахлил қилиб беринг.

Бисмаркни Европа халқаро муносабатларидаги ролини тушунтириб беринг.

XIX аср охирида Россиянинг Европа халқаро муносабатларидаги ўрнини ёритиб беринг.

Франко-Пруссия урушининг оқибатлари нималардан иборат эди?
Европадаги кучлар қандай тақсимланди?
Европада асосан қайси давлат ўртасида зиддиятлар пайдо бўлди?

Тест топшириклари:

1. Европада XIX аср охирида кучларни қайта тақсимланишига нима сабаб бўлди?

А. Франко-Пруссия уруши ва Германия империясини ташкил топиши.

В. Бисмаркни фаолияти

С. Рус - турк уруши

Д. Австро – Германиянинг иккилик иттифоқи (1879 й)

2. Германия империясининг асосчиси ким бўлган?

А. Уинстон Черчиль

Б. Франция бош вазири

С. Германия канцлери

Д. Отто фон Бисмарк

3. XIX аср охиридаги рус – турк уруши қачон бўлган?

А. 1876-1877 йилларда

Б. 1877-1878 йилларда

С. 1878-1879 йилларда

Д. 1879-1880 йилларда

4. Учлик (учлар) иттифоқи қачон ташкил топган ва унга қайси давлатлар кирав эди?

А. Австро-Венгрия, Италия ва Германия 1882 йили

Б. Франция, Италия ва Германия, 1882 йили

С. Россия, Италия ва Германия, 1883 йили

Д. Австро – Венгрия, Англия ва Германия, 1884 йили

5. Иккилик иттифоқи қачон ташкил топди ва қайси давлатлар аъзо эди?

А. 1877 йилда Франция ва Германия

Б. 1878 йилда Италия ва Франция

С. 1889 йилда Россия ва Германия

Д. 1879 йилида, Австрия ва Германия

6. Россия ва Франция ўртасида консультатив пакт қачон ўрнатилди?

А. 1889 йилда

Б. 1890 йилда

С. 1891 йилда

Д. 1892 йилда

7. Антантанинг шаклланиши қачон тугади?

А. 1908 йили

Б. 1905 йили

С. 1906 йили

Д. 1907 йили

Мавзу бўйича асосий якунлар:

1. Ҳарбий – сиёсий блокларни пайдо бўлиши

2. Германияни Европанинг халқаро ҳолатига таъсири

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- 1.XIX аср охирида континенталь Европанинг Европадан ташқаридаги мамлакатлар билан халқаро алоқаларини ўрганиш.
- 2.Европага нисбатан (XIX аср охирида) Япониянинг муносабатларини ўрганиш.

8-мавзу: Биринчи жаҳон уруши (1914-1918 йиллар)

Ажратилган вақт – 2 соат

Асосий саволлар:

- 1.Уруш олди шарт – шароитлари ва урушнинг характеристи
- 2.Кучларнинг ўзаро нисбати
- 3.Урушни бошланиши ва жараёни
- 4.Урушни тугаси

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

«Ёнилғи ашёлар». Спраеводаги қотиллик. «Млада Босна». Тўртлик иттифоқи. Антанта. «Блиц криг». Верден жанги. «Брусилов». Пацифизм. Брест шартномаси. Германия империясининг барбод бўлиши. Вильсоннинг «14 пункти».

Мавзуга оид муаммолар:

- 1.Биринчи жаҳон урушида Германиянинг мағлубиятини қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?
- 2.АҚШни урушга муносабатини қандай шархлайсиз?

Мавзу бўйича дарс мақсади:

Биринчи жаҳон урушининг сабабчиси бўлган Германиянинг асл мақсадларни ёритиб талабаларда мустаҳкам тушунчани хосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари

- 1.1. Уруш сабабларини шархлаб бериш
- 1.2. Кучларнинг ўзаро нисбатини тахлил қилиш
- 1.3. Уруш жараёнини ёритиб бериш
- 1.4. Уруш оқибатларини тахлил қилиш

Саволнинг баёни

1914 йилда бошланган уруш инсоният тарихида энг бузғункорлик ва қонли уруш эди. У 10млн.га яқин одамлар ҳаётини олиб кетди, кўп мамлакатлар халқларига сон саноқсиз кулфатларни олиб келди.

XIX асрнинг охиридан халқаро муносабатларда вазиятни кескинлаштирувчи муаммолар бирин – кетин келаверди. 1914 йилнинг ёзига келиб дунё сиёсатида шунчалик кўп «ёнилғи ашёлар» тўпландики, унинг бир учкунни улкан ёнғинни чиқариши мумкин эди.

1914 йил 28 июнда Сараево шаҳрида Австрия Эрцгерцог франц Фердинандни ўлдирилиши ана шундай учқун бўлиб чиқди. Қўлга олинган қотиллик иштирокчилари сербларнинг «Млада Босна» деб номланган ватанпарварлар гуруҳига аъзо эдилар. Ушбу далил 1914 йил 28 июнда Австро – Венгрия томонидан Сербияга уруш эълон қилинишига баҳона бўлди.

Июнь ойининг охирида воқеалар жараёни тезлашди. 31 июлда Россияда умумий сафарбарлик бошланди. Ўша куннинг ўзида Германия Россиядан сафарбарликни тўхтатишни талаб қилди ва 1 август куни Россияга уруш эълон қилди. Немис қўшинлари ғарбий сарҳад бўйлаб, тўплана бошландилар 3 август куни Германия Францияга уруш эълон қилди. Шу кунни ўзида Германия Бельгия худудидан қуролли кучларини ўтказиб юборишни талаб қилди. Ушбу талаб Бельгиянинг дахлсизлиги тўғрисидаги шартномага зид эди. Бельгиянинг дахлсизлигини бузилиши Англияни Германияга (4 август) уруш эълон қилиш учун важ бўлди.

1914 йил 1 августда бошланган жаҳон уруши 1918 йил 11 ноябргача давом этди. Урушнинг кўлами то 1917 йилгача кенгайиб борди. 1914 йилнинг август ойи охирида Тинч Океани ва Узоқ Шарқда немис колонияларини босиб олган Япония ўз ташаббуси билан Германияга қарши урушга

кирди. 1914 –1915 йилларда Германия ва Австро – Венгрияга Туркия ва Болгария қўшилди ва Тўртлар иттифоқи тузилди. Тўртлик иттифоқига қарши урушга Италия, Португалия, Руминия, АҚШ, Греция кирди. Амалда иштирок этмаса – да Германияга Хитой, Сиам, Либерия, Латин Америкасининг 14 давлати уруш эълон қилди.

Биринчи жаҳон урушида иштирок этувчи йирик давлатларнинг бош мақсади – босқинчилик сиёсати эди.

Германиянинг асосий мақсадлари: Европада Германия гегемонлигини ўрнатиш; бир қатор худудларни босиб олиб, қарам давлатларни барпо этиш (Бельгия, Голландия ва б); Францияни «буюк давлат сифатида бошқа ҳеч ҳам бошини кўтара олмайдиган» даражада зифлаштиришдан иборат эди. Бундан ташқари, Европадаги тажаввузлар «дунё сиёсатини» олиб бориш учун зинапоя ролини ўйнаши керак эди.

Австро – Венгрияниг хукмрон доиралари ўзининг емирилиб борилаётган давлатини умрини узайтиришга интилар эдилар. Улар Сербия ва Черногориянинг бир қисмини босиб олиб, жанубий славянлар миллӣ – озодлик харакатини бўғиши йўли билан юқоридаги мақсадга эришишга умидвор эдилар.

Габсбург монархиясига қарам бўлган Польша ва ғарбий Украина ерларидан иборат бўлган бирлашма тузиш лойихалаштирилар эди.

Франция эса Эльзас ва Лотарингияни қайтариб олиш харакатида эди. Саар вилоятини уддасидан чиқса рейн саноат ҳудудини ҳам босиб олиш режалари йўқ эмас эди. Ундан ташқари Парижда Германияни янада пароканда килиш борасида кенг режалар ишлаб чиқилмоқда эди. Европадан ташқарида Франция турк ва немис мустамлакалариға ҳам даъвогар бўлмоқда эди.

Буюк британиянинг эса бор мақсади: колонияларда ва денгизда савдо рақиби сифатида Германиянинг қудратини барбод қилишдан иборат эди. Шу билан биргаликда, нисбатан кучли Германия, континентда Франция ва Россияга нисбатан посанги ролини бажариши лозим эди.

1915 йилнинг мартаға келиб Россия Константинополни, Мармар денгизининг Ғарбий сохилини ва Дарданеллни «Россия таркибига» қўшишни талаб қилди. Урушга кечроқ киришган Италия, АҚШ ва бошқа давлатларнинг ҳам катта режалари мавжуд эди. Ушбу режалар сир сақланарди. Лекин, расман улар мудофаа урушини олиб бориш тарафдорлари эди.

Жаҳон урушининг жараёни биринчи навбатда рақобатдаги каолицияларнинг ҳарбий – иқтисодий қудрати билан белгиланар эди. Кучлар нисбати одамлар сони. Озиқ - овқат ва хом ашё микдори билан Антанта фойдасида эди. Ундан ташқари, уруш бошаларида урушга киритилган дивизиялар, қуроллар ва самолётлар сони бўйича ҳам Антанта биринчи ўринда эди. Денгизда ҳам Антанта илғорликни ўз қўлида ушлаб турар эди.

Лекин, Германия кучли рақиб эди. Унинг узоқ муддат урушга тайёргарлик кўргани, аскарларнинг тажрибаси, қурол – аслаҳанинг аъло сифати, ниҳоятда тез суръатда сафарбарликни амалга ошириши, оғир артиллерия соҳасидаги илғорлиги, қуролли кучларини тез суръатда бир фронтдан иккинчи фронтга ўтказиш имкониятлари яққол намоён бўлар эди.

Германия учун қулай холатдан келиб чиқиб, Германия қўмондонлиги «Блиц Криг» операциясига суняди.

Йирик кучлар билан Бельгия ва шимолий Франция орқали, Парижни ғарб томонидан айланиб ўтиб рақиб армиясини қамалга олиб Францияни таслим қилиш мақсадида юриш режалаштирилган эди. Кейинчалиқ, бўшаб қолган ҳарбийларни шарққа кўчириб, Германия Австро – Венгрия билан ҳамкорликда у ерда хал қилувчи зарба бериш ниятида эди.

Лекин, 1914 йилнинг ўзидағи воқеалар жараёни немис қўмондонларининг режасини барбод этди. Русларни Шарқий Пруссиядаги фаол амаллари, сон-саноқсиз ҳаракатлар туфайли немис аскарларининг қарчаши, орқада қолган қалъаларни забт этишга мўлжалланган кучларни банд бўлиши, Марна бўйи олиб борилган жанглар (сентябр 1914) «Блиц Криг» нинг асосий моҳиятини йўққа чиқарди.

Берлинда тез фурсатда ғалабани қўлга киритиш мумкин эмаслигига ишонганлар сони қўпаяр эди.

1914 йил кузига келиб ҳам ғарбий ҳам шарқий фронтда доимий фронт чизиги ўрнатилди. 1915 ва 1916 йилларда уруш катта қурбонлар бериш ва қаттиқ жанг қилмоқ эвазига давом этарди.

Шарқий фронтда рус аскарларига қарши Австро – Венгрия армиясининг аксарият қисми сараланган ва немис армияси жанг олиб борди. ғарбий фронтда эса немисларга француз ва Британия аскарлари қарши туради.

То Германия икки фронт қучогидан чиқмагунча ғалаба мумкин эмаслигини немислар тан олишга мажбур бўлдилар. Сиёсий раҳбарият олдига Антантани барбод этиш вазифаси қўйилди. Шарқдаги ҳарбий муваффақиятлар йўли билан Россияни сепарат сулх тузишга мажбурулаш кўзда тутилган эди. Бундан чиқиб, 1915 йили Германияда ҳарбий харакатларнинг марказини шарққа кўчириш хуносаси қаубл қилинди.

Дунай дарёсининг ўрта оқимида фронтни бузиб ўтган немис ва Австро – Венгрия аскарлари 1915 йилнинг охирида Польшани ва Прибалтикан қисман босиб олдилар. Германия ва Австро – Венгрия барча қуролли кучларининг ярми шарқий фронтда эди: улар оғир талофатларга дуч келди, лекин Россияни сепарат сулхга қўшилишини мажбур қилаолмади.

1915 йили ғарбий фронтдаги ҳарбий амаллар асосан Шампань, Артуа ва Фландриядаги Антанта аскарлари хамласига қарши туришдан иборат эди.

Германия, хатто бетараф мамлакатлар кемалари қурбон бўлган даҳшатли сув ости уруши туфайли Англияни тиз чўқтиришга уринди. Лекин, жуда кўп АҚШ фуқаролари қурбон бўлгани океан пароходи «Лузитания» чўқтирилганидан сўнг, АҚШ ва бошқа мамлакатлар ҳукуматларининг қатъий норозилиги натижасида герман қўмондонлиги фуқаролар кемаларини фақат огоҳлантирилганидан кейин чўқинтиришга кўрсатма берди.

Англияниң талофатлари юқори эди, лекин тез суръатлар билан кемалар қурилиши ва сув ости кемаларига қарши самарали кураш олиб бориш йўлларини ишлаб чиқариш, немис сув ости кемаларининг амалларини олдини олди.

Боши берк кўчадан чиқиши мақсадида немислар зарбани ғарбга кўчиришга қарор қилдилар. Французлар пойтахтга дарвоза деб ҳисоблаган ва ҳар қандай талофат эвазига муҳофаза қилишга уринган қадимий Верден қалъаси ёнидаги фронт ёқасини немислар операцияниң асосий обьект қилиб олдилар.

1916 йилнинг 21 февралидаги бошланиб ва 1916 йил охирида тугаган «Верден мясорубкаси» захирадаги кўп дивизияларни ютиб юбориб германия қўмондонлигининг ишончини оқламади.

1916 йил ёзида, англо – француз қўмондонлиги Сомме дарёсида катта ҳарбий юришни бошлади. Соммадаги жанг бир неча ой давомида 1916 йилнинг ноябригача даом этди. Жангларнинг умумий кўринишига ушбу жанг ҳеч қандай ўзгариш киритмади.

Ҳарбий санъатнинг ёрқин намунаси сифатида машҳур «Брусилов ёриб ўтилиши» келтирилади. 1916 йилнинг 3 июнида генерал Брусилов қўмондонлиги остида жанубий - ғарбий фронт аскарлари хамлани амалга оширилар, натижада Луцк Черновцў ва бошқа шаҳарларни эгалладилар, ҳамда австро – венгрия армиясининг қарийиб 450 минг аскар ва зобитларини асирга олдилар. 1914 –нчи йилнинг охиридан урушга яна бир неча давлатларни кириши билан Болқон, Италия ва Австро – Венгрия чегараларида Яқин ва Ўрта Шарқда фронтлар пайдо бўлди. Лекин, бу фронтларнинг барчаси шарқий ва ғарбий фронтларга нисбатан иккинчи даражали эди.

Икки йилдан ортиқ давом этган жанглар бирор бир томонга ғолибликни бермади. Фронтларда «миллатни ўзагини» ташкил қилган миллион эркакларни қурбон бўлиши, ҳамда очлик ва иқтисодни барбод бўлиши. Жамиятнинг барча доиралари таъсир кўрсатди. Тинчлик талаб ғоялар ҳам жонланди.

Жангларни давом эттириш Германияга ҳеч қандай манфаатларни ваъда бермас эди. Англия ва унинг иттифоқдошлари нафақат Германияниң барча колонияларини қўлга киритдилар, денгиз қуршови борасида ҳам қаттиқ сиёсат олиб бордилар. Германияниң холати 1916 йилнинг охирига келиб «фавқулодда оғир ва деярли чорасиз» дея баҳоланди. Ушбу шароитда 1916 йил 12 декабрида канцлер Бетман Рейхстагда тинчлик талаб маърузалар билан чиқиш қилди. Бир неча кундан сўнг АҚШ президенти Вильсон омма олдида урушни тўхтатиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида эълон қилди.

Лекин, Антанта мамлакатлари Бетман ва Вильсон декларациялари асосида бирор – бир келишувдан бош тортдилар. Германия ҳам АҚШ президенти платформасини рад этди.

Натижада 1917 йил баҳорида сулҳ борасидаги музокаралар бошланмади, боз устига уруш кўлами кенгайиб бораверди.

1917 йил 6 апрелда АҚШ Германияга қарши урушга кирди. Бунга сабаб: герман кемаларининг америка кемаларига ҳамласини давом этиши эди. Лекин, асосий сабаб АҚШнинг Германия ўртасидаги зиддиятлар Антанта ўртасидаги зиддиятларга кўра чуқурроқ эди, немисларнинг муваффақиятлари Антанта муваффақиятларидан кўра АҚШ манфаатларига кўпроқ таҳдид солар эди.

АҚШнинг молиявий капитали Антанта мамлакатларининг тўлов ишларидан манфаатдор эди. Россиядаги 1917 йилги инқилобий воқеалар бу мамлакатни урушдан чиқарди. Россиянинг Совет хукумати, фавқулодда оғир шартлар эвазига 1918 йили Германия билан Брест шартномасини имзоладилар.

1918 йил март ойида немислар Фарбий фронтда кучли жанг қилишга уриндилар. Ёзга келиб, герман кучлари яна Марнага етиб келдилар ва Парижни ўқса тутдилар лекин, июль охирига келиб француз генерали бош иттифоқдошларнинг қарши хужумини ташкиллаштириди. Шу даврдан бошлаб ташаббусни Антанта ўз кўлига олди.

Ички зиддиятлар ва машғулотлар таъсирида қарама-қаршиликларга учраган Германиянинг иттифоқдошлари бирин-кетин урушдан чиқа бошладилар. 29 сентябр куни Болгария Антанта томонидан кўрсатилган сулҳ шартларини имзолади. Бир ойдан сўнг 30 октябрда Туркия енгилганлигини бўйнига олди. 1918 йил 3 ноябрда габсбург генералитети вакиллари Антантага асир бўлдилар. Империя эса инқилобий воқеалар таъсирида таркибий қисмларга бўлинниб кетди.

Фарбий фронтда иттифоқдошлар бир қатор йирик муваффақиятларни қўлга киритдилар. Герман кўшинларини оммавий тарзда шарққа қувиш бошланди. Урушнинг тугаши аён бўлиб қолди.

1918 йил 5 октябрда Германия Вильсоннинг «14 пункти»^{*} бўйича музокаралар олиб боришига тайёр эканлиги тўғрисида эълон қилди. 1918 йил 3 ноябрда Германияда инқилоб бошланди.

Монархия ағдарилганидан кейин Германиянинг янги хукумати урушни тўхтатиш бўйича музокараларни яқунлашга шошилди.

1918 йили 11 ноябрда Компъен ўрмонида, Ретонд бекатида, маршал Фош вагонида Германия делегацияси томонидан 36 кунлик вақтинча яраш аҳдига имзо чекилди. Ушбу шартнома 34 банддан иборат эди. Улардан энг муҳимлари: 15 кун ичида Бельгия, Франция, Люксембург, Эльзас ва Лотарингиядан герман кўшинларини олиб чиқиб кетиш; Германияни Брестлитовск ва Бухарест шартномаларини рад этиши: ҳарбий анжомларни ғолибларга топшириш; ҳарбий асиrlарни ватанларига қайтариш. Биринчи жаҳон уруши якун топди.

Назорат топшириклари (ёзма ёки оғзаки назорат учун):

- 1.Биринчи жаҳон урушининг бошланишига қандай воқеа баҳона бўлди деб шархлайсиз?
- 2.Биринчи жаҳон урушида иштирок этган давлатларни таҳлил қилиб беринг?
- 3.Биринчи жаҳон урушида Германиянинг асосий мақсадларини қандай ифодалайсиз?
4. Биринчи жаҳон урушининг биринчи давридаги Германиянинг ҳарбий муваффақиятларини қандай шархлайсиз?
- 5.Биринчи жаҳон урушида Германиянинг мағлубиятини қандай таҳлил қиласиз?
- 6.Биринчи жаҳон уруши характерини қандай шархлайсиз?
- 7.Биринчи жаҳон уруши иштирокчиларига давлатларга қандай баҳо берасиз?

Тест топшириклари:

Биринчи жаҳон урушининг бошланиши қачон эълон қилинди?

- A. 27 июль 1914 йилда
- B. 28 июль 1914 йилда
- C. 27 июнь 1914 йилда
- D. 28 июнь 1914 йилда

* А+Ш президенти Вильсон томонидан ишлаб чи=илган сулҳ шартлари (1918 8 январ) 14 пунктдан иборат. =аранг: Дипломатический словарь. М. 1986 й., III том, 573-574 бетлар.

Биринчи жаҳон уруши қачон бошланди?

- A. 31 июль 1914 йилда
- B. 1 август 1914 йилда
- C. 2 август 1914 йилда
- D. 3 август 1914 йилда

Биринчи жаҳон урушида доимий фронт чизиги қачон ўрнатилди?

- A. 1914 йил кузида
- B. 1914 йил қишида
- C. 1914 йил баҳорида
- D. 1914 йил ёзида

Биринчи жаҳон урушида Сомме дарёсидаги жанг қачон бўлган?

- A. 1916 йил ёзидан то 1916 йил ноябригача
- B. 1916 йил кузидан то 1916 йил январигача
- C. 1916 йил қишидан то 1916 йил февралигача
- D. 1916 йил баҳоридан то 1916 йил ноябригача

Биринчи жаҳон урушига АҚШ қачон қўшилди?

- A. 4 апрел 1916 йилда
- B. 5 май 1917 йилда
- C. 7 июн 1916 йилда
- D. 6 апрел 1917 йилда

Биринчи жаҳон урушида Туркия енгилганлигини қачон бўйнига олди?

- A. 1918 йил, 30 октябрда
- B. 1917 йил 30 сентябрда
- C. 1917 йил 30 октябрда
- D. 1918 йил 30 сентябрда

Компъен ўрмонида имзоланган шартнома неча банддан иборат эди?

- A. 33 банддан
- B. 34 банддан
- C. 35 банддан
- D. 36 банддан

Мавзу бўйича асосий якунлар:

- 1. Германиянинг асосий мақсадлари: Европада Германия гегемониясини ўрнатиш.
- 2. Биринчи жаҳон урушининг тутатилиши. «Вильсоннинг 14 пункти»

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- 1. Биринчи жаҳон уруши иккинчи даражали иштирокчиларининг ҳиссасини ўрганиш
- 2. Вильсоннинг «14 банди» ни қай даражада бажарилишини таҳлил қилиш.

9-мавзу: Иккинчи жаҳон уруши (1939-1945 йиллар)

Ажратилган вақт –2 соат

Асосий саволлар:

- 1. Урушни бошланиши «ғалати уруш»
- 2. Аксилгитлер каолициясини тузиш
- 3. Уруш жараёни ва яқуни.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар

«Жанг қилмайдиган иттифоқдош». «Галати уруш». «Керзон чизифи». Хужум қилмаслик тұғрисидаги шартнома. Чемберлен. Черчиль. Ленд-лиз. Учликлар пакти. Пёрл – Харбор. Шимолий Африка. Техрон конференцияси. Иккінчи фронт Крим (Ялта) конференцияси. БМТ. Эльбадаги учрашув. Муссолини. Потсдам конференцияси. Япония ва II жаҳон уруши. Хиросима ва Нагасаки Капитуляция тұғрисидаги Акт.

Мавзуга оид муаммолар:

- 1.Урушнинг бошланиш даврида Германиянинг «ғолибона» юришларини қандай шархлайсиз?
- 2.Англия ва АҚШнинг урушдаги иштирокини қандай баҳолайсиз?
- 3.Урушдаги «туб үзгариш» нинг сабабларини қандай тахлил қиласиз?

Мавзу бўйича дарс мақсади:

Урушнинг бошланиши, жараёни ва яқунланишини ёритиб талабаларда ушбу мавзу бўйича кенг таҳлилий тушунчани шакллантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

Германияни урушдаги асл ролини кўрсатади.

Европа, АҚШ ва бошқа давлатларнинг урушдаги иштироки ва унга бўлган муносабатини намоён этади.

Германиянинг урушдаги мақсадларини барбод бўлиш жараёнини тахлил қиласиз.

Мавзунинг баёни:

1939 йилга келиб Германия урушга тайёргарлигини якунлади. Гитлер Мюнхенъ ва Чехославакияни босиб олиш тажрибасига таянган ҳолда Польшани иттифоқдошлари Буюкбритания ва Францияни Германияга умуман уруш қилмасликларига, ёки ҳар ҳолда Польшага амалий ёрдам кўрсатмасликларига ишонч ҳосил қилган эди.

1939 йил 1 сентябрда Германия Польшага бостириб кирди. 1939 йил 3 сентябрда Буюкбритания ва Франция Германияга уруш эълон қилди. Шундай қилиб иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди.

Италия Германиянинг «жанг қилмас иттифоқдоши» йўлини тутди. АҚШ ўзининг бетарафлигини эълон қилди.

Сон ва техник жиҳатдан немис қўшинларига teng келмайдиган Польша армияси душманга бардош бераолмас эди. 17-18 сентябрда Польша хукумати ва ҳарбий қўмондонлиик Руминия худудига ўтиб кетди. 28 сентябрга келиб немис қўшинлари Варшавани қўлга олдилар ва октябрнинг бошларида Польша армияси қаршилигининг охирги нуқталарини бостириди. Польша мағлубиятга учради.

Франция ва Англия Германияга қарши уруш эълон қилиб ҳеч бир ҳарбий амалларни бошламади. Шунинг учун ҳам, Фарбий фронтда «ажаб уруш» деб номланган уруш олиб борилди.

1939 йил 17 сентябрда хужум қилмаслик тұғрисидаги совет – герман шартномаининг «қўшимча махфий протоколига» асосан СССР ўз қўшинларини Фарбий Украина ва Фарбий Белоруссиягя олиб кирди. Совет қўшинлари Польшани шарқий чегараси сифатида 1919 йилда белигланган «Керзон чизиғида» тұхтатилган эди. 1939 йилнинг 28 сентябрьда СССР ва Германия томонидан имзоланган «Дўстлик ва чегара тұғрисидаги» шартномага асосан Германия ва СССР армиялари ўртасидаги демаракцион чизик Сан ва фарбий Буг дарёлари бўйлаб ўрнатилган эди. Польша ерлари Германиянинг назоратида бўлиб, украин ва белорусс ерлари эса СССР қарамоғида қолар эди.

Совет – герман шартномаларини имзолаш, 1939-1940 йиллардаги совет – финн уруши, 1940 йилда СССРни Миллатлар Лигасидан чиқарилиши, бошланган урушга Англия, Франция ва АҚШнинг муносабатлари буларни хаммаси аксил уруш ҳаракатига жуда катта зарар етказар эди ва халқаро ахволни танглаштириди.

«Ажаб уруш» дан фойдаланиб Германия фаол ҳарбий амалларга тайёргарлик қўрди. 1940 йил апрел ойида Дания ва Норвегия босиб олинди. 1940 йил 10 майдан то 22 июнгача Голландия,

Бельгия ва Франция босиб олинди. Англия ва Францияга Италия ҳам уруш эълон қилди. «очик шаҳар» деб эълон қилинган Париж немис қўшинларига жангсиз топширилди. Франциянинг ўзи икки зонага бўлинган эди: босиб олинган ҳудуд (мамлакатнинг шимолий ва марказий қисми) ва босиб олинмаган қисми (Маршал Петэн хукмронлиги ўрнатилган мамлакатнинг жанубий қисми).

«Хотиржамлик» сиёсатининг тўла барбод бўлиши натижасида Англияда Н.Чемберлен ўрнига хокимият тепасига немис қўшинларига қарши курашни ташкил этган Уинстон Черчилль бошчилигидаги коалицион ҳукумат келди.

Гитлернинг вахшиёна бомбардимон қилиш йўли билан Англияни синдириш режалари барбод бўлди. Британ оролларига қўшин тушириш режасидан ҳам воз кечилди.

1939 йилнинг ўзида АҚШ урушидаги мамлакатларга АҚШдан қурол – аслаха ва ҳарбий анжомлар сотиб олиш имкониятини бериш учун бетарфлик қонунини қайта кўриб чиқди.

1941 йил 11 марта АҚШ учун мудофааси ўта муҳим бўлган мамлакатларга қурол – аслаха ва анжомларни ижарага ёки қарзга беришга йўл қўйувчи Ленд-лиз тўғрисида қонун қабул қилинди. Ушбу қонун Англияга АҚШдан катта микдорда ёрдам олишга имкон берди.

1940 йилнинг сентябр ойида сиёсий ва ҳарбий иқтисодий иттифоқ тўғрисида Германия, Италия ва Япония ўртасидаги Учликлар пакти имзоланди.

Шу вақт ичиди ҳарбий амаллар Африкада ва Ўртаер денгизи худудида олиб борилди. Италия қўшинларини Шимолий–Шарқий Африкадаги Британия армиясидан мағлубияти Германияни Ливияга экспедицион армиясини ташлашга мажбур қилди. Немис қўшинлари Италия қўшинлари билан биргаликда 1941 йил марта британияликларни Миср сарҳади томон чекинишга мажбур қилди.

1941 йил апрелига келиб Германия Югославия ва Шарқий Европа устидан ўз назоратини ўрнатди. Руминия, Венгрия, Югославия ва Греция ҳам босиб олинган эди. Немис қўшинлари киритилган Болгария ҳам 1941 йилнинг март ойида учлик пактига киритилган эди. Шундай қилиб, СССРга хужум қилиш учун майдон (плацдарм) бунёд этилган эди. 1941 йил 22 июнда хужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани бузган ҳолда Германия уруш эълон қилмасдан туриб СССРга ҳамла қилди.

Қуролли кучларидаги қайта қуриш охирига етказилмаганлиги ва дағал хатоларга йўл қўйилганлиги, армиянинг қўмондон таркибидаги оммавий жазо чоралар, Германия билан тузилган шартнома баҳосини ошириб юборилганлиги, урушнинг биринчи йилларида СССРни деярли мағлуб ҳолатга олиб келди.

Лекин, катта ички имкониятларни ишга солиши баҳоси эвазига СССР урушда бурилиш ясашга муваффак бўлди. Бутун уруш жараёнида Совет – Герман фронти асосий ва ҳал қилувчи фронт эди.

Совет – герман фронтида бўлиб ўтган бир қатор йирик жангларда (Москва остонасидағи жанг, Ленинград камали, Сталинград жанг, Курск жангига ва б.) немис қўшинлари қақшатгич зарбага дучор бўлдилар. Аслида, ушбу жангларда Германиянинг ҳарбий машинаси тор–мор қилинган эди ва уруш натижаси олдиндан аён бўлди.

Германиянинг СССРга хужуми бошланганидан сўнг давлатларнинг аксилгитлер каолицияси шаклана бошланди. СССР, АҚШ ва Буюкбритания ташкил қилган бундай каолиция асосини 1942 йилнинг июнига келиб узил–кесил шаклланди.

1943 йил ёзидаги немис қўшинларини Курсқдаги қақшатгич мағлубияти ва шу йилнинг сентябр ойида Италияни урушда бой бериши англо–америка қўшинлари томонидан Сицилияни қўлга олиниши ва уларни Атлантин ярим оролига кириб бориши фашист – ҳарбий блокини барбод бўлишини бошланниши эди.

Асосий жанглар Европа қитъасида бўлган бўлса–да ҳарбий амаллар Африка, Осиё ва Тинч океанида ҳам бошланган эди.

1941 йил 7 декабрида Япон ҳаво кучлари томонидан АҚШнинг Пёрл- харбордаги (Гавай ороллари) ҳарбий денгиз базасига ёпирилган ўқ узилди. Жанубий – Шарқий Осиёда Япония жуда кенг хужумларни бошлаб юборди.

1942 йилнинг май ойига келиб, япон қўшинлари Тинч океанининг кўп сонли оролларида жойлашган АҚШ ва Англияning ҳарбий – денгиз базаларини босиб олди. Жанубий - Фарбий Хитой ва Шарқий Хиндистон ҳам босиб олинган эди.

Лекин, 1942 йил май – июн ойидаги жанглар натижасида АҚШ Японияга қатор тор – мор қилувчи зарбалар беришга эришди. Японияning ҳарбий – денгиз қудрати заифлашди ва у Тинч Океани хавзасида мудофаага ўтишга мажбур бўлди.

Немисларнинг асосий кучларини совет – герман фронтига тортилиши, 1942 йилнинг октябринда британ қўшинларига Африкада хужумга ўтишга имконият берди. Яқин Шарқ мамлакталарига қаратилган таҳди迪 йўқ қилинди. 1943 йилнинг май ойида шимолий Африкадаги итало – герман қўшинлари тўла таслим бўлдилар.

АҚШ, СССР ва Англия ҳукumat бошлиқларининг Техрон конференцияси вақтида (28 ноябр – 1 декабр 1943 й) фарбий Европада, Францияда иккинчи фронт очиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Лекин иттифоқдошлар қўшинларини туриши бир неча бор кечикирилган эди.

1944 йилнинг биринчи ярмида совет қўшинлари қатор йирик ҳарбий операцияларни амалга оширдилар. Бундан кейин иккинчи фронтни очишни кечикирилиши мумкин бўлмай қолди. 1944 йилнинг 6 июня иттифоқдош англо – америка қўшинлари Нормандияга (Франция) бориб тушдилар ва аста – секинлик билан шарққа қараб юрдилар. 1944 йил охирига келиб, иттифоқдошлар Франция, Бельгия ва Марказий Италиядан немис қўшинларини хайдаб чиқардилар.

1944 йилнинг иккинчи ярми 1945 йил бошларида жанубий–шарқий ва марказий Европа мамлакатлари совет қўшинлари томонидан озод этдилар.

Германия ўз иттифоқдошлари Руминия, Болгария, Финляндия ва Венгриядан ажралди – улар курсов ҳолатида эди. 1945 йил феврал охиридан ҳарбий амаллар Германия худудига кўчирилди.

1945 йил, 4-11 февралда Кримда (Ялта) уч буюк давлатлар бошлиқларининг СССР, АҚШ ва Буюкбритания конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда иттифоқдошларнинг кейинги ҳарбий амаллари тартибга солинди, таслим бўлганидан кейин Германия устидан назорат усуллари ва шакллари белгилаб олинди. СССР Германия таслим бўлганидан сўнг 2-3 ойдан кейин Япония билан уруш бошлаш шартларини ўз зиммасига олди.

Уч давлат қарорига кўра, 1945 йил 25 апрелда Сан – Францискода очилган конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) таъсис этилди. Умумий тинчликни қўллаб - қувватлаш борасида бош маъсулият хавфсизлик Кенгашига юкланди.

1945 йил апрелида Совет армияси Берлинга қатъий ҳужумни бошлади. Фарбдан эса англо – америка қўшинлари хамлани бошладилар.

1945 йили, 25 апрелда Эльба дарёсида, Торгау шахри ёнида иттифоқдош қўшинларининг учрашуви бўлиб ўтди. 1945 йил 29 апрелда Шимолий Италиядан немис қўшинларининг қолдиғи таслим бўлди. «Сало республикаси» барбод қилиниб, Муссолини эса партизанлар томонидан отиб ташланди. Германия пойтахтини курсовга олиб, совет қўшинлари 2 май куни ҳужум билан Берлинни қўлга киритдилар. 1945 йил 8 май куни Германия қўмондонлиги шартсиз таслим бўлиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди.

Германия қўшинларининг бир қисми Прага ҳудудида қўзғолончиларга қарши ҳарбий амалларни давом эттириди, лекин совет қўшинларининг тез суръат билан қилган зарбалари туфайли улар тор – мор этилди. 1945 йил 9 майда Прага озод этилди. Европада ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилди.

1945 йил 17 июнядан то 2 авгуастга қадар Берлин атрофида Потсдам деган шаҳарчада СССР, АҚШ ва Буюкбритания раҳбарларининг учинчи конференцияси бўлиб ўтди. Потсдам конференцияси дунёни урушдан кейинги тартиботига бағишлиланган эди. Конференция ишининг марказида Германияга нисбатан сиёсат масаласи эди. Иттифоқдошлар Германияни тўла куролсизлантириш, ҳарбийсизлантириш, фашист партиясини йўқ қилиш, бош ҳарбий жиноятларни судга бериш, Германияда сўз, ахборот ва дин эркинлигини, эркин касаба уюшмаларини ҳамда демократик партияларнинг фаолиятини тиклашга қарор қилдилар.

1945 йил мартада англо – америка қўшинлари Жанубий – Шарқий Осиё ва Тинч океани хавзасида Японияга қарши муваффақиятли ҳаракатларни амалга ошириди. СССР ўз зиммасига олган мажбуриятларига асосан 1945 йил 9 авгуастда Японияга қарши урушга кирди. Совет

күшинларининг Монголия қуролли кучлари билан биргаликда кучли зарбаси натижасида Квантун армияси тор – мор қилинди. Шимолий – Шаркий Хитой, Шимолий Корея, Жанубий Сахалин ва Курил ороллари Япон қүшинларидан озод қилинди.

6 ва 9 август кунлари америка авиацияси Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаларини ташлади. Ядро қуролини ишлатиш ҳарбий заруриятдан келиб чиқмаган эди, чунки Япониянинг ҳарбий машинаси барбод бўлган эди.

1945 йил 2 сентябр куни Токио кўрфазида «Миссури» деб номланган америка линкори бортида Япония урушда мағлубиятга учраганлиги тўғрисидаги АҚТни имзолади. Шундай қилиб иккинчи жаҳон уруши якун топди.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг оғир ва энг қонли уруш бўлди. У XX аср тарихида кескин бурилиш ясаган даврга айланди.

Урушнинг асосий натижаси – фашизм устидан ўрнатилган ғалаба эди. Уруш жараёнида колониал тизимининг барбод бўлиши бошланди. СССРнинг обрўйи ниҳоятда ошиб кетди. Буюк давлатлардан фақат АҚШ урушдан эътиборли даражада қудратли бўлиб чиқди. Иккинчи жаҳон уруши натижасида халқаро сиёсатида кучларнинг нисбати кескин ўзгарди.

Назорат топшириклари: (ёзма ёки оғзаки назорат учун)

- 1.2 жаҳон урушининг бошланиш қисмини шархлаб беринг
- 2.2 жаҳон уруши жараёнида африкадаги ҳарбий ҳаракатларни тахлил қилинг
- 3.Аксилгитлер каолицияси таркибини изоҳлаб беринг
- 4.Техрон ва Ялта конференциялари ишини ёритиб беринг
- 5.Потсдам конференциясининг асосий моҳиятини таҳлил қилинг
- 6.Аксилгитлер каолициясини Германия устидан ғалабасининг асосий омилларини шархлаб беринг
7. Нима учун иккинчи жаҳон уруши ҳам айнан Европада ва айнан Германия томонидан бошланди?
8. Германиянинг қудратли ҳарбий имкониятлари нима учун барбод бўлди?

Тест топшириклари:

1.Иккинчи жаҳон уруши қачон бошланди?

- A. 1939 йил 1 октябрда
- B. 1940 йил 1 октябрда
- C. 1941 йил 22 июня
- D. 1939 йил 1 сентябрда

2.«Керзон» чизиги қачон белгиланган эди?

- A. 1920 йили
- B. 1917 йили
- C. 1918 йили
- D. 1919 йили

3.Совет – финн уруши қачон бўлган?

- A. 1938-1939 йилларда
- B. 1940-1941 йилларда
- C. 1939-1941 йилларда
- D. 1939-1940 йилларда

4.1940 йилнинг сентябрида қайси давлатлар ўртасида учлик пакти имзоланди?

- A. Германия, Италия ва Япония
- B. Франция, Германия ва Италия
- C. АҚШ, Франция ва Россия
- D. Польша, Финляндия ва Германия

5.Пёрл – Харборга хужум қачон бошланди?

- А. 7 декабрь, 1941 йили
- В. 8 ноябрь, 1941 йили
- С. 9 декабрь, 1941 йили
- Д. 7 январь, 1942 йили

6.28 ноябрь – 1 декабрь 1943 йили қайси конференция бўлиб ўтди.

- А. Ялта
- Б. Техрон
- С. Потсдам
- Д. Лондон

7.БМТ қачон ва қаерда ташкил топди?

- А. 25 апрел, 1945 йил Вашингтон
- В. 26 май, 1946 йил Нью-Йорк
- С. 25 апрел, 1945 йил Сан-Франциско
- Д. 27 апрел, 1945 йил Лондон

8.Германиянинг капитуляцияси қачон имзоланди?

- А. 9 май, 1945 йил
- В. 8 май, 1945 йил
- С. 8 май, 1946 йил
- Д. 9 май, 1946 йил

9.Япониянинг капитуляцияси қачон имзоланди?

- А. 1946 йил 2 октябрда
- В. 1945 йил 3 ноября
- С. 1946 йил 2 сентябрда
- Д. 1945 йил 2 сентябрда

10. Европада ҳарбий ҳаракатлар қачон тугади? (II жаҳон уруши даврида)

- А. 8 май 1945 йил
- В. 9 май 1945 йил
- С. 9 май 1946 йил
- Д. 10 май 1946 йил

Мавзу бўйича асосий якунлар:

- 1.Аксилгитлер каолициясини шаклланиши ва оқибатлари
- 2.Германияни мағлубияти ва Техрон, Ялта ҳамда Потсдам конференциялари шартлари ва қарорлари.
- 3.Аксилгитлер каолициясига кирган давлатларнинг халқаро майдонда мавқенини ўсиб бориши.

Мавзу бўйича ўз ечимини кутаётган илмий муаммолар

- 1.Иккинчи фронтни ўз вақтида очилмаслик муаммоси?
- 2.Икинчи жаҳон уруши давридан кейин собиқ аксилгитлер каолицияси аъзоларининг асл мақсади?

10- мавзу: Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро муносабатлар (1945-1990-нчи йиллар)

Ажратилган вақт 2 – соат

Асосий саволлар:

- 1.Урушдан кейин тинчликни таъминлаш муаммолари
- 2.«Совуқ уруш» муаммоси

3.Халқаро муносабатлар 80-90 йилларда

Мавзуга оид таянч түшүнчөвөрөлдөр:

Париж сулх конференцияси. Германияни бўлиниши. «Совуқ уруш». «Трумэн доктринаси». «Маршалл плани». НАТО. Ҳарбий – сиёсий блоклар. «Варшава шартномаси». «Кўшимаслик ҳаракати». «Янгича фикрлаш» сиёсати. ЕХХТ (ОБСЕ). Совет – америка муносабатларида илиғлик. Германияни бирлашиши. СССРни барбод бўлиши. МДХ (СНГ).

Мавзуга оид муаммолар:

- 1.Дунё тарихида «Совуқ уруш» сиёсати даврини қандай баҳолайсиз?
- 2.Ўта ривожланган давлатларнинг стратегик мақсадларининг асл моҳияти нималардан иборат?

Идентив ўқув мақсадлари:

Урушдан кейинги даврда стратегик муаммоларни ёритиб бериш

«Икки дунё, икки ғоя» түшүнчесини таҳлил қилиш.

СССРни барбод бўлиши ва халқаро муносабатлардаги глобал ўзгаришларни шарҳлаб бериш.

Мавзунинг баёни:

Потсдам конференциясида Германиянинг Собиқ иттифоқдошлари билан тинчлик шартномалари лойихасини тайёрлайдиган ташқи ишлар вазирлари Кенгаши тузилган эди. Бундай шартномалар 1947 йили 10 февралда Болгария, Венгрия, Италия, Руминия ва Финляндия билан имзоланган эди.

Париж тинчлик конференциясидан бошлаб (июль-октябр 1946й) урушдан кейинги тартиботнинг муҳим масалалари бўйича СССР ва Фарб давлатлари ўртасида келишмовчиликлар намоён бўла бошлади.

Герман муаммосини тартибга солишда пайдо бўлган зиддиятларни чуқурлашиши Германияни турли ижтимоий тизимли икки давлатга (1949й) бўлинишига олиб келди.

Собиқ иттифоқдошлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ёмонлашди ва ҳарбий – техник савдо – иқтисодий, сиёсий рақобат ва ўзаро кураш тусини олди. Бир тарафни ташқи сиёсий қадамлари ва амаллари, иккинчи томондан унинг хавфсизлигига ва манфаатларига таҳдид сифатида қабул қилинар эди.

Шарқий Европа мамлакатларида социалистик йўналишдаги давлатлар устунлик қилиши билан, колониал мамлакатларда озодлик ҳаракатларини СССР томонидан қўллаб - қувватланиши, Фарбий Европада ва умуман дунёда кучларни анаънавий тақсимотини бузишга интилмокда деб СССРни айблашга ҳаракатлар бўлди.

Шу вақтнинг ўзида американинг Фултон шаҳрида (март 1946й) У. Черчилльнинг нутқи СССРда очиқдан – очиқ «Совуқ уруш» сиёсатини эълон қилиш маъносида қабул қилинди.

Атом қуролига вақтнинг монополия 1947 йилнинг март ойида эълон қилинган «Трумен доктринаси», «Маршалл плани» ни амалга ошириш СССР ва унинг иттифоқдошлари томонидан уларнинг хавфсизлигига таҳдид ва Европа давлатларининг ички ишларига аралашув сифатида қаралди.

Дунё икки қарама - қарши лагерга социалистик ва капиталистик лагерга бўлиниб кетди, ҳамда улар ўртасида муросасиз кураш бошланиб кетди.

Фарб эса блоклар стратегиясини, ва СССРни ҳарбий базалар билан қуршаб олиш сиёсатини ўзига дастур ал-амал қилиб олди. 1949 йили Шимолий атлантик келишуви ташкилоти НАТО ташкил этилди ва ушбу ташкилот таркибида АҚШ ва «Маршалл режаси» да иштирок этган кўпчилик мамлакатлар бор эди.

50-нчи йилларда блоклар стратегияси Осиё ва Тинч океани хавзасига ёйилди. АНЗЮС, СЕАТО, СЕНТО каби ҳарбий – сиёсий гурухлар пайдо бўлди.

Фарбнинг ушбу сиёсатига жавобан СССР ва Европанинг Марказий ҳамда Жанубий-Шарқий мамлакатлари 1955 йил май ойида Варшавада «Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам шартнома» сига имзо чекдилар. Шундай қилиб «социалистик йўналишдаги» мамлакатлар блоки таъсис этилган эди.

60-нчи йиллар бошларида буюк давлатлар ҳарбий – сиёсий иттифоқларига қўшилмаслик ҳаракати шаклланди. қўшилмаслик ҳаракатига бугун 116 давлат қўшилган. Дунё сиёсатида ушбу ҳаракат муҳим омилга айланди.

Фояйи тусга эга бўлган ҳарбий – сиёсий гурухларнинг барпо этилиши халқаро муносабатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Урушдан барча йирик ҳудудий тўқнашувларда кейинги йилларда бўлиб ўтган икки муроса қилаолмайдиган блоклар манфаатларининг курашини кўрамиз. Ўз моҳияти билан халқаро муносабатларни захарлайдиган «Соввук уруши» то 80-нчи йилларнинг иккинчи ярмигача давом этди. Ғарб ва шарқ ўртасидаги муносабатлар таранг холатда эди. Икки блокнинг қарама - қаршилиги айрим холатларда мушкул холатга тушиб қоларди, инсониятни ядро уруши қиррасига олиб келадиган хавфли халқаро инқирозга тушурап эди. Шундай даврлар бўлиб ўтди-ки, кескинлик бартараф этиларди (70-нчи йиллар) ва бу холат қуролланиш пойгасини чеклаш бўйича ўзаро манфаатларга мос келувчи шартномаларни имзолашга, турли блоклар давлатлари ўртасида ўзаро муносабатларни яхшилашга олиб келарди. Лекин, икки гурух раҳбарларининг ўйламай босган қадамлари ила муносабатлар яна ёмонлашар эди (70-нчи йилларнинг иккинчи ярми–80-нчи йилларни биринчи ярми) ва дунё кескин халқаро ҳолатни кучайишини яна кузатар эди.

Халқаро муносабатларнинг ҳарактерида 80-нчи йилларнинг иккинчи ярмида 90-нчи йилларнинг бошида кескин бурилиш ясалди. СССРда хокимиёт тепасига янги раҳбарларнинг келиши «янги фикрлаш» тамойиллари асосида совет ташқи сиёсатини кескин янгилаш имкониятлари пайдо бўлди.

Хавфсизлик барча жабҳаларни қамраб оловчи ҳарактерга эга бўлиб энг аввало сиёсий омиллар билан таъмин бўлиши эътироф этилди.

«Умумевропа уйи» гояси кенг жамоатчилик томонидан қўллаб - кувватланиб янада ривожланди. Эътиборли даражада ОБСЕ нинг (Европада хавфсизлик ва хамкорлик ташкилоти) роли ошди.

Бу даврда СССР ва АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатлар яхшиланди. Ҳар икки тараф бир – бирларига душман сифатида қарамас эди. Совет – америка ўзаро муносабатларнинг яхшиланиши натижасида ядрорий ва оддий қуролларини қисқартириш бўйича бир қатор муҳим шартномалар ва келишувлар имзоланди.

Бир қатор ҳудудий тўқнашув ва халқаро муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилиш борасида муҳим қадамлар амалга оширилди. 1990 йилдаги Германияни бирлашиши иккинчи жаҳон уруши якунларига нуқта кўйди.

СССРни барбод бўлиши ва МДХ ни (Мустақил Давлатлар Ҳамжамоаси) ташикл топиши, Марказий ва Жанубий – Шарқий Европа мамлакатларида янги тизимларни барпо этилиши, Варшава шартномасини тарқатиб юборилиши 90-нчи йилларда жаҳон геополитик ҳолатида йирик ўзгаришларни олиб келди.

Шунинг билан биргаликда халқаро тусга эга йирик муаммолар ҳам намоён бўлди: диний тўқнашувларнинг янги нуқталари пайдо бўлди (Ироқ, Туркия ва x); ядро қуролини тарқалиб кетмаслиги ва назорат қилиниши масалалари кескинлик пайдо бўлди (Эрон, Шимолий Корея ва x); халқаро жиноятчилик ва наркотикларни тарқатилишини ўсиши катта хавфлик тугдириши; терроризм халқаро ҳамжамиятининг энг оғриқ проблемасига айланди.

Ана шу шароитда, халқаро муносабатларнинг энг муҳимларини ҳал қилишда халқаро ҳамжамиятнинг ҳаракатларини бирлаштириш, БМТ и ролини кучайтириш лозимлиги кўриниб турибди.

Назорат топшириклари: (ёзма ёки оғзаки назорат учун)

- 1.Хозирги замонда дунёнинг геостратегик ҳолатини шарҳлаган бўлардингиз?
- 2.Шарқ ва Ғарб муаммоларни қандай тушунтира оласиз?
- 3.Афғонистон, Ироқ, Россия ва Европа муаммоларини қандай тахлил қиласиз?

Тест топшириклари:

- 1.Париж тинчлик конференцияси қачон бўлиб ўтган?
А. 27 июл – 13 октябр 1947 йил

В. 29 июл – 15 октябр 1946 йил
С. 28 июль – 14 октябр 1947 йил
Д. 30 июл – 16 октябр 1946 йил

2. «Совуқ уруш» сиёсатини У.Черчилль қачон ва қаерда очиқ эълон қилган?

- А. 6 март 1947 йил, Фултон
- В. 5 май 1946 йил, Брайтон
- С. 6 апрел 1947 йил. Лондон
- Д. 5 март 1946 йил, Фултон

3. НАТО ҳарбий – сиёсий блоки қачон ташкил топган?

- А. 1948 йилда
- В. 1949 йилда
- С. 1950 йилда
- Д. 1947 йилда

4. Қўшилмаслик ҳаракатининг биринчи конференцияси қачон ва қаерда ўтказилган?

- А. 1-6 сентябр, 1961 йил Коломбо
- В. 1-6 сентябр, 1961 йил, Белград
- С. 1-6 октябр, 1962 йил, Коломбо
- Д. 1-6 сентябр, 1962 йил, Белград

5. МДҲ (Мустақил Давлатлар Ҳамжамияти) қачон ва қаерда ташкил топди?

- А. 1992 йил 8 декабр, Михайловское
- В. 1991 йил 8 декабр, Беловежское Пуха
- С. 1993 йил 8 декабр, Киев
- Д. 1992 йил 8 ноябр, Москва

6. БМТ га нечта давлат аъзо бўлган?

- А. 191 давлат
- В. 192 давлат
- С. 193 давлат
- Д. 194 давлат

Мавзу бўйича асосий якунлар:

1. Халқаро муносабатларда «совуқ уруш» сиёсатининг салбий оқибатлари.
2. Ҳарбий – сиёсий блокларни барбод бўлиши (истисно НАТО), собиқ СССРни тарқатилиши ва МДҲ давлатларини пайдо бўлиши.

Мавзу бўйича ўз ечимини кутаётган илмий муаммолар.

1. Глобалашув сиёсатининг ижобий ва салбий томонлари таҳлил қилиш
2. Дунё миқёсида қуролсизлантириш муаммолари

11-мавзу: Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати (1991 – 2000 йиллар)

Ажратилган вақт – 2 соат

Асосий саволлар:

1. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари.
2. Ўзбекистон ва дунё мамлакатлари ҳамжамоаси.
3. Ўзбекистоннинг дипломатик алоқалари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

«Совуқ уруш» сиёсати. Ядро қуролига эга давлатлар. И.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Ташки сиёсат. Асосий тамойиллар БМТ. Йирик халқаро ташкилотлар ва Ўзбекистон. Дипломатик алоқалар. «6Қ2». МДҲ. Марказий Осиё Ҳамдўстлиги (МДҲ). «Марказий Осиё».

Мавзуга оид муаммолар

- 1.Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги ролини қандай кўрсатиб берасиз?
2. Мустақил Ўзбекистон ва ҳудудуий муаммоларнинг ечиш йўлларини қандай тасаввур қиласиз?

Идиентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги илк қадамларини кўрсатиб беради.
- 1.2. Ташки сиёсат тамойилларини тахлил қиласи.
- 1.3. Мустақил Ўзбекистонни БМТ ва йирик халқаро ташкилотлари билан ҳамкорлигини шархлади.

Мавзунинг баёни.

XXI начи асрга келиб ер юзидағи вазият ва кучлар нисбати кескин ўзгарди. Бугунги давр қандай хусусиятларга эга, инсоният ўз тараққиётининг қандай поғонасига кўтарили – деган саволлар ҳаммани ўйлантириши табиий. Ҳозирги кунда жаҳон тараққиётининг мазмуни тубдан ўзгарди; бир – бирига қарама - қарши бўлган СССР ва АҚШ еткачилик қилган икки ижтимоий – иқтисодий сиёсий тузум, икки ҳарбий – сиёсий блок мавжуд эди; дунёда «совуқ уруш» сиёсати ҳукмрон эди, инсоният ядро уруши ҳавфи остида эди.

ХХ аср 90-нчи йилларига келиб социалистик дунёниг еткачиси бўлган СССР тарқалиб кетди, социалистик тизим ҳалокатга учради.

Варшава шартномаси ташкилоти тарқалиб кетди, дунёда янги мустақил давлатлар вужудга келди. Шу жумладан, Ўзбекистон давлати ҳам бунёд этилди.

Халқаро муносабатларда жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй берган бўлса – да, тинчликка таҳдид солувчи ҳавф – хатарлар, зиддиятлар сакланиб қояпти.

Биринчидан, иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро муносабатлар тизимида мувозанатнинг бузилганлиги. Агар илгари кучлар икки жойда тўпланган бўлса, дунё икки қутбли бўлган бўлса, энди вазият ўзгари, дунё қўп қутбли бўлиб қолди. Назорат қилиш қийинлаши.

Иккинчидан, ривожланиши ҳар хил бўлган давлатлар ўртасида ижтимоий – иқтисодий нотенглик ва зиддиятлар янада ўси.

Учинчидан, қатор мамлакатларда ижтимоий осойишталикка қарши ҳавф – хатарлар ўсиб боряпти. Ахоли ўртасида мулкий тафовут кучайди, ишсизлик, қашшоқлик яна авж олмоқда. Ривожланган мамлакатлар ахолиси қолоқ сайёрамиз ресурсларини 20 марта кўп истеъмол қилмоқда.

Тўртинчидан, бир қатор минатақаларда ҳатто бир мамлакат фуқоролари ўртасида миллий – этник ва диний низолар келиб чиқиб можароларга қонли урушларга айланмоқда (Ироқ, Афғонистон ва б). Бугун дунёда қарийиб 50 млн.дан ортиқроқ қочоқ бор ва ҳакоза

Бешинчидан, умумий минтақавий ва миллий ҳавфсизликка диний экстремизм ва фундаментализм ҳам таҳдид солмоқда.

Олтинчидан, айрим давлатлардаги сиёсий кучлар томонидан юритилаётган буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик сиёсати ҳам ҳавф солмоқда.

Еттинчидан, «Совуқ уруш» сиёсатига чек қўйилиши натижасида ялпи ядро уруши ҳавфи камайган бўлса – да, турдаги оммавий қирғин қуролининг кўп миқдорда сақланаётганлиги, бундай қуролга эга бўлаётган давлатлар (Эрон, Шимолий Корея, Бразилия, Исроил ва б.) сафининг ортиб бориши дунё аҳлини ташвишга солмоқда.

Саккинчидан, жаҳон миқёсида атроф – муҳитнинг ифлюсланганлиги, носоғлом экологик вазият. Тобора кучайиб бораётган коррупция, уюшган жиноятчилик, экстремизм, террорчилик, гиёҳвандлик, қурол–аслаҳа контрабандаси буларни ҳаммаси таҳдид солувчи омиллар ҳисобланади.

Мана шундай мураккаб вазиятда Мустақил Ўзбекистон ўзининг ташки сиёсатини белиглаб олиши керак эди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган пухта ташки сиёсий йўлни белгилаш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий – техникавий, дипломатик, маданий ва бошқа кўринишдаги алоқалар ўрнатиш масалалари ўта долзарб вазифа бўлиб турар эди.

Иттифоқ даврида ташки сиёсат юритиш, чет давлатлар билан алоқа қилиш, ташки савдони ташкил этиш ва бошқалар марказий ҳокимият томонидан олиб бориларди. Шунинг учун ҳам давлатимиз ташки сиёсат юритиш тажрибасига ҳам жаҳон дипломатияси ва ташки иқтисодий фаолиятини биладиган кадрларга ҳам эга эмас эди. Бундай кадрлар тайёрловчи бирорта ҳам ўкув юрти йўқ эди.

Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ва бошқа асарларида мустақил ташки сиёсат юритиш қоидаларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IV боби «Ташки сиёсат» деб номланади ва 17 моддада бу борада қўйдагилар ёзилиб қўйилган «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро хукуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидлари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажralиб чиқиши мумкин».

Ўзбекистонни халқаро хукуқ субъекти сифатида белгилайдиган, республиканинг ташки сиёсий ва ташки иқтисодий алоқаларини тартибга соладиган қонунлар қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида» ги, «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида» ги ва бошқа қонунлар ҳамда норматив хужжатлар ана шулар жумласидандир.

Буларнинг барчаси фаол ва кенг кўламли ҳамкорлик учун хукукий кафолат яратиб берди.

Халқаро хукуқ нормаларининг ички қонунлардан устунлиги республика қонунчилик фаолиятида ўз ифодасини топмоқда.

Биринчисидан, республика қонунлари халқаро хукуқ нормаларига доимо мувофиқлаштирилмоқда ва яқинлаштирилмоқда. Иккинчидан, давлатимиз халқаро нормаларнинг бажарилишини кафолатлайдиган ҳамма мажбуриятларини ўз зиммасига олган.

Ўзбекистон дунё учун очик мамлакат бўлиб, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қиласди.

Булардан ташқари, ташки алоқаларнинг барча соҳалари бўйича турли вазирликлар, муассасалар, идоралар ташкил этилган.

- Ташки ишлар вазирлиги,
- Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги,
- Ташки иқтисодий фаолият миллий банки,
- Ихтисослаштирилган ташки савдо фирмалар,
- Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети,
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, ва бошқалар.

Ўзбекистон ташки сиёсий ва ташки иқтисодий йўлни белгилашда жаҳон тажрибасидан фойдаланилди, мамлакатмиз, халқимиз хусусиятлари ва манфаатлари ҳисобга олинди.

Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

1. Мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик.
2. Давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш.
3. Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

4. Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш.
5. Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик.
6. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш.
7. Ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги.
8. Давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга кириши ва улардан ажралиб чиқиш.
9. Тажавузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик.
10. Давлатлараро алоқаларда teng ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги.
11. Ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоклашмаслик.

Давлатимиз ўзининг ташқи сиёсатида юқоридаги тамойилларга тўла амал қилиб келмоқда. 1992 йил 2 марта Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида биринчи бор халқаро ҳамжамиятнинг teng ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) аъзолигига қабул қилинди. 1993 йил феврал ойида Тошкентда БМТ ваколатхонаси таъсиси этилиб, иш бошлади.

Бугунги кунда БМТ нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси республикада БМТнинг тараққиёт дастури, саноат тараққиёти дастури, қочоқлар иши бўйича вакиллари Олий комиссари, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, аҳоли жойлашиш жамғармаси, наркортикларни назорат қилиш бўйича дастур, болалар жамғармаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибида бирлаштиради.

Бундан ташқари Ўзбекистон қуйидаги йирик халқаро ташкилотларига ҳам аъзо:

- Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия (БМТ);
- Халқаро тижорат ҳуқуқи комиссияси (БМТ);
- Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилот (ЮНЕСКО);
- Евropa учун иқтисодий комиссияси (БМТ);
- Интеллектуал хусусийлик бўйича умумжаҳон ташкилоти;
- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти;
- Халқаро меҳнат ташкилоти;
- Фуқароли авиацияси халқаро ташкилоти;
- Жаҳон почта иттифоқи;
- Халқаро электроалоқа иттифоқи;
- Халқаро тижорат маркази;
- Жаҳон қайта тиклаш ва ривожланиш банки;
- Халқаро валюта фонди;
- Осиё тараққиёт банки;
- Жаҳон божхона ташкилоти;
- Ислом тараққиёт банки;
- Ислом конференцияси ташкилоти;
- Пахта бўйича халқаро консультатив қўмита;
- Озиқ - овқат қишлоқ ҳўялиги ташкилоти ва бошқалар.

Давлатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳонда мустақил давлат сифатида тан олинишини таъминлади.

Бугунга келиб, Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида дунё мамлакатларининг 182 таси тан олди ва 142 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. (ракамлар кўпайиш томонга ўзгариб боради). Республикамизда 43 давлатнинг элчихоналари аккредитация қилинган, 19 давлат элчилари ўриндошлик кўринишида иш олиб бормоқда. Бундан ташқари 88 чет эл ваколатхонаси, 24 халқаро 9 нодавлат ташкилотлари иш олиб бормоқда.

Булардан ташқари Ўзбекистон Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига (июнь, 2001 йил), ЕврАЗЭСга (25 январ, 2006 йил) Ўзбекистон билан Россия ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартномга (июнь, 2004 йил), Ўзбекистон ва Россия ўртасида иттифоқчилик муносабатлари шартномасига (15 ноябр, 2005 йил),

Халқаро майдонда Ўзбекистон ўзининг кенг аҳамият касб этган ташабbusлари билан чиқмоқда. Масалан Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш, Афғонистон атрофидағи муаммони ҳал қилиш, наркобизнес ва наркотрафик халқаро терроризм ва экстремизмга қарши кураш масалалари ва бошқалар.

1998 йили Ўзбекистон президенти И.Каримов таклифи билан Тошкентда «6К2» формуласи бўйича (Эрон, Покистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Хитой, Тожикистон шунингдек, Россия ва АҚШ) учрашув ўтказилди, унда Афғонистоннинг қарама - қарши турган кучлари вакиллари иштирок этди. Учрашувда мамлакатга қурол- яроғ олиб киришни тўхтатиш фояси маъқулланди.

Ўзбекистоннинг ташки сиёсатида унинг МДҲ давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликлари алоҳида ўрин эгаллайди. МДҲ олдида турган муаммоларни ечиш учун ҳамдўстлик мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари тез-тез учрашиб, муҳим хужжатлар ва тадбирлар ишлаб чиқадилар.

МДҲ доирасида Марказий Осиёдаги ҳамсоя давлатлар Қозогистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон билан ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланиб бормоқда.

1993 йилнинг январида Президент И.Каримов ташабbusи билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви ташкил этилди. Олий даражадаги бу учрашувда Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди. Беш давлат раҳбарлари Ҳамдўстлик ҳақидаги битмга имзо чекишиди. Шу тариқа жаҳон сиёсий лексиконида «Марказий Осиё» деган янги атама пайдо бўлди.

Шимолий ва Жанубий Америка Европа Яқин ва Ўрта Шарқ, Жанубий – Шарқий Осиё, Африка ҳамда Араб мамлакатлари билан давлатлараро муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантиришга интилиш Ўзбекистон ташки сиёсатининг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун Мустақил Ўзбекистон дунёнинг барча мамлакатлари билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Халқаро муносабатларда ўзининг сўзи, ўрни, салоҳияти, обрў-эътибори бор.

Назорат топшириқлари (ёзма ёки оғзаки назорат учун)

«Совуқ уруш» сиёсатини тушунтириб беринг.

XX аср охириларида тинчликка таҳдид солувчи зиддиятларни шархлаб беринг.

Ўзбекистон Республикаси Конститутциясида ташки сиёсат борасида нималар таъкидланган?

Мустақил Ўзбекистонда ташки сиёсий ва иқтисодий алоқаларни тартибга солувчи қандай қонунлар қаубл қилинган?

Ўзбекистон ташки алоқа соҳалари бўйича қандай ташкилот ва муассасалар фаолият кўрсатади?

Ўзбекистон ташки сиёсатининг асосий тамойилларини таҳлил қилиб беринг?

Мустақил Ўзбекистон қайси йирик халқаро ташкилотларга аъзо ҳисобланади?

Мустақил Ўзбекистон халқаро майдонда қандай ташабbusлар билан чиққан, шархлаб беринг?

Мустақил Ўзбекистонни МДҲ давлатлари билан ҳамкорлигини таҳлил қилинг?

Ўзбекистон ташки сиёсатининг асосий тамойиллари қайси тушунчалардан иборат?

Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги ташабbusлари нималардан иборат?

Тест топшириқлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг қайси бобида қайси банди «Ташки сиёсат» номини олган.

- A. V боби, 16 моддаси
- B. IV боби, 17 моддаси
- C. VI боби, 16 моддаси
- D. VII боби, 17 моддаси

2. Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг асосий тамойиллари неча банддан иборат?

- A. 8 банддан
- B. 9 банддан
- C. 10 банддан
- D. 11 банддан

3. Ўзбекистон ва Россия ўртасида иттифоқчилик муносабатлари шартномасига Ўзбекистон қачон аъзо бўлди?

- А. 15 ноябр, 2005 йил.
- В 15 сентябр, 2006 йил
- С. 15 ноябр, 2004 йил
- Д. 15 октябр 2005 йил

4. Ўзбекистон ЕврАЗ ЭСга қачон аъзо бўлди?

- А. 24 январ 2006 йил
- В. 25 январ 2006 йил
- С. 25 январ 2005 йил
- Д. 26 январ 2006 йил

5. К2 формуласи бўйича учрашув қачон ва қаерда бўлиб ўтди?

- А. 1996 йил, Дехли.
- В. 1997 йил, Кобул
- С. 1998 йил, Тошкентда
- Д. 1999 йил, Лондон

6. «Марказий Осиё» деган янги атама қачон пайдо бўлди?

- А. январ, 1992 йил
- В. январ, 1993 йил
- С. феврал, 1992 йил
- Д. март, 1993 йил

7. Тошкентда БМТ ваколатхонаси қачон таъсис этилган?

- А. 1992 йил, феврал
- В. 1993 йил, феврал
- С. 1994 йил, феврал
- Д. 1995 йил, январ

8. «Минг йиллик саммит» қачон ва қаерда бўлиб ўтди?

- А. 1995 йил 6-8 август, Лондон
- В. 1999 йил 6-8 ноябр, Париж
- С. 2000 йил, 6-8 ноябр, Нью-Йорк
- Д. 2001 йил, 6-8 октябр, Вашингтон

Мавзу бўйича асосий якунлар:

Азалий мустақиллик ғоялари қайта тикланди ва амалда ривожланиб бормоқда

Мустақил Ўзбекистон ўз ташки сиёсатининг тамойиллари эга ва дунё давлатлари ҳамжамоалигига ўз ўрнини эгаллади.

Мавзу бўйича ўз ечимини кутаётган илмий мұаммолар:

- 1. Мустақил Ўзбекистонни Латин Америкаси мамлакатлари билан ҳамкорлигини ўрганиш
- 2. МДҲ давлатлари ўртасида имзоланган шартнома ва келишувларнинг самарасини ўрганиш.

12-мавзу: Амалий дипломатия Ажратилган вақт – 4 соат

Асосий саволлар:

- 1. «Дипломатия» тушунчасига изоҳ.
- 2. Халқаро муносабатлар нормалари

3. Ўзбекистон ташқи ишлар тузилмаси

4. Амалий дипломатия

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Дипломатия. Дипломатия шакллари. Халқаро муносабатлар типлари. Вена конгресси. Аахен протоколи. ТИВ тизими. ТИВ ташқи органлари. Элчихоналар. Миссиялар. Консулликлар. Расман тан олиш. Де-факто. Де-юре. Агрeman. «Персона нон грата». Дипкорпус. Дуайн. Протокол қоидалари. Дипломатик даражалар. Дипломатик мартабалар (унвонлар). Вербал нота. Шахсий нота. Меморандум.

Мавзуга оид муаммолар.

1. Амалий дипломатия қандай шаклланди?
2. Мустақил Ўзбекистон дипломатияси қандай ривожланмоқда?

Мавзу юзасидан дарс мақсади:

Амалий дипломатия тўғрисида тўла тушунча бериб талабаларда ушбу мавзу борасида кенг ва чуқур тасаввур қолдириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. «Дипломатия» тушунчасини изохлаб беради.
2. Халқаро муносабатлар тизимини таҳлил қиласди.
3. Мустақил Ўзбекистон дипломатиясини ривожланиш жараёнини кўрсатиб беради.

Мавзунинг баёни:

Дипломатия ва дипломатик хизмат.

Дипломатик хизмат давлат хизматининг муайян тури бўлиб, у ўз хусусиятларига кўра давлат хизматининг бошқа турларидан фарқ қиласди.

Халқаро хаёт билан боғлиқ воқеалар ўрганилар экан, ташқи сиёсат, дипломатия, дипломатик хизмат тушунчалари қўлланилади.

Дипломатия (франц. *diplomat*) – давлатларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, чет элда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги расмий фаолияти.

«Дипломатия» термини юнон тилидаги «икки букилган қоғоз» сўзидан олинган. Қадимги Юнонистон ва Римда таҳтакач муқова ичига солинган хат элчиларга улар ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрлиғи ёки ҳужжат сифатида тақдим этилган.

Таникли инглиз дипломати ва олим Г. Никольсон таъкидлаганидек «дипломатия» атамаси сўзлашув тилида бир қатор турли – туман маъноларни англатиш учун хизмат қиласди. Баъзан у «ташқи сиёсат» нинг синоними сифатида қўлланади.

Бошқа бир инглиз дипломатиясининг арбоби Э. Сатоу шундай дейди: «дипломатия» - суверен давлатлар ҳужжатлари ўртасида расмий алоқалар олиб боришда ақл-идрок ва мулозаматни қўллай олишдир».

Таникли немис халқаро ҳуқуқшуноси Г. Мартенс «дипломатия» атамасига қуйидагича таъриф берган: «Дипломатия кенг маънода – давлатнинг ташқи алоқалари ёки ташқи ишлари ҳакидаги фандир, тор маънода эса – музокаралар фани ёки санъатидир». Жамият тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, ижтимоий – иқтисодий формациялар ўзгариши билан давлатлар, уларнинг ташқи сиёсати ва дипломатия шакллари ҳам ўзгаради.

Барча давлатларнинг ташқи сиёсати унинг ички сиёсати давоми бўлиб, давлат миллий сиёсий манбаатлари билан белгиланади.

Дипломатия ва дипломтик хизмат давлатларнинг халқаро муносабатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг биринчисиз иккинчисининг моҳиятини тушуниш қийин.

Ҳозирги пайтда халқаро муносабатларнинг тўрт типи аниқланган:

1. Турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг тинч тотувлик билан яшаш;
2. Бир хил ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатлар;
3. Мустақил ривожланиш йўлидан бораётган янги давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатлар;
4. Мусулмон монархистик давлатларнинг ўзаро халқаро муносабатлари;

Дипломатик амалиётининг халқаро хуқуқий нормалари, дипломатик вакилларнинг вазифаси ва хуқуqlари 1815 йилдаги Вена конгрессида биринчи мартда дипломатик вакилларнинг мартаба табақалари ва уларнинг иш тартиби аниқ ва тушунарли қилиб белгиланди. Ундан сўнг 1818 йилдаги Аахен протоколи дипломатик вакилларнинг хукуқ ва вазифалари хусусидан аниқлик киритди.

Бу икки хужжат моҳиятига кўра ҳозирги кунда ҳам дипломатик вакилларга ягона дипломатик мартаба беришда дунёнинг барча давлатларида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хорижий давлатларнинг доимий дипломатик вакиллари XVI асрдан бошлаб пайдо бўлганига қарамай, факат XVIII – XIX асрларга келиб доимий дипломатик корпус вужудга келди.

Дипломатик хизмат алоҳида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хизмат фаолиятини ифодалайди.

Ташқи алоқалар давлат органларини жойлашиш ўрни ва фаолиятига кўра икки гурухга ажратиш мумкин:

- 1.Давлатлар ташқи алоқаларининг марказий органлари;
- 2.Давлат ташқи алоқаларининг чет элдаги органлари;

Давлат ташқи алоқаларининг марказий (ички) органлари гурухи ўз навбатида ҳарактери, вазифасини ва мавжудлигининг хуқуқий асосига кўра яна икки гурухга ажралади:

- а) давлатлар конститутциясига мувофиқ ташкил қилинган умумий сиёсий раҳбарлик органлари: бу органлар умумсиёсий вазифаларни бажаради; (дипломатик характерда)
- б) давлатнинг бошқа мамлакатлар билан маҳсус (иқтисодий, тармоқ, идоравий) алоқалари органлари. (дипломатик характерга эга эмас).

Ташқи алоқалар марказий органлари.

Ташқи алоқаларнинг конститутциявий ва сиёсий органлари ва мансабдор шахсларга қўйидагилар мансубдир:

- одатда мамлакат аҳолиси томонидан сайланадиган ҳокимиятнинг олий қонунчилик органлари;
- коллегиал ёки ёлғиз давлат бошлиғи;
- ҳукумат ва биринчи навбатда ҳукумат бошлиғи;
- ташқи ишлар вазири ва ташқи ишлар вазирлигининг марказий аппарати.

Ташқи ишлар вазирлиги

Ташқи ишлар вазирлиги бевосита ташқи сиёсатни амалга оширувичи асосий тизим ҳисобланади. Ташқи ишлар вазирлиги давлат ва ҳукуматнинг хориждаги ташқи алоқаларда доимий вакили ҳисобланади. Мамлакат ичida эса аккредитация қилинган, ташриф буюрган элчилар билан чет давлатларнинг вакиллари билан, муносабатларда, давлат номидан иш олиб боради.

Вазирлик давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш бўйича тезкор иш олиб боради. Мунтазам равишда ҳукуматга ташқи сиёсат масалалари бўйича ахборот ва таклифлар тайёрлайди. Бу соҳада қабул қилинган қарорларни амалга оширади.

Вазирлик чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналар (доимий ва муваққат) га раҳбарлик қиласи, ташқи сиёсат кадрларини тайёрлайди, ташқи сиёсат масалалари бўйича стратегик муаммоларни таҳлил қилишга раҳбарлик қиласи ва ташқи сиёсат ишларини ўрганади.

Ташқи алоқаларнинг хорижий органларини икки тоифага ажратиш мумкин:

- 1)Доимий;**
- 2)муваққат органлар.**

Доимий органлар – элчихоналар, миссиялар ва халқаро ташкилотлардаги ваколатхоналар, алоҳида вакиллар, кузатувчилар ва х.

Доимий хорижий органлари ўз фаолияти нүқтаи – назаридан дипломатик органлар сифатида баҳоланади (элчихоналар, БМТ қошидаги миссиялар) ва х. Консулликлар дипломатик ваколатхона ҳисобланмайды. Улар дипломатик паспортта эга эмас. Юқоридаги ваколатхоналар доимий ёки муваққат характерда бўлиши мумкин.

Ташки ишлар вазирлиги марказий аппаратининг муҳим тизими дипломатик раҳбарлик нүқтаи – назаридан оператив дипломатик бўлимлардан иборат.

Территориал (худудий)

- Европа мамлакатлари бошқармаси
- Осиё ва Тинч океани давлатлари бошқармаси
- Америка бошқармаси
- Осиё ва Африка мамлакатлари бошқармаси

Функционал (иш, хизмат)

- Давлат протоколи бошқармаси
- Консуллик бошқармаси
- Халқаро ташкилотлар бошқармаси
- «Жаҳон» ахборот агентлиги
- Шартнома – ҳуқуқ бошқармаси
- Матбуот бўлими
- Маданий алоқалар бўлими

Маъмурий бўлимлар

- Валюта бўлими
- Ҳисоб – китоб бўлими
- Ишлар бошқармаси
- Капитал қурилиш бошқармаси
- Моддий – таъминот бўлими

Элчихона ёки миссия муайян давлат томонидан хорижий давлат бошлиғи хузурида доимий ваколатхоналар сифатида ташкил этилади. Мазкур ваколатхоналар бошлиғи сифатида элчилар (элчихоналар учун), вакиллар (миссиялар учун) ёки муваққат ишлар вакиллари (ҳар иккаласи учун) фаолият кўрсатади.

Элчихона ўз мақомига кўра олий дипломатик ваколатхона саналади ва уни ташкил этилиши муайян давлат билан олий даражадаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигини билдиради.

Ҳар бир элчихона ёки миссия ўзи жойлашган мамлакатда рўй бераётган воқеаларни мунтазам кузатиб боради.

Консулликлар фуқаролар ва савдо– сотик, мулкий – ҳуқуқий соҳадаги давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил қилинадиган ваколатхонадир. Паспорт, виза ва бошқа хужжатларни расмийлаштиради.

Давлатлар ўргасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш йўлида қўйилган биринчи қадам бошқа давлат томонидан муайян давлатнинг тан олиши ҳисобланади. Мазкур тан олиш икки шаклда бўлади:

- 1.де-факто – мазкур давлат ва ҳукуматнинг мавжудлигини тан олиш, бунда унинг юридик ҳуқуқлари истисно бўлади;
- 2.де-юре – унинг юридик ҳуқуқлари ва халқаро муносабатлардаги имтиёзларини биргаликда тан олиш;

Шудан сўнг дипломатик ваколатхонлар билан ўзаро айрбошлаш амалга оширилади.

- Элчи тайинлаш учун, тегишли агрeman (розилик олингач, давлат раҳбарининг фармони эълон қилинади. Сўнгра элчи давлат раҳбари имзолаган ишонч ёрлигини олиб ва тайинланган давлатга жўнайди. Аксарият холларда (протокол бўйича) ёрлиқни давлат бошлиғига топширади.
- Дипломатик вакил қуйидаги холатларда ўз фаолиятини тўхтатади:

- 1) Лавозимидан озод этилса, ёки бошқа лавозимга, тайинланса, у фаолият кўрсатаётган мамлакат ҳукумати уни «нноматлуб шахс» («персона нон грата») хисоблаб, унинг чақириб олинишини талаб қилса;
 - 2) дипломатик вакил вафот қиласа;
 - 3) дипломатик муносабатлар бекор қилинса, айниқса уруш эълон қилинган бўлса ва ҳ.
- Хориждаги дипломатик ваколатхоналарнинг нормал фаолияти кўрсатиш учун энг муҳим шартлардан бири;
 - Ваколатхона худуди ва биносининг дахлсизлиги;
 - Дипломатик ходимлар учун дипломатик иммунитет;
 - Шифрланган маҳсус алоқа тури воситасидан фойдаланиш;
 - Дипломатик почтани дахлсизлиги;
 - Ваколатхона биносига транспорт воситаларига давлат байроғини ўрнатиш;
 - Дипломатларнинг шахсий юклари божхона текширувига тортилмаслиги;
 - Элчи (вакил) томонидан ишонч ёрлиги топширилганидан кейингина элчихона ўз ҳуқуқига эга бўлади;
 - Дипломатик корпус дуайени;
 - Протокол қоидалари;
 - Элчининг ташрифлари, турли ташкилотларга (расмий, норасмий);
 - Қабул маросимлари;

«Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабалари белгилаш тўғрисида» ги қонунда (1992 й., 3 июль) Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари бошлиқларининг қўйидаги 3 даражаси белгиланган:

1. Чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган фавқулодда ва муҳтор элчи;
2. Чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган фавқулодда ва муҳтор вакил;
3. Чет давлат ташқи ишлари вазири ҳузурида аккредитация қилинадиган ишончли вакил.

Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги ваколатхоналари дипломатия ходимларига бериладиган хизмат унвонлари қўйидагилар:

- фавқулодда ва муҳтор элчи;
- 1 ва 2 даражали фавқулодда ва муҳтор вакил;
- 1 ва 2 даражали маслаҳатчи;
- 1 ва 2 даражали 1-нчи котиб;
- 1 ва 2 даражали 2-нчи котиб;
- учинчи котиб;
- атташе.

Фавқулодда ва муҳтор элчи, 1 ва 2 даражали фавқулодда ва муҳтор вакил мартабалари Ўзбекистон Республики Президенти фармонлари билан, бошқа дипломатия мартабалари ташқи ишлар вазири буйруғи билан берилади. Дипломати мартабалари мазкур вазирликнинг раҳбар ва маъсул ходимларига ҳам берилиши мумкин. Фавқулодда ва муҳтор элчи ва вакил мартабалари бир умрга берилади.

Элчихоналар тузилиши

- Сиёсий масалалари бўйича гурух;
- Ички сиёсат масалалари бўйича гурух;
- Иқтисодиёт масалалари бўйича гурух;
- Матбуот бўлими;
- Консулийк бўлими;
- Хўжалик бўлими;
- Элчи котибияти;
- Ҳарбий, ҳарбий – ҳаво, ҳарбий – денгиз атташесининг маҳкамаси.

Дипломатик ва элчихона хужжатлари:

Вербал нота – шахсий имзо қўйилмай, элчихона ёки ташқи ишлар вазирлиги номидан жўнатилади ва учинчи шахс тилидан ёзилади;

Шахсий нота – мактуб шаклида бўлиб, биринчи шахс номидан ёзилиб, элчи томонидан имзоланади. Мактуб (нота) элчининг ТИВга ташрифи пайтида тақдим этилади.

Меморандум – бу катта хужжат бўлиб бир ёки бир қанча муаммоларни ўз ичига олади.

- Халқаро ташкилотлар.
- БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти)
- Халқаро Кенгашлар ва Конференциялар.
- Ташқи сиёсий музокаралар
- Дипломатик корпус
- Дипломатик сухбат
- Дипломатик қабул турлари
- Олий даражадаги давлат ташрифлари
 - а) расмий ташриф;
 - б) ишчи ташриф;
 - в) йўл устидаги (транзит) ташриф

Протокол:

- А) расмий меҳмонни кутиб олиш (аэропорт, вокзал)
 - Б) Пойтахтда расмий учрашув;
 - В) ишчи учрашувлар ва музокаралар (сухбат);
 - Г) протокол тадбирлари (нонушта, тушлик, театр ташрифи ва ҳ);
 - Д) пойтахт билан танишиши;
 - Е) мамлакат бўйлаб сафар;
 - Ж) якуний кузатиш;
-
- байроқлар
 - гимнлар
 - транспорт рақамлари
 - дипломатик расм – русум, одоби ва ҳ.
 - Турли йилларда фаолият олиб борган Ўзбекистонлик дипломатлар;
 - 1.Азимов С – Ливан, Покистон (элчи) Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири.
 - 2.Мухитдинов Н. – Сурья (элчи)
 - 3.Нишонов Р. – Шри – Ланка, Мальдив О-ри, Иордания (элчи)
 - 4.Қўконбоев Ф. – Судан (савдо вакили)
 - 5.Рахимов К. – Яман (консул)
 - 6.Барнохўжаев А. – Ливия (консул)
 - 7.Ойхўжаев Т – Сурья (вице консул)
 - 8.Мажкамов А – Яман (3 котиб)
 - 9.Турсунхўжаев М – Омон (1 котиб)
 - 10. Жўраев А - Индонезия (3 котиб)
 - 11. Мамашев И – Москва (2 котиб)
 - 12. Исломхўжаев С – Москва (ТИВ да)
 - 13. Юсупов Қ - Судан (3 котиб)
 - 14. Султонов F - Қашғар (вице-консул)
 - 15. Абдурахмонов А – Вьетнам (маслаҳатчи)
 - 16. Абдураззоков Баҳодир – Бангладеш (маслаҳатчи)
Афғонистон (маслаҳатчи)
Сомали (элчи)

17. Абдурашидов F - Самали (элчи)
18. Алиев Ё – Ўзбекистонни Ташқи ишлар вазири (1946-1948)
19. Ахмадхўжаев И – (ТИВ да консуллик бўлими бошлиғи)
20. Бобоҳўжаев А – (1948-1952 ТИВ вазири)
21. Исахҳўжаев А – (1987-1990 ТИВ ўринбосари)
22. Мақсадов Л – Габон (элчи, СССР)
23. Орипжонов М – Иордания (1 котиб, СССР)
24. Расулов А – Россия (Бош консул)
25. Рахимбобоева З – (ТИВ 1 ўринбосари Ўзбекистон)
26. Раимов Р – Саудия Арабистони (1 котиб)
27. Рустамов Ў – (ТИВ протокол – консул бўлими бошлиғи)
28. Сайдов Б – (1 даражали, 2 -котиб)
29. Султонов F - (1955-1958 ТИВ вазири)
30. Турсунов М – (1959-1971 ТИВ вазири)
31. Чермен М – (3 - котиб)
32. Шониғматов Р – (2 даражали котиб)
33. Кўчкоров А – Дагомея (СССР, элчи)
34. Курбонов С – (ТИВ вазир, 1987-1988)
35. Ҳайдаров А – Эрон (элчи)
36. Қосимов А – (СССР, маслаҳатчи) ва бошқалар

Назорат топшириқлари (ёзма ёки оғзаки назорат учун)

«Дипломатия» тушунчасини тахлил қилинг.

Халқаро дипломатиясининг шаклланиш жараёнини кўрсатинг.

Мустақил Ўзбекистон дипломатиясини тахлил қилиб беринг.

Ташқи ишлар вазирлиги (Ўзбекистон) тизимини тахлил қилинг.

Дипломатик даража ва унвонларни кўрсатиб беринг.

Халқаро дипломатия қандай шаклланади?

Мустақил Ўзбекистон дипломатияси қандай ривожланмоқда?

Тест топшириқлари:

3.Халқаро муносабатларнинг неча типи аниқланган?

- A. Бешта
- B. Учта
- C. Иккита
- D. Тўртта

4.Халқаро – хуқуқий нормалари биринчи бор қаерда ва қачон белгиланган?

- A. 1814 йил, Лондонда
- B. 1915 йилда, Венада
- C. 1816 йилда, Люксембургда
- D. 1817 йилда, Мадридда

3.Дипломатик вакилларнинг хуқуқ ва вазифаларига қаерда ва қачон аниқлик киритилган?

- A. 1818 йилда, Парижда
- B. 1818 йилда, Аахенда
- C. 1819 йилда, Венада
- D. 1819 йилда, Лондонда

4.Ташқи алоқалар давлат органларини жойлашиш ўрни ва фаолиятига кўра неча гурухга ажратиш мумкин?

- A. уч

В. икки
С. тўрт
Д. саккиз

5. Ташки алоқаларнинг хорижий органларини қайси тоифаларга ажратиш мумкин?

- А. Ташки ва ички
Б. Доимий ва мубаққат
С. Давлат ва ҳукумат
Д. Давлат ва нодавлат

6. Матлуб дипломатик шахс қандай аталади?

- А. «Персона дипломатика»
Б. «Персона нон грата»
С. «Персона грата»
Д. «Персона Vip»

7. Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини неча даражаси белгиланган?

- А. олти.
Б. беш
С. уч
Д. тўрт

8. Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги ваколатхоналари дипломатия ходимларига бериладиган хизмат унвонлари нечта?

- А. 9 та
Б. 10 та
С. 11 та
Д. 12 та

Мавзу бўйича асосий якунлар:

1. Халқаро муносабатлар тизими муайян тартиб қоидалар асосида тузилган ва ривожланмоқда.

Мавзу бўйича ўз ечмини кутаётган илмий муаммолар:

1. Халқаро муносабатлар ва дипломатия хизматини дунё даражасига олиб чиқиш муаммоси.

IV. СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИ:

**1-семинар машғулот: Халқаро муносабатлар ва дипломатия
Қадимги Шарқ, Греция ва Римда.
Ажратилган вақт – 4 соат**

Асосий саволлар:

1. Қадимги Шарқда дипломатия ва халқаро муносабатларнинг шаклланиши.
2. Қадимги Грецияда дипломатия ва халқаро муносабатлар
3. Халқаро муносабатлар ва дипломатия Қадимги Римда

Дарс мақсади: Қадимги Шарқ, Қадимги Греция ва Римда дипломатия соҳасининг шаклланиши ва унинг қай даражада юксалиши ҳақидаги маълумотларни муҳокама қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари.

- 1.1. Қадимги Шарқ дипломатияси ҳақида билади.
- 1.2. Қадимги Греция халқаро муносабатларга шарх беради.
- 1.3. Қадимги Рим дипломатиясининг ўзига хос томонларини ўрганади.

Методик тавсиялар:

Ушбу мавзуни ўрганишда авалом бор Қадимги Шарқда Греция ва Римда дастлабки давлатларнинг шаклланиши ва уларда дипломатик муносабатларнинг илк кўринишлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлишимиз керак. Мисрни архивлар асосида бошқа давлатлар билан олиб борган дипломатик муносабатларни очиб бериш керак. Римда эса империя ва республика даврларидаги дипломатик алоқалар устидаги бошқарувни фарқини очиб бериш керак.

Адабиётлар.

1. История дипломатии. М., 1959. Т. 1. 17-19 стр
2. Дипломатический словарь 1,2,3, тома М. 985-1988 гг. 5-8 стр
3. Д.Г.Редер, Е.А.Черкасова. «Қадимги дунё тарихи» Т. 1974 й 96-102 б

2- семинар машғулот: Халқаро муносабатлар ва дипломатия ўрта асрларда.

Ажратилган вақт 2-соат

Асосий саволлар:

1. Византия дипломатиясининг Варвар қиролликларига таъсири
2. Илк ўрта асрларда дипломатия соҳасининг юксалиши.
3. Халқаро муносабатлар ва дипломатия феодал тарқоқлик даврида

Дарснинг мақсади: Ўрта асрларда дипломатия соҳасининг ривожланиши ва халқаро муносабатларнинг мураккаблаши жараёнини мунозара ва мухокама қилиш.

Идентив ўқув мақсади:

Византия дипломатиясининг ўзига хос томонларини ўрганади.
Илк ўрта асрларда дипломатия соҳасининг ривожланишини кузатади.
Феодал тарқоқлик давридаги халқаро муносабатларга баҳо беради.

Методик тавсиялар.

Талабалар халқаро муносабатлар ва дипломатия ўрта асрларда мавзусини пухта ўзлаштиришларига алоҳида эътибор беришлари лозим. Бунинг учун ўрта асрларда Европадаги сиёсий воқеаликларни мукаммал ўзлаштирган бўлишлари керак. Византияning варвар қиролликларига таъсири, илк ўрта асрлардаги феодал тарқоқликнинг халқаро муносабатларга таъсири жуда катта феодал тарқоқликнинг оқибатларини очиб бериш керак.

Адабиётлар

- 1.В. Семёнов «Ўрта асрлар тарихи» М. 1974 йил. 44-52 бет
- 2.История дипломатии. М., 1959. Т. 1. 24-28 стр
- 3.Дипломатический словарь 1,2,3, тома М. 985-1988 гг. 11-15 стр

3- семинар машғулот: Халқаро муносабатлар ва дипломатия XI-XV асрларда.

Ажратилган вақт – 2 соат

Асосий саволлар:

1. Халқаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Фарбий Европа ва Шарқ мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар.
3. Дипломатия тарихида салиб юришларининг роли.
4. Вселен соборлари ва халқаро хукуқ илмининг пайдо бўлиши.

Дарснинг мақсади:

XI-XV асрлардаги дипломатия ва халқаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш дипломатик терминларни таҳлил қилиши.

Идентив ўқув мақсади:

1. XI-XV асрлардаги дипломатия соҳасидаги ўзгаришларни билади.
2. Фарбий Европа ва Шарқ мамлакатлари ўртасидаги халқаро муносабатларни муҳокама қилади.
3. Салиб юришларининг дипломатияга таъсирини шархлади.
4. Вселен саборлари ва халқаро ҳуқуқга баҳо беради.

Методик тавсиялар

